Неъмат
# Арслон

*Детектив қиссалар*

821
А-79



Книга должна быть возвращена не позже указанного здесь срока

| Количество предыдущих выдач |  |
| --- | --- |
| 4.07.21. |  |
| 12.09.22. |  |
| 18.10.21. |  |

сат
×1.



Неъмат
Арслон

*Детектив қиссалар*

# Бигиз

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2015

9900

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIAL

УЎК: 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)7
А 79

**Арслон, Неъмат**

А 79 Бигиз: детектив қиссалар/Н.Арслон. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2015. – 144 б.

ISBN 978-9943-28-264-3

Ёзувчи Неъмат Арслоннинг ушбу китобга жамланган «Бигиз», «Аммахоллдаги қотиллик» детектив қиссаларидаги воқеалар, тасвирлар, жумбоқли ҳолатлар ва уларнинг кутилмаган ечимлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Ушбу китоб детектив асарлар мухлисларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

**УЎК: 821.512.133-3**
**КБК 84(5Ў)7**

ISBN 978-9943-28-264-3

© Неъмат Арслон, 2015
© «O'zbekiston» НМИУ, 2015

# БИГИЗ

## 1

Бепоён денгиз улкан кўксини тўлдириб нафас олар, қайтдан чарчаган одамдай уф тортар, оқ ёлли тўлқинлар соҳил тошларига ўз дардини жимгина айтиб, қуриган сув ўтларининг кўпикларга беланган қорамтир томирларини қумлар устида қолдириб, оҳиста ортига қайтарди. Асов тўлқинларнинг шиддат билан келиши, сусайиши ва ҳафсаласи пир бўлгандай ортига қайтишида инсонлар ҳаётига хос нимадир бор.

Қумлоқ тўла одам. Сувдан чиқариб ташланган балиқлардек бетартиб сочилганча қумнинг оловдек тафтидан баҳра олишади улар. Ҳарорат керак уларга. Денгизнинг муздек сувига шўнғиган, тўлқинлар билан олишиб сузишган йигит-қизлар жунжиккан танларини пастдан қумга, тепадан қуёшга тоблаб иситадилар. Улар орасида фақат Финола кўринмайди. Унинг навниҳол қаддини дастлабки кунданоқ пайқаган эркаклар ёнларидаги аёл билан суҳбатлаша туриб, кўзлари билан ер остидан Финолани қидиришади. Шу жумладан, мен ҳам. Бу гапни очиқ айтишим, бироз ноқулай. Ёшим олтмишда. Оппоқ соқолимни силаб ўйланаман. «Соқол оқи ўлимга пешравдур» деб ҳар замон хиргойи қиламан. Баъзан э худо, қолган кунларни эсон-

омон ўтказай, сирим ошкор бўлиб қолмасин, дейман. Яна бир неча кундан сўнг қотилликда айбланишим ва турманинг зах камерасида оҳ тортиб ётишим мумкинлигини эса, хаёлимга ҳам келтирмайман.

Кеча Финола билан биринчи марта гаплашдим. Биз қумлоқнинг ғарбий бурчагини кесиб ўтган баланд қоятошлар тизмасининг нариги томонида тўқнаш келиб қолдик. Қўлимда қармоқчўп. Шимимнинг почасини тиззамгача ҳимариб, тўпиғимгача сув кечиб турибман. Финола ёлғизоёқ йўлдан тўғри олдимга келди. Менга бошдан оёқ бир қараб олди-да, сўради:

– Тортяптими?

– Иккита ушладим.

У чақноқ кўзлари билан атрофга қаради. Ҳеч қаерда типирчилаётган балиқларни кўрмай, ажабланди:

– Қани? Унда нега яна қармоқ ташлаяпсиз?

– Яхшилик қилиш учун.

Қизнинг қошлари чимирилди.

– Қўйворган балиқларим ҳозир оналарига мақтанишяпти: «Биз қармоққа тушиб қолгандик, соҳилда турган бир амаки бизни қутқарди», деб.

– Мақтовни яхши кўраркансиз-да.

– Ким яхши кўрмайди, мана сиз...

Бир лаҳза сукут қилиб мен ҳам қизни бошдан-оёқ назардан ўтказдим.

– ...мана, сиз ғоят латофатлисиз...

Қиз кетишга чоғланди. Худди шу пайт мен қармоқни кўтардим. Балиқнинг олтинранг танаси қуёшда ялтираб кетди. Қиз олдимга югуриб келди. Гўё менинг борлигимни ҳам унутгандай, балиққа қўл чўзди.



– Муздай! Вой, муздайлигини!..

Балиқ унинг нозик бармоқлари орасида жон ҳолатда типирчиларди.

– Чиқиб кетади, – чийиллади у ва қўлини менга чўзди. Унинг билагидан ушлаб, бармоқлари орасидан балиқни чиқариб олдим, қармоқдан бўшатдим.

– Финола!

Қимдир қоятошлар ортидан қичқирди ва зум ўтмай бир ўттизларни қоралаб қолган йигит олдимизда пайдо бўлди. Мен билан саломлашишни ҳам унутиб, қизнинг қўлидан тутди.

– Нима қилиб турибсан бу ерда, ёлғиз ўзинг?

– Бу нима деганинг? Биз уч кишимиз, мана, сен билан тўртта бўлдик.

– Кетдик, юр, палов тайёр бўлди. Ҳадемай, бошқалар ҳам сени излашга тушади.

– Юринг сиз ҳам, – таклиф қилди қиз мовий кўзларини менга тикиб. Сўнгра қум устида типирчилаётган балиққа қаради.

– Бораверинглар, қўйвораман, – дедим.

Улар қирғоқ бўйлаб қалин дарахтзор томон югуриб кетишди.

– Финола... – дедим балиқни қўлимга олиб, – бор, Финолага раҳмат айт.

Балиқ «шўп» этиб сувга тушди. Бир ағдарилди-да, чуқурликка шўнғиди. Қуёш уфқда парпираб турарди. Тош устига ўтирдим. Узоқ ўтирдим. Кўнглим негадир бўм-бўш. Гўё бошимга оғир кунлар тушиши ҳам мумкинлигини сезгандай маҳзунман.

## 2

Барча санаторийларнинг умумий бир жиҳати бор. Бу ерда ҳар ким ёшига қараб ўзига ҳамсуҳбат топиб олади. Ёшлар беш-ўнта бўлиб ўз жуфтлари билан яна алоҳида гуруҳлар ташкил этишади. Кексалар ҳам имкони борича ёшроқ, тетикроқ кўринишга уринишади. Оқшомлари кечки овқатдан кейин ҳамма ўз суҳбатдоши билан кўнгли ёктирган гўшага ошиқади. Тунги соат ўн биргача сайру томоша. Ўн бирда навбатчи – вахтёр ўнлаб хоналарни бирлаштирган умумий йўлак эшигини ичкаридан ёпиб олади. Бу расмиятчилик, холос. Аслида «севишганлар» учун ҳамма имконият яратилган. Биринчи қаватдаги ҳар бир хонанинг орқа тарафида ҳам эшиги бор. Истаган эшигингизни чертасиз, сизни хайрихоҳлик билан ўтказиб юборишади. Лекин нима бўлганда ҳам мен соат ўн бир бўлмай қайтишга ҳаракат қиламан. Бугун ҳам эртароқ қайтдим. Китоб ўқиб ётиб, кўзим илинибди. Бир пайт орқа эшикни кимдир шошқин бир тарзда чертаётганини эшитиб, уйғониб кетдим. Соат бир. Эшикни очдим. Олдин Финола, унинг ортидан кечаги йигит кириб келди. Қиз узр сўради. Ўтиб кетишди. Уйқум қочди. Хаёлнинг югурик оти бундай пайт ўз соҳибини қаерларга олиб бормайди, дейсиз. Ҳаётимнинг энг рангин лаҳзалари бир-бир кўз олдимдан ўтди. Соат икки. Тўққиз қаватли бинонинг қайсидир қунжакларидан келаётган товушлар тинди. Мудраб қолган эканман, бу сафар ички томондаги эшикни яна кимдир оҳиста, лекин шошқин тарзда чертаётганини эшитиб, уйғониб



кетдим. Ўрнимдан туриб эшикни очдим. Финола лип этиб ёнимдан ўтиб, ичкарига кирди.

– Чироқни ёқманг, – шивирлади у алланарсадан қўрққандай. Мен нима қиларимни билмай, хона ўртасида тик турардим. Қиз каравотга ўтирди. Хона унчалик қоронғи эмасди, кўча чироқларининг хира ёғдусида қизнинг кўзларидаги ифодани уқиб бўлмасада, унинг кайфияти, оқариб кетган юзи ва тўзғиган сочларига қараб нимадир юз берганлигини англаш қийин эмасди. Мен ҳам ўз каравотимга ўтирдим. Хона икки кишига мўлжалланган бўлиб, уч кундан бери ёлғиз яшардим.

Қиздан садо чиқмади. Нима бўлганини сўрасам йиғлаб юборади деб, мен ҳам индамадим. Афтидан, у нималарнидир мулоҳаза қилар, кўнглига келганини айтишни ҳам, айтмаслигини ҳам билмай ўтирарди.

– Тонг отгунча шу ерда қолсам, ижозат берсангиз, – деди у ниҳоят ҳўриққан овоз билан.

– Ҳали уч соат бор тонггача, ётиб ухлайвер.

Аммо у ётмади. Сал жойлашиброқ ўтирди. Ўрнимдан туриб, бир пиёла муздек сув тутдим. Ичди. Энтикиб нафас олди. Қўлидан пиёлани олаётганимда бармоқлари титраётганини кўрдим.

– Ким хафа қилди?

– Ғазанфар.

Нимадир деб тасалли беришим керак эди. Тилимга дурустроқ калима келмади. Айвончага ўтиб, сигарета тутатдим. Қайтиб хонага кирганимда у каравотда ухлаб ётарди.

## 3

Эртаси куни соат ўнларда Финола билан Ғазанфар ва яна бир киши соҳилда туришарди. Қумлоқ аста-секин ярим яланғоч одамлар билан тўлди. Қуёш чарақлаб турар, денгиз ялтираб мавжланар, оёқ остидаги қумдан ҳарорат кўтарила бошлаган. Дам олувчилар ўзларини муздек сувга отишар ва чиқиб қумлоққа ётишарди. Ғазанфар билан ҳамроҳи ҳам Финоланинг қўлларидан ушлаб, оппоқ бўлиб кўпириб, ёлларини ўйнатиб келаётган тўлқинлар бағрига отиб юборишдида, учаласи қулочкашлаб сузиб кетишди. «Хайрият, ҳеч гап бўлмаган экан», деган тасалли билан мен қум устига бағримни бериб ётдим. Соч-соқолимдан томчилаётган сув майин қум устида чўтир одамнинг юзидаги чуқурчаларга ўхшаш шакллар ҳосил қиларди. Ёнимга ёши ўтиброқ қолган бўлса ҳам юзидан тароват ёғилиб турган бир аёл келиб ётди. Ҳозиргина сувга шўнғиб чиққан, оппоқ баданида денгизнинг шўр томчилари тонг шабнамидек милдираб турибди. Кўз қирим билан аёлнинг жуссасини бирров кўздан кечирдим. Ёши қирқ бешларда. Бўйин ости ва тирсакларида майин ажинлар тўр сола бошлаган. Чаккасида оқара бошлаган соч толалари. Чалқанча ётгани учунми, кўкси қора рангли сийнабандини таранглатиб, тоғ чўққиларидек кўтарилиб турибди. Аёл боши остига сочиғини думалоқлаб қўйиб, қўлига қандайдир китобни олди. Менга деярли эътибор ҳам қилмади. Гарчи китобни варақлаётган ва кўз югуртираётган бўлсада, хаёли бошқа жойда. Яна бир неча дақиқадан



кейин унинг ёнбошлаб соҳил томонга диққат билан қараётганини пайқадим. Худди ўша жойда Финола турарди. Икки ёнида, кенг ўмровли, бўйчан икки йигит. Ҳа, унга қарамай иложинг йўқ, дедим ичимда. Аёлми, эркакми бу хилқат ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Ана, йигитларнинг мушаклари бўртиб чиққан, куч ва виқор тўла ҳукмрон гавдалари ёнида унинг сарвдек вужуди янада нафис, яна ҳам жозибали кўринади.

– Сиз анов қизнинг чап томонида турган кишини танийсизми?

Бу гапни ўша ёнимга келиб ётган аёл айтаётганди. Мен унга кушламайроқ қарадим ва ажабланиб елка қисдим. Бу «нима ишим бор» деганим эди.

– Ажабланадиган жойи йўқ – дедим қуруққина қилиб.

Нотаниш ҳамроҳим сўзида давом этди:

– Шундай деб ўйлайсизми?

– Умуман, ҳеч нарсани ўйламайман. Оддий ҳол. Ана, одамлар аёл-эркак бешта-ўнта бўлиб тўпланиб туришибди, юришибди, ётишибди, чўмилишяпти...

– Гап шундаки... – бироз сукут қилди аёл, – кимга бир гап бўлмаса деяман-да, – деди менинг лоқайдлигимни сира ҳам кўнглига олмай.

Унинг шу гапидан кейин кеча тунда бўлган воқеани эсладим. Энди биз иккovлашиб кузата бошладик. Уларнинг сафига янги қўшилган йигит билан қиз бир-икки шўнғиб чиқиб, қумга ётишди ва ниманидир қизғин муҳокама қила бошлашди. Товушлари бизга эшитилмас, фақат қўл ҳаракатларига қараб, шундай тахмин қилиш мумкин эди. Бироздан кейин Ғазанфар

кўринмай қолди. Энди нотаниш йигит Финола билан соҳил бўйлаб нари-бери бориб келиб туришарди.

– Сиз Финолани танийсизми? – сўради нотаниш аёл соҳилдан кўзини узмай.

– Келганимга бугун учинчи кун, ҳали ҳеч кимни танимайман.

– Биз Финола билан йўлдаёқ танишгандик. Очиққина қиз. Аммо оддий қизлардан эмас, айтмоқчиманки, характери мураккаброқ, қатъиятли, ҳар қандай вазиятда ўзини ҳимоя қила оладиганлар хилидан. Ҳаётда кўп нарсани кўрганга ўхшайди. Бир ҳафтадирки уни кузатаман.

– Нима мақсадда?

– Кунни фақат еб-ичиб, қумлоқда ағанаб ўтказмайсиз-ку, тўғрими? Нима биландир шуғулланиш керак. Биз энди ёш бўлсагакан анавилардай, – аёл боши билан соҳилда қаторлашиб турган йигит-қизларга ишора қилди, – ўйин-кулги қилсак. Энди сиз билан менга ўхшаганларга ҳаётни жимгина кузатиш, хулоса қилиш қолган, холос.

– Қизнинг тақдиридан хавотирланаётганингизга барибир тушунмадим. Аёл тирсагига таяниб, мен томон сурилди.

– Кеча тунда уни зўрламоқчи бўлишди.

– «Бўлишди» дейсизми, нима улар кўпчиликмиди?

– Икки киши. Ғазанфар билан анави сержун одам. Ҳу ана, Финоланинг билагидан ушлаб, нималарнидир гапириб турибди.

Ғазанфар ҳеч қаерда кўринмас, Финола билан сержун одам юзма-юз туриб, нималарнидир муҳокама



қилишарди. Уларнинг авзойига қараб гап нима хусусидалигини ўзимча тахминладим. Назаримда кеча тунда бўлиб ўтган воқеага аниқлик киритишаётганга, сержун одам (унинг ёши ўттиз бешларда бор) ота гўри қозихона қиладиган ҳеч нима бўлмаганлиги, бу ҳаёт тақозоси эканлигини қизга тушунтираётганга ўхшарди. Қиз бошини қуйи эгди, билагини унинг панжалари орасидан тортиб олди, сўнгра бу гап-сўзларнинг ҳаммасини ювиб ташламоқчи бўлгандай, ўзини сувга отди. Узоқдан иккита дельфин сузиб келаётганини кўриб, қаддини ростлади. Энди у белигача сув кечиб турарди. Дельфинлар яқинроқ келиб шу қадар баланд сакрашдики, қиз орқага тисариламан, деб сувга йиқилиб тушди. Шунда икки дельфин тумшуқларида уни бараварига кўтариб, соҳилдаги қумга ётқизишди. Бу қизиқ воқеа ҳамманинг кўз ўнгида бўлди. Баъзилар ҳайратланиб, ўрнидан турганча кузатди, бошқа бировлар воқеа бўлаётган жойга ошиқишди, бир зумда соҳил ғала-ғовур бўлиб кетди.

Ўз «вазифалари»ни бажарган ақлли жониворлар энди орқага қайтиб, қирқ-эллик метр нарида ўйин кўрсатишарди. Уларнинг бараварига сув устига отилиб чиқиши, денгиз сатҳидан қарийб бир одам бўйи юқорига кўтарилиб, яна бараварига сувга шўнғиши, ҳавода муаллақ туришга ҳаракат қилиб билтанглаганда тумшуғи, силлиқ пешонасида қуёш нурларининг жилваланиши ғоят жозибали ва ҳайратомуз манзара касб этарди. Ниҳоят сакрай-сакрай узоқлашиб кетишди. Кимдир ёнгинамда хўрсиниб қўйди. Бир аёл: «Қанийди одам ҳам шу дельфинлардай ақлли

бўлса», деди ширин энтикиб. «Севишган дельфинлар» деди бир йигит ёнидаги қизга қараб. Қумлоқ яна аввалги кўринишини олди. Ҳамма қатори биз ҳам ўз жойимизни эгалладик. Қум оловдай қизиб ётарди. Суҳбатимиз жазирама қумдан ҳам иссиқроқ эди.

– Зўрлашдимми? – сўрадим тунда қизнинг хонамга қочиб кирганини эслаб.

– Менимча эплашолмади, қизнинг дод солишидан қўрқишди.

– Номардлар, икковлашиб-а.

– Эркак зоти шу-да.

– Ҳаммаси ҳам шундай эмас. Умуман, сиз буларни қаердан биласиз?

– Аввал майин-майин суҳбат қилишди. Пул, тилла, машина ҳақида гап кетди. Кейин анави жундор қандайдир «шеф» тўғрисида гапирди. Бир пайт шивир-шивир бошланди.

– Шивир-шивирни қандай қилиб эшитдингиз?

– Айтдим-ку, Ғазанфар билан… ё айтмадимми? Биз Ғазанфар билан ёнма-ён хонада турамиз. Ўртада эни кафтдайгина девор. Аммо бир хил ганч билан сувоқ қилингани учун хона тахта девор билан иккига бўлинганини билиш қийин. Ғазанфар деганингиз бироз пала-партишроқ ҳаёт кечиради. Бир марта айвон деразасидан қарагандим, хонаси тўзғиб ётганди. Кийимлари ерга сочилган. Бунга ажабланманг, айвон унга ҳам менга ҳам тегишли, ҳар икки хона учун битта – умумий айвон. Кеча улар шивир-шивирга ўтгандан кейин секин айвонга чиқдим. Хонамда чироқ ўчириб қўйилгани сабабли мени пайқашмади. Дера-



за пардалари туширилган, лекин эшик-дераза очиқ. Қулоқ тутдим. Қиз нима учундир йўқ, қўрқаман, тегманг, деб зорилларди. Нимасидан қўрқасан, мана, қара, оддийгина, дерди жундор эркак.

– Ўша «оддийгина» нима экан ўзи? – сўрадим сабрим чидамай.

Қайдам, – хиринглади аёл юзига қизиллик югуриб, – кейин, ма, бўлмаса буни ич, ўзингни босиб ол, деди Ғазанфар. Шунда нимадир жаранглаб синди. Афтидан Финола унинг қўлидаги қадаҳни уриб юборди-да, қочиб чиқиб кетди.

– Улар билан қандай қилиб «ош-қатиқ» бўлиб қолган ўзи Финола?

– Буни ҳам менга айтиб берганди. Биз сирдошмиз. Финола Адлердан таксига ўтирган, таксист уни олиб қочмоқчи бўлган. Аввал яхшилик билан сўраган, кейин машинани бир қўли билан бошқара туриб, иккинчи қўли билан қизнинг… ҳалиги, хуллас у ербу ерига чанг солган. Финола ёрдам сўраб, қичқира бошлаган. Аммо ҳайдовчи машинани ўрмон томон ҳайдаган. Ўрмонда қалин бир чангалзорда машинани тўхтатиб, қизни тортиб туширган, Финола овозининг борича қичқириб, ёрдам сўраб қаршилик кўрсата бошлаган. Худди шу пайт қаердандир чангалзор ёнига «Форд» келиб тўхтаган. Машинадан тушган йигит, яъни Ғазанфар – такси ҳайдовчисига ташланган. Уни уриб йиқитган-да, бўйнига пичоқ тираган. Шунда яна Финола ўртага тушган, такси ҳайдовчисини қўйиб юборишган. Шу-шу қиз Ғазанфардан қарздор бўлиб қолган. Энди унинг раъйини қайтариш қизга қийин бўлганди.

– Хи-иимм, аҳвол мураккаб экан.
– Сўраманг.
Иккаламиз ҳам нигоҳимиз билан қизни ва унинг ҳамроҳини изладик. Улар ҳеч қаерда кўринишмасди. Қандайдир хатар борлигини ҳис қилдим, дилим хуфтон бўлди. Кун ҳам аста-секин кечга томон оға бошлаган ва қумлоқ одамлардан холи бўлмоқда эди. Ҳамроҳим ўрнидан турди. Баданидан шовуллаб қум тўкилди.
– Сиз шу ерда тунамоқчимисиз? – кесатди сочиғини қўлга олиб соҳил томон одимларкан. Беихтиёр ортидан эргашдим. Бу аёл менга нимаси биландир ёқа бошлаганди. Биз баданимизга ёпишган қумларни кетказиш учунгина бир-икки шўнғиб олдик-да, шоша-пиша кийиндик. Ҳаво совиб борарди.
– Мен учинчи корпус, тўртинчи қават, 430-хонада тураман, табассум қилди аёл. – Исмим София.
Мен ҳам турар жойимни ва исмимни айтдим.
– Менда «Импра» чойи бор.
– Унда чойхўрлик қиларканмиз-да.
– Киринг.
Биз илиқ хайрлашдик.

## 4

Тун осойишта ўтди. Рақс майдончасидан ҳам мусиқа садолари эшитилмасди. Ёшлар «Тайфун» катерига ўтириб, денгиз сайрига кетишган экан. Улар тонгга яқин қайтишди. Эрталаб Финоланинг кайфияти яхши эди. Биз узоқдан бош силкиб саломлашдик. Нима учундир у жилмайганча менга бир муддат қараб турди. Соат тўққиз яримларда қумлоққа чиқиб, София учун ҳам жой банд қилдим. У соат ўн бирларда келди. Бошида кенг гардишли похол шляпа, эгнида енгилгина савсари тусдаги енгсиз куйлак, қўлтиғида кичкина китоб, қўлида тугунчаси ҳам бор. Кеча тунда унинг хонасида ўтириб, «Импра» чойи ичгандик.

София мени четроққа имлади. Юз қадамча нарида шимолдан жанубга томон оқадиган ва денгизга келиб қуйиладиган анҳорча бор эди, ўша томонга ўтиб, баҳайбат каштан дарахти тагида тўхтадик. Бу ер тинч, салқин ва хушманзара жой.

Ўтирдик. Ўртамизда шапалоқдеккина дастурхонча. София ўз ҳаёти тўғрисида гапириб берди. Мен ўйлаганимдан ёшроқ экан, қирқ бешда. Ҳақиқатан ҳам бугун у ёш кўринарди. Финола тўғрисида гап бўлмади. Тушликда София менинг столимга ўтиб ўтирди. Шундай қилиб биз иноқлашиб қолдик.

Орадан икки кун ўтиб, ёшлар яна денгиз сайрига чиқадиган бўлишди. Бу сафар София билан мен ҳам қўшилдим. Кемамиз сув сатҳида худди ерни трактор билан ҳайдалгандек кўпикли излар қолдириб, олға интиларди. Тақдирнинг тақозоси билан биз Ғазанфарлар билан бир каютага тушиб қолдик. Ғазанфар зиёфат берадиган бўлди. Жундорнинг исми Муштархон экан. Танишиб олдик. У соқол босган юзини дам-бадам силаб қўяр, бароқ қошлари остидан миттигина рангини билиб бўлмайдиган кўзлари аранг кўринарди. Бундай кишиларни исмидан ҳам, кўринишидан ҳам қандай миллатга мансублигини англаш қийин. Финоланинг отаси ўзбек, онаси поляк аёли, буни биламан. Ғазанфар билан София тожик аралаш ўзбек.

Танишиб олганимиздан кейин менинг исмим даврада бир муддат муҳокама бўлди. Забаржад – бу диний исм бўлса керак, деган хулосага келишди ҳамроҳларим. Софияни Болгария пойтахтига мансуб дейишди. Финола, ҳаммамизнинг фикримизча, қандайдир, савсари рангларни, бинафшани эслатарди.

– Туғилганимда лабим ҳозиргидай оч савсари рангда бўлгани учун шундай исм беришган, – изоҳлади Финола.

– Финол – бу заҳарли модда-ку, – деди София.

Барибир унинг исми энг нафис, энг ёқимли, Ғазанфарнинг исми энг жанговар деб топилди.

## 5

Тамадди қилиб олгандан кейин палубага чиқдик. Ўнгда сердарахт соҳил, чапда бепоён сувлик. Кемамиз қирғоқдан унча узоқлашмай сузиб борар, тепамизда оқчорлоқлар қийқириб айланишар, йўлда ҳамроҳ бўлган дельфинлар шиддат билан сузиб, биздан ўзиб кетишар ва яна изларига қайтардилар. Қандайдир бир порт шаҳарчасида тўхтадик. Шаҳарни томоша қилиш ва тушлик учун бир соат вақт ажратилди. Соҳилда сураткашлар қаторлашиб туришар, кемалар фонида суратга тушишни таклиф этишарди. Шу ерда Ғазанфарни йўқотиб қўйдик. София менга тагдор қилиб қаради. Муштархон ҳамишагидай «жим» эди.

Қайтишда сира кутилмаган воқеа рўй берди. Кема капитанининг айтишича, бундай «кўргилик»ка сўнгги йигирма йил ичида биринчи бор дуч келишган. Кема қуюқ дарахтлар, сув ювган жарликлардан иборат қўлтиққа ўхшаш жойда тўхтаб қолди. Тун қоронғилигида ён тарафдан сузиб келаётган қандайдир қайиқ кемага тақалиб тўхтади. Кимдир қайиққа тушди. Кейин билсам, Ғазанфар экан. Айтишларича, ўн чақиримча нарида унинг таниши бор экан. Ғазанфар ўша танишидан кема учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларни олиб келармиш. Кеманинг чироқлари ҳам ўчиб қолганлиги сабабли пайпасланиб, каютадан чиқдим. Ойнинг хира ёруғида ялтираб турган сув сатҳидан сирғалиб бораётган қайиқни аранг илғаса бўларди.

Ғазанфар икки соатдан кейин қайтди. Қайиқдан [illegible] кемага тортиб олишди. Орадан ўн дақиқа ўтиб, кемамиз ҳаракатга келди. Чироқлар ёнди. Хурсандчиликни ифодалайдиган қийқириқлар эшитилди.

Ярим тунда маконимизга етиб келдик. Тинчгина хона ва уйқудан бўлак нарсага хушим йўқ. Балки бу кеча София ҳам қўшниларнинг нима билан шуғулланишига қизиқмай қотиб ухлар. Чарчаганмиз. Лекин ҳаёт кажрафтор, гоҳида оддийгина орзу ҳам амалга ошмайди. Тўшакка эндигина ётаман, деб турганимда эшик тақиллаб қолди. Остонада турган аёл киришга рухсат сўради. Кутилмаган бу ташриф малол келган бўлса ҳам, уни ичкарига таклиф этдим. Аёл ҳужжат кўрсатди ва ўзини таништирди:

– Қарши туман ИИБ капитани Мастура Зиёматова.

– Хизмат?

Овозимдан норозилигим сезилиб турарди. Милиция ходимининг ярим тунда хонангга кириб келиши минг





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI FILIALI

бегунох бўлсанг ҳам ўйлатиб қўяди. Қаерда нима деганинг, ким билан ҳамтовоқ бўлганингни эслай бошлайсан. Биринчи навбатда, ўзингни хотиржам тутишга уринасан.

– Ғазанфарни танийсизми?

Ҳеч қандай индаллосиз савол берди капитан.

– Салом-аликда бўлганмиз.

– Шу йигит тўғрисида нима дея оласиз?

– Сизни нима қизиқтиради?

– У билан боғлиқ ҳамма нарса.

Мен елка қисдим.

– Унинг изидан тушганмиз, – давом этди капитан. Ғазанфарнинг наркобизнес билан шуғулланиши тўғрисида маълумотлар бор. Санаторийга ҳам шу мақсадда келган.

– Далиллар етарли бўлса, ушланг-қўйинг-да.

– Вазият пишиб етилган эмас. Чўчитиб қўймаслик керак. Шунинг учун Финола, София ва бошқа ҳамроҳлари билан гаплашмаяпман. Уни қўлга олиш қийин эмас. Биз шу иш билан шуғулланаётган тўдани қўлга туширишимиз керак. Гиёҳванд моддаларни қаердан олади? Ким биан учрашади? Кимларга сотади? Воситачилари, етказиб берувчилари, бошлиқлари ким? Шуни аниқлашимиз керак.

– Бу ерда қарийб бир ярим минг киши дам оляпти. Аксарияти ёшлар. Сиз эса, нима учундир мени танлагансиз…

– Сиз ростгўй ва инсофли одам кўринасиз, ёшингиз ҳам улуғ. Назаримда Ғазанфарни кузатиб юрганга ҳам ўхшайсиз, тўғрими? Ундан кейин... Финолага



нисбатан бефарқ эмассиз. Шундай экан, Ғазанфар тўғрисида нималарнидир биласиз.

– Билганим шуки, Ғазанфар пулдор йигитлардан. Зиёфатлар, денгизда кема сайри, турли сайллар уюштиради.

– Тўғри, лекин у пулни қаердан олади? Тайинли бирор жойда ишламайди, отаси оддий фаррош. Ғазанфарнинг эса, янги «Форд»и бор. Санаторийлар, сайрлар, зиёфатлардан бўшамайди. Бу тўғрида ўйлаб кўрмаганмисиз?

– Унинг ҳаётини яхши билмайман. Шу ерда танишганмиз.

– Кеча кема «Торпедо» қўлтиғига кирганда бузилиб қолди, бунга нима дейсиз?

– Сал шубҳаландим. Кеманинг бузилиб қолиши, қоронғиликдан сузиб келган қайиқ, Ғазанфарнинг қайиқ билан кетиши...

– София қандай аёл?

Бундай саволни кутмагандим. Шунда бироз довдираб, жавоб қилдим:

– Самимий аёл. Яхши ҳамсуҳбат.

– Сиз билан кўпроқ нималар тўғрисида гаплашади?

– Ҳаётнинг мураккаблиги тўғрисида.

– Финола тўғрисида-чи?

– Яхши қиз дейди. «Унга бир гап бўлмасайди» деб хавфсираб юради. Улар она-боладай, жуда иноқ.

– Ўзи ҳақида-чи?

– Ўзи савдо ходими экан. Ҳозир аёлларимизнинг катта қисми тижоратчи-ку.

– Биламан. Бунга ажабланаётганим йўқ. У билан муносабатларингиз яхшилигини ҳам биламан. Улар Ғазанфар билан аввалдан таниш бўлишгани сизга маълуммиди?

– Мутлақо.

– Демак, ҳали яхши танимабсиз.

– Ундан шубҳаланяпсизми?

– Мен ҳали бундай деганимча йўқ. Хўп майли, узр, ярим тунда безовта қилганим учун. Фақат сиздан битта илтимос, бажарасизми? Биламан, аввал қандай илтимослигини эшитай дейсиз. Илтимосим шуки, София Сафаржоновага ҳам, Финола ёки бошқаларга ҳам суҳбатимиз тўғрисида ҳеч нарса демасангиз...бу жуда муҳим.

– Майли, сиз айтгандай бўлади.

## 6

Бу суҳбат мени кўп ўйлантирди. Юзлаб саволлар миямга уриларди. Айниқса, Софияга тегишли гаплар бошимни қотирарди. Наҳотки ундан ҳам шубҳаланишаётган бўлса. «Ҳали яхши танишмабсиз» дегани нимаси? Финола-чи? Нима учун мени бу қизгинага ... ҳатто муносиб сўз ҳам тополмайман, «бефарқ эмассиз» деган иборани қандай тушуниш керак? Тунда кеманинг бузилиб қолиши-чи? Демак, бундан биргина мен шубҳаланмаган эканман-да. Наҳотки ҳаммаси «гиёҳвандлик» деган бир ипга тизилаётган бўлса? София ҳам шу ипнинг битта маржонимикин? Муштархон-чи? Бу одам тўғрисида капитан бир оғиз ҳам сўрамади, нега?



Узоқ ўйлабман. Ўрнимдан туриб шоша-пиша ювиндим. Тезроқ Софияни кўрмоқчи эдим. Унинг авзойини билишга ошиқардим. Соҳилга тушдим. Дам олувчилар аллақачон ўз жойларини эгаллашган, ўз ҳамсуҳбатларини топиб олишган. Сувга шўнғиётган [illegible] орасидан Финоланинг навниҳол қоматини қийналмай топдим. Софияда бирор ўзгариш сезмадим. Ҳамишагидай олди-қочди гап қилдик. Демак, у кечаги ташрифдан бехабар. Қайдан ҳам билсин, Мастура [illegible] ўз ролини қойиллатиб бажармоқда. Тушликдан кейин ҳар биримиз ўз хонамизга йўл олдик. Кечга яқин балиқ овига боришимни унга билдирмадим. Икки соат дам олгач, қармоқчўпимни кўтариб, «Жаннатга» бордим. Ўша туятошлар ортидаги майдончани ўзимча шундай номлаганман. Тош девордан ошиб ўтиб, кўзларимга ишонмай қолдим. Финола соҳилда чўнқайганча ўтирарди. Яқинлашганимни сезмади ёки сезса ҳам билдирмади. Нигоҳини сувдан узмади. Денгиз тўлқинлари ёпирилиб келар, шалоплаб [illegible] соҳилга урилар ва тошлар юзини такрор-такрор юварди. Ўтиришига қараганда қизгина оғир бир муаммони ҳал этиш, нимадандир кечиш, ниманидир тасдиқлаб, нимаанидир рад этишга чоғлангандай.

Худди шу дамда олдин иккита, ундан кейин яна учта дельфин сузиб келиб, қирғоқ яқинида фақат шу жониворларга хос рақсга туша бошладилар. Уларнинг аввал сузиб келган бир жуфти ўтган куни Финолани сувдан қирғоққа чиқариб қўйган дельфинлар, шекилли. Улар афтидан инсон зотидан бўлган бу гўзал хилқатни кўрсатиб мақтаниш учун ҳамроҳларини

ҳам бошлаб келишган. Дельфинлардан бири соҳилда ўтирган қизга жуда яқин келиб, думи билан мўл-кўл сув сачратиб, унинг устини шалаббо қилди-да, «ҳазил»идан ўзи ҳам завқлангандай қийқириб, баландга сакради, ҳавода ўмбалоқ ошиб, тўлқинлар бағрига ўзини отди.

Финола бошидан қуйилган муздек сувдан энтикиб, ўзини орқага олди. Худди шу лаҳзада мен унинг ёнгинасида турардим. «Золимлар, қараб турингглар сенларни!..» деганча муштини кўрсатиб қичқирди Финола уларнинг ортидан. Мен ҳам унга қўшилиб кулдим.

– Қаранг буларнинг қилган ишини. – Менга арз қилди қиз ёлғондакам жаҳл билан.

Аслида дельфинлар қизнинг оғир ўйларини бартараф этиш учун келган-у, ўз вазифаларини бажариб, яна орқага сузиб кетишганга ўхшарди.

– Улар бекорга келишмаган, – дедим ана шу ўйлар таъсирида.

Финола ёнламасига туриб, этагини сиқарди. Менга ажабланиб қаради. Сочларини силкиб ташлади. Бинафшаранг шоҳидан тикилган кўйлаги баданига чиппа ёпишганидан хижолат чекарди.

– Нима учун ундай дейсиз?

– Нима учунлигини ўзинг кўриб турибсан-ку.

Қиз фикримни тушунмай, елка қисди.

– Оғир ўйларга чўмиб ўтиргандинг, мана энди ҳаммасини унутиб, табассум қиляпсан.

– Тўғри, қаранг, жуда тўғри. Ҳаммасини унутдим.



7

Унинг хурсандчилиги узоқ чўзилмади. Ортига ўгирилиб, қалин буталар оралаб ўтган ёлғизоёқ йўлга қаради. Кўзларида ташвиш ифодаси. Каштанлар ортидан кимнингдир қораси лип этиб кўринди-ю, кўздан ғойиб бўлди.

– Бу Муштархон, – деди Финола ижирғаниш билан. – Мени пойлаб юрибди. Худди мен унинг... унинг товуғидай.

Кулгидан ўзимни тийиб ололмадим. «Товуғидай» деган сўз менга нашъа қилди. Бир амаллаб ўзимни босиб олдим, чунки қизнинг аҳволи кулгини кўтармасди, унинг кўзи уялган, лаблари дўрдайиб, аразлаган бола қиёфасида турарди.

– Муштархоннинг нима дахли бор?

– Уйланмоқчи.

– Кимга?

– Менга-да.

– Уҳ! Ғазанфар-чи?

– У даллол.

– Совчи демоқчимисан?

– Даллол.

– Бу ерда ҳеч кимнинг бир-бирига боғлиқлик жойи йўқ. Сен қандай қилиб уларга қўшилиб қолгансан? Ўша таксист билан бўлган воқеами?

– Сиз эшитганмидингиз?

– Сал-пал.

Қиз оғир хўрсинди.

– Менга укол ҳам қилишди, – деди бироздан сўнг ўйчанлик билан.

– Қандай укол?

– Героин.

– Нималар деяпсан, Финола, ақлинг жойидами ўзи? Героин?!

У бошини илкис кўтариб менга қаради. Кўзларида ёш қалқиб турарди.

– Ўша кечами? Менинг хонамда тунаган кечанг?

– Йўқ, ўшанда кўнмагандим. Кундузи. Нафасим қисиб қолди. Ҳар замон шундай бўлади. Аллергиям бор, тутунга. Ўрмонда ош пишираётгандик, нафасим қисиб қолди. Шунда улар укол қилишди.

– Иродангни синдиришмокчи, – дедим астойдил ғазабланиб. – Ўзингни қўлга ол. Борма, уларнинг олдига. Финола, ўтиниб сўрайман, ҳаётингни барбод қиласан.

Финола кўксимга бош қўйди. Кўзларидан шашқатор ёш оқарди. Иссиқ нафаси кўкрагимга урилди. Илојим йўқ, «қарздорман», шивирлади унинг лаблари. Қарийб товушсиз шивирлади. Унга нима деб маслаҳат беришни билмас, маҳкам кўксимга босиб турар ва уни қандай қилиб қабоҳат чангалидан қутқариб олишни ўйлардим. Назаримда Финола кўнгилчан ва соддадил қиз, София таърифлаганининг тескариси. Бундай кишилар озгина яхшилик эвазига бор-йўғини ҳам ҳадя этишга тайёр турадилар.

– Менинг бир танишим бор, ўшанга айтсам-чи? – сўрадим унинг елкасидан силаб, – у сени қутқаради. Унинг кучи етади.

Қиз бирдан ўзини тортди. Кўзларида қўрқув. «Йўқ» деди қатъий қилиб.

Кейин ўрмон томон юриб кетди. Ўша томонга боришни истамас, лекин қандайдир кўзга кўринмас ип уни судраб кетаётганга ўхшарди.



## 8

«Даллол» деган сўз хаёлимдан кетмай қолди. Ўртага даллол тушган бўлса савдо ҳам бўлган. Ғазанфар уни нима учун сотмокчи? Нима эвазига Муштаржонга беряпти? Шундай гўзал қиздан қандай қилиб воз кечипти?

Йўқ, бу нашавандларга тушуниш қийин. Капитан Зиёматовага айтсам нима бўларкин? Финоланинг қўрқувга тушиб «йўқ», деган биргина сўзи саволимга жавобдай бўлди. Нима бўлса ҳам бироз кутишга қарор қилдим.

Шу кунларда нима сабабдандир София ҳам камнамо. Муштархонни бир кўргандай бўлдим-у, яна йўқотдим. Соҳилдан қайтаётиб, чирмовиқ гуллардан чайин қилиб ясалган «суҳбатхона»да икки кишига кўзим тушди. Уларнинг бири Мастура Зиёматова, иккинчиси Ғазанфар. Сўроқ олиб бориляптими ёки шунчаки суҳбатми, билолмадим. Улар йўлга тескари ўтиришгани сабабли юзларини кўриб бўлмасди. Ҳар ҳолда ИИБ ходими вақтни беҳудага сарфламаса керак. Ўтиб кетдим. Мени пайқашмади. Хуллас, бугун Ғазанфарнинг кичкина гуруҳи, аниқроғи, гуруҳнинг ядроси тарқоқ эди. Нимадир яқинлашаётганга ўхшарди. Мени, айниқса, Софиянинг ҳеч қаерда кўринмаётгани ажаблантирди. Ёки мендан араздамикин? Нима бўлганда ҳам Зиёматовага раҳмат. У Финолани қутқазади.

Шундай кечинмалар билан хонамга йўл олдим. Тун осойишта бошланди. Деразадан ойни томоша қилиб ётдим. Денгизнинг шўртак зарраларига тўйинган ҳаво.

Тўлин ой булутлар орасига шўнғийди. Ошиқи беқарор булбул ноласи. Ух! Бундай пайтда хаёлингга нима-лар келмайди. «Яшаш қанчалар яхши», деб беихтиёр хўрсиниб қўясан. Денгиз ҳам хўрсинади. Тун суку-натида тўлқинлар шовурини тинглаб етишнинг ўзгача завқи бор. Финола нима қиляпти экан, худди шу лаҳзаларда? София-чи?

Бирдан қоронғилик бостириб келди. Осмон қоп-қора. Ой кўринмайди. Лаҳза ўтмай ёмғир томчилари деразам тагидаги сирень япроқларини оҳиста черта бошлади. Ҳаво салқин тортди. Ёмғир. Бундай пайт-да сайр қилишни яхши кўраман. Болаликдан қолган одат. Кўп эмас, беш-ўн дақиқа айланиб келиш нияти-да ташқарига чиқдим. Эгнимда енгилгина туклдор ха-лат. Санаторий чироқлари ёмғир пардасига чўлғаниб, йўлакларни хира ёритиб турибди. Аммо мен бораётган томон зулумотга чўлғанган. Соҳил яқинида томи че-репица билан ёпилган айвонча бор. Хилватхона. Ўша томонга бормоқчи бўлдим, аммо тезда фикримдан қайтиб, тунука томли айвонча тарафга юрдим. Нега бундай қилганимни айтолмайман. Балки ёмғирнинг гувуллашини эшитиб ўтирмоқчи бўлгандирман. Чере-пицали томда ёмғирнинг шатирлаши эшитилмайди-да. Мен борадиган айвончанинг атрофи гулдор линолеум билан ўраб олингани туфайли уни «Гуландом» дейи-шади. Бу ерга камдан-кам келишади, дам олувчилар. Тунда эса, бутунлай хилват бўлади.

Зинадан кўтарилдим ва бирдан ҳайратланганча тўхтаб қолдим. Овозлар, шивир-шивирлар...

– Мана, учига қўлингни теккизиб кўр, жуда ўткир, бемалол эплайсан, тиқиб оласан.



– Шу ишни ўзинг бажарсанг бўларди, – эъти-[illegible]. Товуш эгасини танимадим. Айрим ҳарфларни бузиб талаффуз қиларди.

– Мен қандай қилиб сенинг хонангга кираман?

– Бу қийин эмас, соат ўнда дераза тагига келасан, [illegible] танлайман.

– Вахтёр-чи? Мен бу ерда дам олмасам, кундузи [illegible] билан кечаси...

– Эртага Ленора опанинг навбати. Роппа-роса соат ўнда кофе қайнатиш учун ошхонага ўтади. Худди шу пайт ичкарига кириб оласан.

– Кофе қайнатмаса-чи?

– Одатини тарк этмайди у, кўп кузатганман. Ух-лаб қолмаслик учун албатта қаҳва ичади.

– Тўртовларинг маишат қиласизлар, мен оч ўтира-манми?

– Хонамда ҳамма нарса бўлади. Сени оч қўяманми?

– Аммо, юз минг доллар учун очдан ўлсанг ҳам савоб.

– Бўлди қил, ҳазилинг қурсин.

– Соябонингни бер, – шивирлади эркак.

– Кетмоқчимисан?

– Буни соябоннинг темирига ёпиштириб қўяман, ёнимда скотч бор.

– Қаердан олгансан ўзи буни?

– Афғонда бўлганимда бир йигитдан сотиб олган-дим. Мустаҳкам пўлат, қайрилмайди.

– Барибир мен уни ишлатолмайман.

– Дадил бўл, юз минг доллар амакинг эмас. Та-ваккал қилса арзийди. Ва-банк! Дарвоқе, унинг хона-сида...

– Бўлди. Айтдим-ку сенга ўша қолади.
– Ма, чўнтагингга солиб қўй, ганч. Тупугинг билан хўллайсану ёпиштирасан қўясан.
– Ўргатма, икки йил ганчкор бўлиб ишлаганман.
– Хуллас, ва-банк?
Шундай келишувдан кейин иккита қора шарпа айвончадан чиқиб, қоронғиликка сингиб кетди.

## 9

Дам олувчилар эрталабки чойни ҳар доимгидай апил-тапил ичишмади. Ташқарида ёмғир. Ҳаво рутубатли. Ёруғ ва иссиқ емакхонада ўтириб, қаймоқ чой хўплаяпмиз. София сузмага қаймоқ аралаштириб, икки чой қошиқ шакар солди-да, еб олди, сўнгра эринчоқлик билан тухум арчий бошлади. Унга зимдан разм солиб турдим. Тухумни арчиб, менинг олдимга суриб қўйди. Мен ҳам одатдагидай қовурилган балиқни унга бердим.

– Сиз кўпроқ балиқ ейишингиз керак, – деди у ликопчани мен томон суриб, – кеча бир журналдан ўқиб қолдим, балиқни кўп истеъмол қилган эркаклар аденома билан оғришмасакан.
– Туни билан ўқиб чиқдим, денг?
– Бошқа нима ҳам қилардик, ҳамма эркакларнинг кўзи Финолада бўлса.
– Бу шама менга ҳам тегишлими?
София кўзини сузиб қаради. Лабларида истеҳзоли табассум. Унга қараб дилимдаги шубҳа тарқалиб кетди. Йўқ, София ҳалол покиза аёл. Ёмон фикрга боришимга ҳеч бир асос йўқ. Емакхонанинг узоқ бур-



ётган Финоланинг жарангдор кулгиси эшитилди. Иккаламиз ҳам ўша томонга қарадик. Менинг ўнг томонимда ўтирган киши карқулоқ. Ҳеч нарса эшитмас ва [illegible] қиларди.

## 10

Ташқарига чиқишимиз билан София пинжимга тиқилди. Пана-панада бир-икки учрашганимиздан бери муносабатларимизни ҳеч кимдан яширишни истамасди. Биз битта соябон тагида ёмғирдан паналаб борардик. «Севинган дельфинлар»нинг маъмурияти дам олувчиларни зериктириб қўймаслик учун санаторий радиоузелидан катта залда концерт бўлишини, кичик залда кўзбойлоғич Аронов иштирокида томоша, ошхона фойесида викторина ва бошқа кўнгилочар тадбирларни эълон қилди.

Шундан сўнг Виола деган қиз билан Шараф исмли йигит кеч соат саккизда никоҳ тўйларига таклиф этишди. «Севинган дельфинлар»да бундай тўйлар тез-тез бўлиб тураркан. Дам олишга келувчилардан айримлари шу ерда танишиб, дўстлашиб, севишиб қолишар ва кейин тўйларини ҳам санаторийда ўтказиб кетишаркан.

Бу хабарни эшитиб София бошини елкамга қўйиб, оғир хўрсинди. Унга раҳмим келди. Ёлғиз аёл. Ўн йил бурун автоҳалокат туфайли эридан айрилган. Бола-чақаси йўқ. Ёлғизлик ёмон, фақат ёзувчиларгина бундай кўргиликни писанд этишмайди, аксинча, шунга интилишади.

Биз биринчи қават даҳлизида туриб хайрлашдик. София соябонини авайлаб ёпиб, зинадан юқорига

кўтарилиб борарди. Ортидан бир муддат кузатиб турдим. Унинг қадам товушлари эшитилмай қолди. Аммо мен ҳамон турган жойимда хаёл сурардим.

– Бир минутга мумкинми?

Овоз эгасини ҳали қарамасимданоқ таниб, ортимга кескин ўгирилдим.

– Хонангизга таклиф қилмайсизми?

– Жоним билан.

– Муштархон билан ҳамсуҳбат бўлганмисиз? – савол тутди капитан Зиёматова хонага кирар-кирмас.

– Бир марта, кемада.

– Нима тўғрисида гапирганди у?

– Ғазанфарни мақтаганди.

– У одам тўғрисида қандай фикрдасиз?

– Жундор бир банда, – ҳазил қилмоқчи бўлиб шундай дедим.

– Гиёҳвандлик билан боғлиқ хатти-ҳаракатларини илғамаганмисиз?

Ўйланиб қолдим. Финоланинг айтган гапи ёдимга келди, аммо мен бу саволга тайёр эмасдим. Қизнинг айтган гапини ошкор қилсам қандай бўларкин, унинг ёки бошқа бирор кишининг ҳаётини издан чиқариб юбормасмиканман, деган андиша билан тилим тутилди.

– Айтинг, адолат тарафида туринг.

Капитаннинг овозида қатъият борлигидан дадилландим.

– Финола бир гапни айтганди…

– Давом этинг.

– Унга наркотик укол қилишибди.

– София айтдими?



– Ўзи.

– Мен қизнинг тақдиридан хавотирдаман.

– Ғазанфарга нисбатан боғланиб қолган. Уни таксистнинг қўлидан қутқариб қолгани учун ҳаётим би[illegible] Ғазанфардан қарздорман, деб ўйлаб, улардан алоқасини узиб кетолмаяпти.

– Ғазанфар уни қутқарган деб ўйлайсизми? Бу уюштирилган саҳна кўриниши. Ғазанфар ҳам, такси ҳайдовчиси ҳам актёрлар. Муштархон эса, режиссёр. Мен ўша ҳайдовчини топдим. Ҳаммасини аниқладим. Таксистларнинг ярмидан кўпи Муштархоннинг одамлари экан. Навбатни ҳам Муштархон белгиларкан. Шунинг учун ҳамма ҳайдовчилар ундан қўрқишади.

– У Финолага уйланиш ниятида шундай қилган.

– Нотўғри, Финолани қандайдир наркобарон учун тайёрлашяпти. Наркобарон Финола билан бирга самолётда келган.

– Ў-ҳў, иш йирик экан-ку, энди нима қилмоқчисиз?

– Менинг тахминимча, ҳозир Ғазанфарнинг қўлида катта пул бор. Шу яқин кунларда у «шеф» билан учрашиши керак. Мен бу тўғрида зарур чора-тадбирларни кўриб қўйганман. Шунда ҳаммаси ҳал бўлади.

## 11

– Сиздан хафаман, – пичирлади София пинжимга кириб.

– Сабаб?

– Менинг бор-йўқлигимни пайқамаяпсиз.

– Мана, биргамиз, гаплашяпмиз, саволларингизга жавоб беряпман.

– Шугина холосми?

– Ёнингиздаман, қўлингиздан ушлаб турибман.

София аввал хандон отиб кулди, сўнгра аразлаган бўлди.

– Тилла тишим-чи?

– Ярқираб турибди.

– Уч кун бўлди қўйдирганимга, сиз бўлсангиз эътибор қилмадингиз. Кўнглим учун ярашибди ҳам демадингиз.

– О, ман... аввалдан бор деб ўйлаган эканман. Лекин жуда ярашибди. Юзингиз тилладан тиниқ. Балки шунинг учун пайқамагандирман.

– Гуноҳингизни бу кеча ювасиз.

Унинг кўзларига тикилиб қарадим.

– Қўрқманг, сизни тўйга таклиф этмоқчиман.

– Қандай тўй?

– Ғазанфар билан Финоланинг тўйи.

Бу мен учун кутилмаган янгилик эди. «Йўғ-е», дедим таажжубимни яширолмай.

– Ҳазил тўй. Шунчаки ўтириш. Сиз, мен ва улар иккаласи. Ғазанфарнинг хонасида ўтирамиз. Ғазанфар бир неча кунга Қашқадарёми, Сурхондарёми, ишқилиб шу томонларга кетаркан. Сафар олдидан яқин дўстларига «зиёфатча» қилиб беряпти.

Мастура Зиёматованинг гапи лоп этиб ёдимга келди. Демак, у «шеф» билан учрашади. Пулни топшириб, ўз улушини олиб қайтади. Балки Финоланинг масаласини ҳам ҳал қилиб қайтар ёки қизни ўзи билан бирга олиб кетади.

Икки ўт ўртасида қолдим. Бу хабарни Зиёматовага етказсам, Софияга хиёнат қилган бўламан. Етказмасам...



– Намунча оғир ўйга толдингиз, – истеҳзоли кулди София ва юзимга тикилиб қолди.

– Тўйга бирор совға-повға...

– Керак эмас, оддий ўтириш дедим-ку.

Хуллас, соат саккизда Ғазанфарнинг хонасида тўпландик. Шунда илк марта унга зеҳн солиб қарадим. Оқ сариқдан келган қирғийбурун йигит. Кенг ўмровли, бўйни йўғон, сочи пешонаси устидан сийраклаша бошлаган, қоши сарғиш ва сийракроқ бўлса ҳам қовоғи устига жуда чиройли жойлашган, кўзи оч қўнғир тусда. Умуман олганда, келишган йигит.

Унинг камгаплиги менга маъқул бўлди. У жимгина қадаҳ кўтарар, Финолага қараб жилмайиб қўяр ва унга узоқ-узоқ тикилиб қоларди.

## 12

Зиёфат тафсилотларига тўхталиб ўтирмайман. Едик, ичдик, суҳбатлашдик, Софиянинг латифаларини тинглаб кулдик. София даврага жон киритишга астойдил уринарди. Баъзан гапира туриб нима учундир рўпарасидаги деворга диққат билан разм соларди. Финоланинг юзида эса, маҳзун бир жилмайиш.

Зиёфат тинч ва самимий ўтди. Соат ўн иккиларга яқин тарқалишадиган бўлдик. Хайрлашув олдидан Ғазанфар Финолага нимадир деб шивирлади.

– Ҳамма нарсам тайёр, – жавоб қилди Финола, – фақат бир кунгами?

– Қанча хоҳласанг, шунча юраверасан. – Табассум қилди Ғазанфар.

Шунда София гегемонликни қўлга олди:

– Сиз ойланинг отаси, мен онаси. Сиз ўғлингизнинг олдида гурунглашиб ётинг, мен келинни олиб кетаман, – деди-да, хона бурчагидаги стол устида қалаштириб ташланган газли сувлардан бирини очиб, тўртта бокалга тўлдириб қуйди. «Бир юракларни яхтай қилайлик», деди. Муздек газли сувни ҳаммамиз ютоқиб ичдик. Улар хайрлашиб, чиқиб кетишди.

## 13

Эшикни кимдир зарб билан урарди. Уйғониб кетдим. Соат тўққизга яқинлашиб қолибди. Эшикни очдим. Уни тунда, аёллар чиқиб кетишгандан кейин Ғазанфар қулфлаган, калит қулфнинг тирқишида турарди.

– Вой, шунча ухлайсизларми, нима жин урди сизларни! – деганча София хонага бостириб кирди.

Бошим ёрилгудек оғрир, томоғим қақраб, кўнглим айниб турарди. Газли сув очмоқчи бўлдим. Аммо баклажкага чўзилган қўлим ҳавода муаллақ қолди. «Ҳой, Ғазанфар, ҳой куёв бола, турмайсанми», деганча Ғазанфарнинг каравоти олдига борган София бирдан дод солиб, ортига тисарила бошлади. Кўзлари даҳшатдан олайиб кетган, бўғзидан «ўлиб қолибди, ўлдиришибди», деган сўзлар хириллаб чиқарди.

– Нега ўлади? Нималар деяпсиз? Бу мумкин эмас! – деган ҳайқириқлар билан Ғазанфар ётган каравот ёнига келдим. У тўнтарилиб ётар, чап кураги билан умуртқаси оралиғида нўхат катталигида жароҳат бўлиб, сизиб чиққан қон яланғоч баданидан тўшакка оқиб тушганди.



– Тегманг, қўлингизни урманг! – қичқирди София. – Телефонга югуринг, милицияни, тез ёрдамни чақиринг! Тезроқ! Тезроқ!

Ўзимни эшикка отдим. Зиналардан югуриб тушдим. «Телефон, телефон!» қичқирдим вахтёр аёлга қараб.

– Нима гап ўзи, тинчликми? – сўради вахтёр ҳам ҳовлиқиб.

– Ғазанфар... Ғазанфар ўлган.

– Югуринг, телефон нариги бино фойесида, ўнг тарафда.

Қайтиб келганимда хона одамга тўла эди. Зум ўтмай ёшгина бир йигит ҳамроҳлигида капитан Зиёмагина ҳозир бўлди. Тўпланганлар уларга йўл беришди.

– Ҳамма даҳлизга чиқсин, аммо ҳеч ким кетиб қолмасин! – буйруқ берди капитан.

Биз эшик олдида тўпланиб турдик. Одамлар бир-бирларига қарашар, нима бўлганлигини сўрашар, елка қисишар, тўнғиллашар ва аста-секин тарқалишарди. Охирида София билан икковимиз қолдик. Шундагина ўзимга келдим. Бирдан фикрим тиниқ тортди. Аҳволим жуда ночорлигини англадим. Ваҳима босди. Жуда ёмон бир ишга аралашиб қолганлигимни ўйлаб, кайфиятим тушиб кетди. Бу қанақаси бўлди, энди нима қилдик, дегандай Софияга қарадим. Ундан нажот истардим. Унга қарадиму этим жунжикиб кетди. Қаршимда бутунлай бегона аёл турарди. Унинг кўзларида совуқ бир қаҳр бор эди. Нигоҳимни ерга олдим.

## 14

Зиёматова худди биринчи марта кўраётгандай, менга қизиқсиниб қаради. Ўтиришга таклиф этди. Хона бурчагида столда йигирма ёшлардаги бир қиз ўтирарди. Афтидан стенографистка эди у.

– Фамилиянгиз – Асқадов, исмингиз – Забаржад. Қарши шаҳрида яшайсиз. Бўйдоқ. Ёшингиз олтмишда. Нафақадасиз, муқаддам судланмагансиз.

ИИБ ходимининг қоғозга қараб айтаётган сўзларига қулоқ тутиб, баъзан «ҳа» деб тасдиқлаб турдим.

– Ғазанфар Шобердиевни танирмидингиз? – яна ўтган сафарги саволини такрорлади капитан.

– Шу ерда танишганмиз.

– Кеча тунда зиёфатда бормидингиз?

– Ҳа.

– Бўлган воқеани гапириб беринг-чи, нима бўлди ўзи?

– Тўрталамиз ўтирдик. Суҳбатлашдик, бироз ичкилик ичдик, кейин ухлашга ётдик. Эшик қулфланганди.

– Калит-чи?

– Калит қулф тешигида турганди.

– Сиз бунга нима учун эътибор бердингиз?

– Мен эрталаб кўрдим.

– Сиз ўрнингиздан турганда Ғазанфар қандай ҳолатда эди?

– Унга эътибор қилганим йўқ. Эшик қаттиқ тақиллади, бориб эшикни очдим.

– Ғазанфарнинг ўлиб ётганини қандай билдингиз?

– Буни София кўрсатди. У Ғазанфарни уйғотмоқчи бўлиб энгашди-да, дод солди.



– Кейин нима бўлди?

– Мени телефон қилишга юборди.

– Қайтиб келганингизда София хонада эдими?

– София ҳам, бошқалар ҳам бор эди, хонада.

– Улар нима тўғрисида гаплашгандинглар?

– Ҳар хил олди-қочди. Латифа...

– Сиз нима сабабдан Ғазанфарнинг хонасида ётиб қолдингиз?

Бу саволга тайинли жавоб беришим қийин кечди. София «Ўғлингизнинг олдида ётинг» дегани учун қолдим дейиш кулгилидай туюлди. Аслида унинг гапи учун қолгандим. «Ўғлингиз» деган биргина сўз ҳиссиётларимни жўштириб юборганди. Нима дейишимни билмай, елка қисдим.

– Нима мақсадда ётиб қолгандингиз? – овозини баландлатиб сўради Зиёматова.

– Кайфим ошиб қолган бўлса керак, – дедим ноилож бошқа гап тополмай.

– Финолани унга рашк қилармидингиз?

– Ёшим олтмишдан ошиб...

– Ғазанфарнинг ўлимига сабаб нима, деб ўйлайсиз?

– Айтолмайман.

– Финолани Ғазанфарнинг чангалидан қутқармоқчи бўлгансиз, шундай эмасми?

– Мендан шубҳаланяпсизми? Демак, мени қотил деб гумон қиляпсиз?

– Бунга асослар етарли. Ўзингиз ўйлаб кўринг, эшик ичкаридан берк. Тўртинчи қават деразаларидан киришнинг имкони йўқ. Деразалар очилмаган ҳам. Шундай шароитда хонада қотиллик юз берган. Хо-

нада сиз ва Ғазанфардан бўлак киши бўлмаган ёки бўлганми?

– Йўқ.

– Унда Ғазанфарни ким ўлдирди?

Мен капитаннинг юзига мўлтираб қарадим.

– Унинг юрагига ўткир тиғ санчилган. Қон, асосан, ичга оққан. Ўз-ўзидан маълумки, бундай ҳолатда одам ўрнидан туриб, манави қуролни...

Узунлиги икки қаричдан зиёд, учи ўткир бигизсимон тиғга қўрқув билан қарадим. Терговчи давом этди:

– Манави қуролни ўзининг юрагидан суғуриб олиб, ўрнидан туриб, кийим жавонининг орқасига яшириб қўя олмайди. Буни фақатгина хонада ўша лаҳзада ҳозир бўлган кишигина қилиши мумкин, тўғрими?

– Тўғри.

– Хонада эса фақат сиз бўлгансиз.

Бошим қуйи эгилди. Кўзимдан милдираб ёш оқиб кетди. Ўзимни идора қилолмай қолдим. Қариганда кўнгил курғур маҳзун тортиб, бўшашиб қоларкан. Зиёматова ҳолатимни тушундими, сал юмшаб, далда берган бўлди:

– Кўп эзилаверманг, отахон, биз хулоса ва ҳукмга шошилмаймиз. Етти ўлчаб бир кесамиз. Болта келгунча тўнканинг жони осойишта, дейдилар.

Тақдирим энди шу аёлнинг қўлидалигини ҳис қилиб, кўз ёшларимни кафтим билан сидириб ташладим-да, раҳмат айтдим. Чўнтагимни титкилаб дастрўмолча қидирарканман, «худо шоҳид, айбсизман», дедим.



[illegible], боринг, санаторий ҳудудидан чиқиб кет-[illegible] деди Зиёматова стол устидаги қоғозларини [illegible] жилдга соларкан, юмшоқлик билан.

## 15

Тушликка кечикиброқ бордим. Бормоқчи ҳам эмас-[illegible] одамларнинг менга муносабати қандайлигини би-[illegible] истаги устунлик қилди. Эшикдан киришим билан [illegible] бараварига менга қаради. Қизиқсинган, ажаб-[illegible] ҳатто ўчиган ва нафратланган нигоҳларга дош [illegible], оёғим чалишди.

Бу нигоҳларнинг барчасида битта ҳукм жаранглаб [illegible] берарди: «Ана, қотил!» Ўзимни аранг ўнглаб [illegible], ҳар доим овқатланадиган столим томон юр-[illegible]. Ҳамроҳларим, София билан Қулмат ширгуруч [illegible]. Дастурхонда менинг насибам туриб-[illegible] эди. Бир ликопча ширгуруч, гўштни майда тўғраб [illegible] қовурилган макарон, салат, қовурилган балиқ.

Салом бердим. Қулмат одатдагидай эшитмади. София наридан-бери бош силкиб қўйди. Ёнидан [illegible] этагини ҳимариб, нарироқ сурилди. Мен-[illegible] ҳазар қиларди. Ўзим ҳам кутмаган ҳолда овқатни [illegible] иштаҳа билан едим. Гўё шу ердан чиқишим [illegible] мени ушлаб турмага ташлашадигандай. Агар [illegible] ходимларининг кузатиб туришганини билма-[illegible] Софиянинг товоқчасида қолган балиқни ҳам [illegible]. Ногоҳ буюк овқатхўр Пантагрюэль билан Меч-[illegible] беллашуви ёдимга тушди.

Бу воқеани ўзим ўйлаб топганман. Пантагрюэль француз ёзувчиси Франсуа Рабле асарининг қаҳрамони.

У бир нонуштанинг ўзида юзлаб ғоз, ўнлаб чўчқа ва ҳўкизларни пок-покиза тушириши билан машҳур. Мен ана шу қаҳрамонни «Буюк Юҳолар мусобақаси»да ўзимизнинг Мечкай билан учраштирганман. Беш юз ғоз, саксонта чўчқа ва бир юз йигирмата қўйни еб, Пантагрюэлдан қолган уч чўчқа, тўрт қўй ва бир ҳўкизни ҳатто рақибининг қўлидаги суякни ҳам тортиб олиб кемирган ўзимизнинг Мечкай ғалаба қозонади.

Ўзимни шунга ўхшатдим. Кулгим келди. Ўшандай ҳолатда ўзимда куч топа олганимга ҳайронман. Соҳилга тушмадим. Қисқа йўлни танлаб, хонамга бориб ётдим. Аҳволимни жиддий муҳокама қилиб олишим керак. Бегуноҳ бўлганим ҳолда қамалиб кетавераманми. Қотил деган номни оламанми, бирор йўли бордир ахир.

Шундай ўйлар билан шифтга тикилдим. Ўтирдим. Турдим. Юрдим. Бир шиша яшириб қўйган коньягим бор эди. Тўғрисини айтсам, уни Финола билан ичаман, деган ниятда асраб юргандим. Ўшани олдим, ичдим. Яна бир қадаҳ ичдим. Ногоҳ ёмғирли кунда ёзги айвончада эшитган гапларим ёдимга келди, тўғриси, бу воқеага эътибор қилмаган ва уни унутиб юборган эдим. Назаримда калаванинг учини топгандайман. Бунинг таъсирида яна қуйдим. «Учи ўткир, тиқасан-оласан», «Деразадан калитни ташлайман», «Чўнтагингда бир кафт ганч бўлсин, тупугинг билан ҳўллайсану ёпиштирасан-қўясан» «Миллион доллар амакинг эмас» қабилидаги гаплар хаёлимдан тизилишиб ўтди. Ҳа яна: «Соябонингни бер, буни соябонингнинг симига ёпиштириб қўяман, ёнимда скотч бор», деган гапни ҳам эсладим.



[illegible] улар кимлар эди? Овозидан танимадим. Аёл менга бир нарса солгандай гапирарди. Ногоҳ Софиянинг тилла тиши ёдимга тушди. Янги тиш қўйдирган сабабли ҳали айрим сўзларни яхши талаффуз қилолмасди. Демак, ўша аёл София эди. Ҳа, бу аниқ. Эркак-чи? Йўқ, уни айтолмайман. Соябон симига ёпиштириб қўйилган нарса эса, Зиёматова [illegible] ҳалиги учи ўткир пўлат бигиз бўлиши керак. Шундай, бўлгач, соябон симларида скотчнинг изини қолмадимикин? Буни аниқлаш керак. Хўш, илдам капитан билан учрашайми ёки тахминларимни аниқлаш учун Софиянинг олдига борайми? Артиб ташлаган бўлса-чи? Шундай қилиш хаёлига келдимикин? Қотилликка қўл урган киши ҳаммасини пухта ўйлайди. Шунга қарамасдан, нимадир эътибордан четда қолиши табиий.

## 16

Бир гап бўлар, деб хонадан чиқдим. Хиёбонда Финоланинг ёлғиз ўзи турарди. Мени кутаётгани аниқ. Биз чирмовиқ гуллар гуркираб ўсган «суҳбатхона»да ўтирдик. Кўзларимиз тўқнашди. Унинг қаламдек қошлари савол сўрагандай чимирилди. Аммо лаблари қимтилган, жим. Афтидан гапни нимадан бошлашга қийналарди.

— Шунақа бўлиб қолди, — дедим ўкинч билан.

— Сиздан шубҳаланишяпти...

— Начора, шундай кўргиликлар бор экан, пешонамда.

– Сўроқ қилишдими?

Мен хўрсинганча бош силкидим.

– Нима дейишяпти?

– Мен қотил эмишман. Сен шунга ишонасанми?

– Ҳеч нарсага ақлим етмай турибди. Кимдир ўл-дирган. Лекин сиз эмас. Уни ўлдиришингизга ҳеч бир асос йўқ. Ўлдирадиган киши бир хонада ухлаб ётмайди.

– Ким деб ўйлайсан?

– Кимлигини айтолмайман, лекин нима учунлигини биламан. Бу пул учун қилинган. Мени сўроқ қилишганда шундай дедим.

– Яна нималарни сўрашди сендан?

– Сизга бўлган муносабатимни.

Қизнинг кўзларига тикилдим. Шу ночоргина хилқатнинг нигоҳларидан ҳам шафқат излардим.

– Софияни ҳам сўроқ қилишгандир?

– Бугун ҳам ўша милиция капитани уни тергаяпти.

– Муштархонни-чи?

– Уни кўрганим йўқ.

– У қандай одам ўзи?

– Ошиқ. Ҳозирча шу ролни ўйнаяпти. Менга кўзини лўқ қилиб тикилгани-тикилган. Қаердан ҳам келдим шу санаторийга, энди кетолмайман.

– София-чи?

– Тушунмайман. Мураккаб аёл. Ана ўзи ҳам шу томонга қараб келяпти. Мен борай, учрашганимизни билмагани яхши.

Финола хиёбонга ўтиб, қадамини тезлатди. Софиядан ҳам қўрқади.



17

[illegible] София туппа-тузуккина шан-[illegible] Менга кўзи тушиши билан ҳужумга ўтди.

[illegible] сиз қилиб жабрини бошқалар торт-[illegible] ҳам расво бўлди. Бўйнингизга [illegible] Ҳаммаси аниқ-ку. Эшик-дераза қулф, [illegible] кирмаган. Киролмасди ҳам. Ғазанфар [illegible] ўлдирилган. Орқа томондан юрагига тиғ санчил-ган.

[illegible] София, секинроқ гапиринг, [illegible] қолади. Ўтиринг [illegible]!

[illegible]

[illegible] эмасман...

[illegible] югуриб келаётган [illegible] микрофон тутди. Унинг орти-[illegible] сўраб-нетиб ўтирмай, суратга [illegible] мамнун бўлиб [illegible] саволга тутди:

[illegible] айбланаётган Забаржад Асқа-[illegible]? Марҳум билан бир хонада тунага-[illegible]?

[illegible] у тирик эди.

[illegible] соат ўн икки яримларгача тирик бўл-[illegible]

[illegible] қилганим йўқ. Ётиб ухладим, [illegible] шу воқеа.

[illegible] гўлликка солманг, – гапга аралашди [illegible] Ётиб ухладим эмиш, ётишдан, ухлашдан ол-[illegible] қилганингизни айтинг.

Мухбир микрофонни у томонга бурди.

– Ғазанфарнинг ўлимига сабаб нима деб ўйлайсиз? – сўради мухбир дадиллашиб ва Софияга яқинроқ борди.

– Рашк.

Худди шу пайт буталар орасидан йиқила-сурина яна уч нафар микрофон кўтарган йигит-қиз чиқиб келди.

– Рашк? Кимга? Нимага? – бараварига қичқиришди улар.

– Бу ерда Финола, деган бир қанжиқ юради, ҳамма эркакнинг кўзи ўшанинг...

София қўпол бир сўзни айтишга чоғланди-ю, истиҳола қилиб, тўхтаб қолди.

–... ўшанинг оёғида.

– Оёқлари жуда чиройлими? – сўради биринчи бўлиб келган мухбир.

– Қаерда, қилтириққина.

Мухбирлар дарҳол менга ўгирилишди.

– Сиз уни севармидингиз?

Ғазабим қайнаб кетди. Бир бегуноҳ қизнинг бадном бўлаётганига чидаб туролмай, қичқирдим:

– Севардим! Ҳозир ҳам севаман! Бундан кейин ҳам севаман! – Ўрнимдан отилиб туриб, олдимдан мухбирни нари сурдим-да, қаёққа бораётганимни ўзим ҳам билмай, йўлга тушдим.

– Демак, Ғазанфар рашк қурбони бўлган, шундайми? – қичқириб қолишди ортимдан мухбирлар.

Бундай бемаъниликдан вужудимдаги бутун қон миямга урилган бўлса-да, Софиянинг охирги гапини



[illegible] эшитдим. «Айтдим-ку рашк, деб» дея ўз фикрини маъқулларди у.

## 18

Ўрталаб газета дўкончаси олдида тизилишиб турган одамлар сафига кўзим тушди. Нима гап экан, деб яқин бордим. Газета сотиб олганлар йўл-йўлакай ўқиб боришарди. Маҳаллий газеталар «Севишган дельфинлар» санаторийсида юз берган воқеага кенг ўрин беришганди. Тўрт-беш дона газетани қўлтиғимга қисганча, мен ҳам четга ўтдим. Уларда «Етмиш ёшли ошиқ», «Отелнинг йўлида қолдириб», «Севишган дельфинлар»да қотиллик» каби сарлавҳалар кўзга ташланар, суратим устида «Рашк йўлдан оздирган чол» деган ёзув ҳам бор эди. Тавба, пашшадан фил ясаш ҳам шунчалик бўладими. Шундай бўлса ҳам бу минтақадаги газеталарнинг тезкорлиги ва эркинлигига қойил қолдим.

Дастлабки тергов ҳужжатларини кўздан кечириб чиққан туман прокуратураси, ҳеч иккиланмай, санкция берди. Мени ўша куннинг ўзида қамоққа олишди. Адвокат ёлладим. Бу қарийб ўзим тенги чол эди. Зах камерада ўтириб суҳбатлашдик. Менинг ишим билан танишиб чиққан экан. Хаёлимга келмаган айрим тахминларни айтиб, йўл-йўриқ кўрсатди. Яна терговлар қайтадан бошланди. Энди мени катта миқдордаги пулни ўғирлаганликда ҳам айблашмоқда эди.

Адвокатим мени экспертиза хулосаси билан таништирди. Ғазанфарнинг ошқозони ёриб кўрилганда унга анчагина миқдорда уйқу дориси берилгани ҳам маъ-

лум бўлибди. Муштархон ҳамон топилмаётган, терговларда София ўша қари чолнинг рашкию севги балоси тўғрисидаги сафсаталарини такрорламоқда экан.

Навбатдаги терговни туман прокуратураси терговчиси Тошпўлатзода олиб борди. Ўрта ёшлардаги бу одам кенг пешонали, кенг юзли, босиқ ва салобатли киши эди.

– Ғазанфарда катта миқдорда доллар борлигини қачон пайқагансиз? – сўради босиқлик билан терговчи.

– Умуман пайқамаганман.

– Ухлашдан олдин Ғазанфар билан нима тўғрисида гаплашдинглар?

– Менга қараб бош силкиб қўйди-ю, жойига таппа ташлади. Мен ҳам шундай қилдим.

– Ётишдан аввал нима ичгандинглар?

– Сув.

– Уни ким қуйиб берганди?

– София.

– Сувни қаердан олди, қандай қуйди?

– Бурчакдаги стол олдида бизга орқа ўгириб турганди.

– Сувни қуйиб бирдан узатдими?

– Йўқ, анчадан сўнг.

– Бундай дейишга қандай асосингиз бор?

– Аниқ эсимда, сувни қуйди-да, бизга чукчалар тўғрисида латифа айтиб берди. Ҳаммамиз тикка турган ҳолатда кула-кула тингладик.

– Кейин нима бўлди?



– Сиз онанинг отаси, мен онаси, сиз ўғлингизнинг [illegible] гурунглашиб ётинг, мен келинни олиб кета[illegible] – деди, сўнгра Финола билан иккаласи чиқиб кетишди.

– Эшикни ким қулфлади?

– Ғазанфар.

– Давом этинг.

– Ётдик, ухладик.

– Ухлашдан олдин Ғазанфар нима қилди? Нима деди? Ўзини қандай тутди? Кайфияти қандай эди?

– Маълум эди. Бутун ўтиришимиз давомида Финоладан кўзини узмади. Улар чиқиб кетишгач, белигача ечинди-да, жойига ётди.

– Қайси томонга қараб ётди.

– Деворга орқасини тақаб, мен томонга қараб ётди.

– Тунда ўн икки билан бирлар орасида бирор қичқириқ, инграш ёки бошқа товуш эшитмадингизми?

– Йўқ. Жуда қаттиқ ухлаган эканман.

## 19

Сўроқ шу тарзда чамаси икки-уч соат давом этди. Кечга яқин Финола келди. Учрашувга рухсат беришибди. Таажжуб. Одатда ҳали жиноят очилмасдан, тергов бораётганда бундай қилишмасди, чамамда. Финола темир панжара орасидан нозиккина бармоқчаларини узатди. Панжаралар йўғон, дағал, унинг бармоқлари ва билаги нозиккина.

Бир муддат сўзсиз тикилишиб турдик. Финоланинг кўзларидан ёш милдираб оқа бошлади.

– Йиғлама, – дедим ўзим ҳам кўз ёшларимни кўрсатмаслик учун юзимни четга ўгириб.

Финола қўлини тортиб олмади.

– Соғлиғингиз жойидами? – деди бироз ўзини ту-тиб олиб.

– Раҳмат. Соғман.

– Бардам бўлинг.

Биз шу тахлитда тўрт-беш дақиқа гаплашдик. Кўнглим тоғдек кўтарилди. Битта бўлса ҳам сўроқлаб келувчи кишим бор.

Адвокатим яна янгилик билан келди. Муштархон қўлга тушганмиш. Софиядан ҳам шубҳаланишаётган экан. Экспертиза унинг соябони симларидан скотч клейи зарраларини топибди.

– Қуролдан-чи? – сўрадим умидворлик билан.

– Йўқ, уни тозалаб артишган шекилли. Шамсия симлари ҳам артилган, аммо симнинг туташ жойлари-да барибир қолган экан.

– Соябонни қараш қандай хаёлларига келибди?

– Буни Зиёматовага сиз билан бўлган суҳбатимиздан кейин мен айтгандим. Менимча, шу кунларда сизни Зиёматованинг ўзи яна сўроқ қилмоқчи.

## 20

Бу сафар Зиёматова кўпроқ ёмғирли тунда бўлиб ўтган воқеа, яъни ёзги айвончада ўтириб эшитганларим тўғрисида сўради.

– Ёмғирда юришни яхши кўраман.

– Улар сизни пайқашмадими?

– Менимча йўқ. Акс ҳолда гапирмаган бўлишарди.

– Овозлар аниқ эшитилармиди?



– Сўзларини илғаса бўларди. Эркак киши қандайдир [illegible] тўғрисида гапирди. Унинг ўткирлигини мақтади. «Шундайгина тикасану оласан», деганини аниқ эшитдим. Лекин ўшанда буни шунчаки бекорчиликдан эрмак учун қилинган суҳбат, деб ўйлаганман.

– Адвокатга ганч тўғрисида ҳам айтган экансиз, у қандай ганч эди?

– «Тўнтагингда бир кафт ганч олиб киришни унутма, тунукани билан шундайгина ҳўллайсан-да, беркитиб қўясан», деди ўша эркак. Бу тўғрида кўп бош қотирдим, аммо ганч билан нимани беркитишига сира ақлим етмади.

– Кейин нима бўлди?

– «Ва-банкми?» сўради эркак. «Ва-банк», деб жавоб қилди аёл. Сўнгра чиқиб кетишди.

– Овоз эгаларини танимадингизми?

– Ўшанда йўқ. Ҳозир аёлнинг кимлигини аниқ айта оламан. У София эди.

– Нега ўшанда танимай, энди танидингиз, нима учун бу гапларни биздан яширдингиз?

– Бунга Софиянинг ўзи ёрдам берди. Тилла тиш қўйдирганини айтиб қолди. Маълумки, янги тиш қўйдирган киши гапиришга бир неча кун қийналиб юради, айрим товушларни дуруст айта олмайди. Ўшанда тилла тиш қўйдирганига икки кун бўлган экан. Ундан кейин Софияни самимий аёл, деб ишонардим. Шу боис унинг бундай ишга бош қўшиши мутлақо хаёлимга келмаган экан.

– Эркак киши Муштархон эмасмиди?

– Айтолмайман. У билан ҳамсуҳбат бўлмаганмиз. Бунинг устига София уни кўрганда «жундор одам», деб ижирғаниб қўярди.

– Сиз ўша тунда эшитганларингиздан яна нималарнидир айтишни истамаётганга ўхшайсиз.

– Бу гапдан кейин ўша тунда бўлган «шивир-шивир»ларни хаёлимда қайта тиклашга уриниб кўрдим ва бу пул тўғрисида, эшитганларимни, аёлнинг деразадан калитни ташламоқчи бўлганлигини айтиб бердим.

– Демак, ўша тунда эркак Софиянинг хонасида бўлган.

– Улар шунга келишиб олишганди.

– Биз, айрим фикрларга кўра, Ғазанфарда катта миқдорда доллар борлигини тахминлагандик, сиз тунда эшитган гап бизнинг фикримизни тасдиқлайди.

## 21

Хонадан қушдек енгил бўлиб чиқдим. Нега дастлабки сўроқ пайтида шу гапларни айтиб бермаганимдан афсусланаман. Албатта бунга Софиянинг тилла тиши ҳам сабаб.

Иккита сержант кузатувида яна камерага бордим. Темир эшик қулфланди. Бу санаторийдаги ҳаётимнинг ўн еттинчи куни эди. Эртаси куни сира кутилмаганда мени қотиллик рўй берган ўша хонага олиб боришди. Хонада Зиёматовадан ташқари София, Финола, яна бир нотаниш йигит ва прокуратура терговчиси Тошпўлатзода бор эди.

– Қотиллик мана шу хонада юз берган, – гап бошлади Зиёматова. – Мана бу марҳум Ғазанфарнинг



[illegible] каравот деворга тақаб қўйилган. Мана бу каравотда Жабаржад Асқадов ётган. Улар билан зиёфатда бирга бўлган аёллар хайрлашиб, чиқиб кетишган. Хона ичкаридан қулф бўлган. Деразалар берк. Тунда, яъни 19 майдан 20 майга ўтар кечаси Ғазанфар [illegible] ўлдирилган. Шундай шароитда уни фақат шу ерда ётган Жабаржад Асқадов ўлдириши мумкин эди.

София ғазаб билан менга қараб қўйди. Финола ширин кайфада бош чайқади. Прокуратура терговчиси гоҳ менга, гоҳ Софияга қараб ва ўзича нималарнидир ён дафтарига белгилаб қўярди.

– Энди эътиборларингизни хона деворига қаратаман, – давом этди Зиёматова, – хона ўртасидан тахта девор билан бўлинган ва ганч билан сувоқ қилинган. Нариги томонда София Сафаржонованинг хонаси. Тунги соат ўн иккига яқин зиёфат тугайди. Хайрлашиш олдидан София Сафаржонова ҳаммага бир пиёладан газли сув таклиф қилади, шундайми, Сафаржонова?

Софиянинг бўғзидан инграшга ўхшаган овоз чиқди.

– Марҳумнинг жасади ёриб кўрилганда унинг анча миқдорда уйқу дориси истеъмол қилганлиги аниқланган. Ўша кеча Финола билан Асқадов ҳам қаттиқ ухлашган. Шунда қотил ўз ишини бажаришга киришган. Энг ажабланарлиси шундаки, қотил бу хонада бўлмаган, у нариги томонда қалинлиги уч ярим сантиметр бўлган манави тахта деворнинг ортида туриб ҳаракат қилган.

– Жиноятчилик тарихида шундай ҳолатлар ҳам учраб туради, – деди прокуратура терговчиси Зиё-

матованинг гапини тасдиқлаб, – лекин барибир бу жиноятда кам қўлланган усул, яъни ўзига хос усул қўлланилган.

– Соат ўн икки яримларда Ғазанфарнинг хуррагини эшитиб, унинг қаттиқ ухлаганига ишонч ҳосил қилган Сафаржонова ўрнидан туради ва унинг тўшагига Муштархон ётади. Унинг қўлида учи ўткир мана бу қурол бўлган.

Зиёматованинг қўлида ингичка пўлат бигиз ярқираб кўринди.

– Энди бу ёғи нима бўлганлигини ҳозир олдингизда намойиш этамиз, – деди капитан.

Унинг имоси билан ҳалиги нотаниш йигит белигача ечиниб, Ғазанфарнинг каравотига ётди.

– Орқангизни деворга ўгириб ётинг, – тушунтирди капитан. – Энди мен нариги хонага ўтаман.

Шундай деб Зиёматова хонани тарк этди. Орадан бир-икки дақиқа ўтди. Сукунат. Ҳаммамиз нима бўлишини ҳаяжон билан кутиб турибмиз. Шу пайт каравотда ётган киши сесканиб кетди ва беихтиёр бир силтаниб, орқасини девордан узиб олди. Девор сиртида худди ўсиб чиққандек пўлат тиғ ялтираб кўринди. Ҳайрат ва қўрқув билан унга тикилиб турардик. Ғазанфар ролини ўйнаётган йигитнинг ҳам ранги қув ўчиб кетган.

– Қотиллик ана шу тариқа рўй берган. – Нариги хонадан Зиёматованинг овози эшитилди, – сўнгра улар тонг отишини кутишган, – сўзини давом эттирди капитан энди биз ўтирган хонага кириб келиб, – мақсад



пулни олиш. Лекин, хона ичкаридан берк бўлганлиги сабабли пулни олишолмасди. Ҳаммаси ипидан игнасигача пухта ўйланган. София Сафаржонова эрталаб соат тўққизлар чамаси эшикни тақиллатади. Унинг чўнтагида бир кафт ганч. Забаржад Аскадов уйғониб кетиб, эшикни очган. Келинг, шу ҳолатни ҳам амалда кўрайлик. Қани Сафаржонова бошланг.

София ўрнидан туриб, чор-ночор даҳлизга чиқди. Эшикни қоқди. Мен ўрнимдан туриб эшик олдига бордим, калитни бурадим, София ичкарига кириб келди.

– Ичкарига кириб нима деган, нима қилган бўлсангиз ҳаммасини бир бошидан такрорланг, – қатъий буюрди Зиёматова.

София ҳаракатга келди. Унинг бошқа иложи ҳам йўқ эди. Чунки тергов пайтида ҳаммасини бўйнига олганди. Худди ўша саҳна яна намоён бўлди. София «Тўйиб ухлайсизлар», деб Ғазанфарнинг каравоти олдига борди, уни уйғотмоқчи бўлди ва қўрқиб, ортига тисарилди.

– Ўлиб қолибди! Ўлдирилибди! Қон! Қон!

Кейин мен телефон қилиш учун шошилиб чиқиб кетганман. Шунда София чўнтагидан бир чимдим ганч олиб, тупуги билан хўллайди-да, девордаги нўхат катталигидаги тешикка суртиб қўяди. Ганч лаҳза ўтмай қурийди. София каравот тагида турган дипломатни кўтариб, хонасига ўтади, бу ерда уни Муштархон кутиб турган бўлади. София дипломатни унга топшириб, ортига, Ғазанфарнинг хонасига қайтади. Пўлат бигизни кийим жавони ортига беркитади.

– Энди сизга шундай саволим бор, – деди прокуратура терговчиси Тошпўлатзода, – бу ишларни нима мақсадда қилдингиз?

София индамай ерга қаради.

– Саволни тушунмадингизми? Яна такрорлашимни кутяпсизми?

– Тушундим ҳаммасини.

– Унда жавоб беринг.

– Пул учун.

– Муштархон сизга қанча қолдирди? Улушингизни олдингизми?

– Менинг улушим йўқ. Бир тийин ҳам олмаганман.

– Жуда қизиқ, пул учун одам ўлдиришга бош қўшасиз-у, бир тийин ҳам олмайсизми? Тушунтириб беринг.

София яна бошини қуйи солди. Рўмолчаси билан кўзларини артди. Афтидан ҳадемай ҳўнграб юборадиганга ўхшарди.

– Жавобингизни кутяпман.

– Пулнинг ҳаммаси Муштархонда.

– Унда сиз холис хизмат қилибсиз-да.

– Муштархон учун ҳамма нарсага тайёрман, – гапнинг очиғига кўчди София.

– Ахир у сизга бегона, товламачи бир одам, нега хизматини қиласиз?

– Бегона эмас, Муштар менинг эрим.

– Эрингиз?! – ҳайратланганини яширолмай сўради терговчи.

– Эрим.

– Биз унинг шахсиятини ипидан игнасигача аниқлаганмиз. Ҳеч ким билан никоҳдан ўтмаган, хотин



бола-чақаси йўқ. Икки марта судланган, етти йил қамоқда ўтирган. Қандай қилиб сизга эр бўлиши мумкин?

– Ўтган йили шу санаторийда танишгандик. Никоҳдан ўтмаганмиз. Буни Муштар хоҳламади. Мен унинг раъйини қайтара олмадим.

– Сиз унга садоқат кўрсатгансиз, у бўлса пулни олиб, Афғонистонга ўтиб кетмоқчи бўлди. Сизнинг садоқатингизни ҳам, севгингизни ҳам бир тийинга олмади.

– Севги пок йўлга ундаши керак, – садоқат эса, унга хизмат қилиши керак эмасми? – савол ташлади хонага қарата Зиёматова. – Қалбда муҳаббат бўлса, бошқа ҳеч қандай ҳиссиётга, ҳатто рашкка ҳам жой бўлмаслиги зарур.

– Балки шундайдир, аммо мен унинг хоҳишини ҳамма нарсадан юксак деб билдим. Унга бўлган меҳрим ва садоқатим кучлилигини исботладим.

Хонага оғир сукунат чўкди. Кимдир хўрсиниб қўйди.

– Мен бор айбни, – давом этди София, – ўз бўйнимга оламан. Ғазанфарни мен ўлдирдим. Уни ўлдириб, манави бегуноҳ қизгинани ҳам қутқардим. Наркобизнес Ғазанфарнинг чангалидан халос этдим. Буни ҳам ҳисобга олинглар-да! Минглаб кишиларнинг ҳаётини заҳарлаётган бир нопокнинг ўлими эвазига...

– Муштархон-чи? У гиёҳвандлик савдоси билан шуғулланмайдими?

– Йўқ. У менинг олдимга келиб турарди, холос.

– Ғазанфарда юз минг доллар борлигини унга ким айтди?

– Гап орасида мен айтгандим. Муштархон қизиқиб қолди. Қандайдир катта бир корхонани сотиб олмоқчи, синглисини Исроилга юбориб даволатмоқчи бўлиб юрарди. Синглисида рак касаллиги бошланган. Хуллас, буларнинг ҳаммаси учун катта пул зарур эди. Оғир хасталикка чалинган бир бечорани қутқазиш керакми-йўқми?

София ўз саволига жавоб излагандай, бироз сукут қилди. Финола унга таажжуб билан қаради. Юзига ловуллаб қизиллик югурди.

– Шу пул билан Муштарни бахтли қилмоқчи эдим.

– Лекин бахтсиз қилдингиз, – луқма ташлади кимдир.

– Муштархон шу ерда, уни бугун вилоят ИИБ ходимлари Тожикистон чегарасидан тутиб келтиришди. Дастлабки сўроқдаёқ у Ғазанфарни ўлдирганини бўйнига олди.

София бошини илкис кўтариб, терговчига тикилиб қолди. Унинг қўнғир кўзларида афсус ва ҳайрат бор эди. Лаблари эса, фақат бир сўзни такрорларди: «Бечора...бечора...»

Софиянинг ранги оқариб кетди, кўксини чангаллаганча, стулга ўтириб қолди. Финола ўрнидан отилиб туриб, унга сув тутди.

Воқеалар ипининг чигал тугуни шу тарзда ечилди. Тунни зах камерада эмас, санаторийда ўз хонамда ўтказдим. Ярми ичилган коньягим шишада турган эди. Ёлғиз ўзим ўтириб, уни эрмак қилдим. Инсоннинг бошига нелар тушмайди, дейсиз. Коньякни қултумлаб хўпларканман, гоҳ кўзимга ёш келади, гоҳ лабимга табассум. Софияни ўйлайман. Тушунмайман. Шунақа инсонлар ҳам бўларкан-да. Жиноятга қоришган бундай севги ва садоқат ақлимга сиғмайди. Мен кўп китоб ўқиганман, аммо бунақасини китобларда ҳам, ҳаётда ҳам учратмаганман. Шу боис аёлнинг бу қилмишини баҳолай олмайман. Агар севгига садоқат шундай бўлади десам, бошқа барча инсоний хислатлар ва қадриятларга қарши турган бўламан. Мени ҳам кимдир худди шундай севишини истардим, десам тўғри бўламанми? – деб ўз-ўзимдан сўрайман. Юрак жим. Ақл қатъий эътироз билдириб, «ахир бу қабоҳат-ку» дейди. Шунда капитан Мастура Зиёматованинг гапи ёдимга келади: «Севги пок йўлга ундаши керак».

Тунни ана шундай қарама-қарши фикрлар исканжасида ўтказдим. Тонг отди. «Севишган дельфинлар»да янги кун бошланди. Кейинги кунларда қанчалик эзилган бўлмай, ўрнимдан тетик турдим. Деразани очиб юбордим. Қуёш. Денгизнинг шўртак ҳавосига тўйинган шабада кўксимга урилди. Ҳаприқиб нафас олдим. Хиёбоннинг нариги томонидан Финола келарди. Кенг кўйлагининг этаги шабадада ҳилпирайди. Бошини кўтариб, деразамга қаради. Лаблари кенг ёйилиб, табассум қилди. Унинг табассуми чарақлаб турган баҳор қуёшига ўхшарди. «Севги пок йўлга ундаши керак», деган нидо бутун вужудимни тўлдириб борар, уни бор овозим билан бутун инсониятга эшиттириб, ҳайқириб айтгим келарди.

*ТАМОМ*

# «АММАХОЛЛ»ДАГИ ҚОТИЛЛИК

*Табиат аёлга шундай дей*
*ди: уддасидан чиқсанг гўзал бўл,*
*хоҳласанг оқила бўл, аммо идрок*
*ли бўлмоғинг шарт.*

БОМАРШ

## 1

Ё тавба! Бунчалар ғамнок ва бадқовоқ бу бино Ғадир-будир кўкимтир тошлардан тикланган девор эгри-бугри, суйрисимон чизиқлар, сўқир кўзлардай қорайиб турган деразалар, черепица билан ёпилган том – ҳаммаси киши дилига маҳзунлик солади.

Бир дам тўхтадим, уй билан саломлашдим. Нима бўлганда ҳам болалигим ўтган маскан. Хаёлларимни тўплаб олиш мақсадида хиёбон четидаги ёғоч ўриндиққа ўтирдим. Шошиладиган жойим йўқ. Меҳнат таътили даман. Эрим йўқ, бола-чақам йўқ, бутун ёз давомида эркин қуш мисоли истаган осмонимда парвоз қилишим мумкин. Ҳисоблаб кўрсам, бу мавзега қадам босмага нимга уч йилдан кўпроқ вақт ўтибди. Самарқанд до рилфунунини битирган йилим бинони сотишга урини



чиқаролмаганимдан сўнг кўнглим со- кўйгандим, мана бугун у билан юзма-юз турибман.

Танаси ғадир-будир, улкан ва сертикан қарағай дарахти ортидан бинога маҳзун нигоҳ билан қарадим. Қарасам у, эшик олдида мутлақо нотаниш бир киши пайдо бўлиб қолганини кўрдим. Қўлида ихчамгина жомадони. Кўринишидан эллик ёшлардами. Бошида похол шляпа. Нима учундир унга бошдан-оёқ разм солиб, чиқишим керак, деган хаёлга бордим. Қайсидир жиҳати билан Шаҳнарга ҳам ўхшаб кетади. Дорилфунунда ўқиб юрган кезларимиз бир йигит Назира исмли дугонамнинг олдига келиб турарди.

Азалдан шунақа, одамларга қараб туриб уларнинг ким, қандай, тоҳида кўнглида нима борлигини билишга қизиқаман. Уларнинг кўздан ниҳон жойларини тасаввур қилишдек номаъқулроқ одатим ҳам бор. Атайлаб қилмайман, албатта. Беихтиёр шундай бўлаверади. Менимча, бунинг ҳеч қандай қуюшқондан ташқари жойи йўқ. Инсонни тадқиқ қилишдан бирор лаҳза бўлсин чекинмаслик керак. Зина олдида пайдо бўлиб қолган кишининг юзи сепкилдор, кўзлари мошранга мойил. Бурнининг икки тарафидан бошланган чизиқлар кавсдай қайрилиб, иягигача тушган, лаблари юпқа ва асабий.

Ёзини кўролмасам-да, хаёлан уни худди шундай қиёфада тасаввур қилдим. Ҳозир ўгирилиб менга қарайди дедим ва беихтиёр ўзимни дарахт панасига тортдим. Айтганимдай бўлди. У чўнтагидан калит олар-

кан, кўчага, хиёбон тарафга олазарак назар ташлади. Қўли эшик тутқичида, калит буралди, эшик очилди, нотаниш киши лип этиб ичкарига кирди. Калити ҳам бор, ким бўлди экан бу шахс? Ахир уй меники-ку! Раҳматли аммамдан қолган мерос. Ўрнимдан даст ту риб кетдим. Қора сахтиён сумкачамни ковлаб, мен ҳам калит олдим ва адашмадимми деб, тош девордаги ранги уннқиб кетган ёзувга қарадим: «Заргарон-47».

Йўқ, мен эмас, Шаҳпар деганим янглишган. Бораман-у, хўш жаноб, хизмат деймаи. Жаноб ўнғайсизланиб узр сўрайди, бошидан шляпасини ола ди. Тер босган юзини артади, бўйинбоғини тўғрилаб қўяди. «Майли, янглишган бўлсангиз ҳечқиси йўқ», дейман. У яна бир марта кечирим сўраб, йўлига ра вона бўлади. «Дипломатингизни олинг», дейман. Ким билади, унинг ичида портлаттич бордир. Ҳозир бундай нобакорлар кўпайиб қолган.

Шундай хаёллар билан уйга яқинлашдим. Эшик берк. Қалитим енгилгина айланди. Қулф ичидаги ме ханизмлар «шилқ» этиб буралди.

**2**

*Заргароннинг дараси*
*Икки тоғнинг ораси*
*Қуёш зарангга текканда*
*Зарга тушар сояси...*

Биз, бир тўда шаддод дугоналар автобусдан ту шиб, ана шунақа термаларни баланд овозда айтиб



[illegible], уйга яқинлашгач, бараварига «Салом, Аммахолл!» деб қичқирардик.

Заргарон – кўчанинг номи – дугоналаримга жуда ёқарди. Бу қадимий ном қачонлардир мазкур мавзеда заргарлар яшагани, заргарлик буюмлари, тилла тақинчоқлар ясашгани, болғачаларнинг тақ-туқи эрта-ю кеч эшитилиб турганлигини англатар ва кўчада [illegible] зебигардонлар тақиб юрган адрас кўйлакли қизлар кўз олдимиздан ўтарди.

Уларга ҳавасимиз келса-да, ўзимизнинг замонавий либосларимиздан воз кечишни хаёлимизга ҳам келтирмасдик, албатта. Биз айтадиган шеър шу мавзу манзарасига мос эди. Аммо Аммахолл-чи? Назаримда бу ном ҳам ўзини оқларди. Дугоналарим бу масканни «Ғарбий Тошбақаси» ёки деворларнинг ажи-бужи нақшларига нисбат бериб «Балиқчилар тўри» деб ҳам аташган, широварида топилган «Аммахолл» ҳаммамизга маъқул тушганди. Биз бу сўзни «аммамнинг уйи» мазмунида қабул қилгандик.

Ажабланмаса ҳам бўлади. Филологлар ўзи шунақа, ҳар бир нарсага жарангдор ва соҳир сўзлар билан ном беришни, умуман, сўз ўйинини севадиган тоифа. Хусусан, мен ва дугоналарим бунга қаттиқ ружу қўйгандик. Бундай ўйинларнинг қиз болалар ҳаётига хосу мос томони ҳам бор. Барибир биз эркаклар даражасида эркин эмасмиз. «Ҳаё» деган юмшоққина, оғизга озор бермай ҳосил бўладиган бир калом борки, ўзи юмшоқ бўлса ҳам биз қизларнинг бутун хатти-ҳаракатимизни кишанлаб туради. Натижада кўнглимизга келган,

орзиқтирган ишларни қилолмаймиз. Сўз ўйини хаё
масканидан ташқарига чиқмайди.

...Қулфнинг «шилқ» этган овози хаёлларимга
чек қўйди. Эшик шарпасиз очилди. Ичкарига қадам
қўярканман, тўртбурчак шаклидаги даҳлизга, девор
ва деразаларга диққат билан қарадим. Ўнг ва чап то-
монда иккитадан эшик, рўпарада дераза ва бир эшик.
Ҳалиги одамнинг қайси хонага кирганини аниқлаш
мақсадида ерга разм солдим, йўқ, излар кўринмади.
Таваккал қилиб, тўғридаги хона томон юрдим. Эшик
қулфланмаган. Ичкарига кирдим, ҳеч зоғ йўқ. Бу хо-
нани танлаганим бежиз эмас: қоронғи. Унинг ичида
туриб бемалол даҳлизни кузатиш мумкин, иккинчидан,
бирор хавф туғилгудек бўлса, айланма зина орқали
чордоққа чиқиб яширинса бўлади. Ундан кейин нима
йўл тутишни ўйлаб кўрмадим. Бутун эътиборим эшик-
ларда. Тўртала эшик ҳам мум тишлагандай жим. Ўнг
томондаги хоналардан бири раҳматли аммамники, ик-
кинчисида Шердил амаким яшардилар.

3

Шердил амаки мени яхши кўрардилар. Узун бўйли,
қотма, елкадор бу кишининг қиёфаси кўз ўнгимдан
кетмайди. Ўшанда ўн ёшларда эдим. Бир куни амаки-
ни замбилга солиб олиб келишди. Аммам бечоранинг
фарёдидан тош деворлар титраб кетди.

Амаким замбилда чалқанча ётар, бир елкасидаги
погони узилиб, ипи осилиб қолган, иккинчи пого-



[illegible] йўқолиб қолган, уларнинг ўрни
[illegible] аниқ билиниб турарди. Болалик-да, ҳамма-
нинг хаёли нимада-ю, менинг эътиборим амакимнинг
[illegible] ва формасида.

Шердил амаки ҳар доим эшикдан кириб келиши
[illegible] мени икки қўллаб даст кўтарар, ҳавога ирғитар,
[illegible] қилиб, кўпинча, бир гапни такрорларди: «Эҳ,
[illegible] бола бўлганингда, меникидай форма кийиб юрар-
динг, бандитларнинг додини берардинг, буни ўзим
ўргатардим сенга». Кейин бўлиб ўтган воқеалар ёдим-
да қолмаган, фақат энди амакимнинг хона тўрида
[illegible] турадиган формасига узоқдан хавфсираб
қарайман. Форманинг чап елкаси икки бармоқ энидай
[illegible].

Бир куни нима учундир амакимнинг хонасига ки-
риб, аммамнинг тик турган кўйи форманинг кўкрагига
[illegible] қўйиб турганларини кўрдим. Ориқ ва нозик елка-
лари силкинарди. Йиғларди, аммам бечора. Фарзанд
кўрмаган аёл Шердил амакига суяниб қолган ва уни
[illegible] ҳам кўра фарзанд сифатида яхши кўрарди.
[illegible] гап бироз ножўядай туюлади, аммо инсон, хусу-
сан, аёлларнинг ички олами шу қадар ранг-баранг,
шу қадар мураккабки, уни ҳеч маҳал «ундай эмас,
бундай» деб бир қолипга солиб, ҳаммани бир андо-
за билан ўлчаб бўлмайди. Аслини олганда, аёлнинг
[illegible] тушган ҳар бир эркак аёлнинг фарзанди.
Бундай фикрларни кейинчалик улғайиб, мушоҳада
[illegible] билдим, албатта.

Бечора аммам эшик очилганини пайқамадилар ҳам.
Нима қиларимни билмай, кутиб турдим, ниҳоят, у

киши чуқур уҳ тортиб, ерга ўтириб қолдилар. Форма
нинг кўкраги жиққа ҳўл эди. Бу ҳўллик узоқ йиллар
қуримади. Ва ниҳоят аммамнинг кўзларидан, вужу
дидан силқиб оқавериб, кўз ёшлар ўз манбаини ҳам
қуритди. Самарқанд дорилфунунининг учинчи кур
сида ўқиб юрганимда аммам қазо қилдилар. Ёлғиз
қолдим. Энди дугоналарим ҳам «Аммахолл»га келиш
ни ўйлашмасди.

4

Мана, орадан уч йил ўтиб, мен яна «Аммахолл»даман.
Фақат энди бутунлай ўзгача ҳолат, уйда бегона бир
одам. Ўғрими у, босқинчими, безорими билолмайман.
Ўзимни панага тортиб, деразадан кузатиб турибман.
Балки эшикларни қасир-қусур очиб, хоналарга бир
бир бостириб киришим ва уни топиб олиб, ҳайдаб
чиқаришим керакдир.

«Бундай қилма, кузат» дейди ички бир нидо
Тўғрисини айтсам, ҳайдаб чиқариш қўлимдан кела
ди. Ўзимда ўртамиёна бир эркакнинг кучи борлигига
ишонаман. Шердил амакининг безорилар билан бўлган
тўқнашувида қаттиқ жароҳат олиб ҳалок бўлиши мени
ғазаблантирган ва мен безориларга қарши ғойибона
уруш эълон қилгандим.

Аммамнинг тандир-ўчоқ ковлайдиган йўғонлиги
жимжилоқдек келадиган симчивиқ косовлари бўларди
Ҳар куни яширинча ўша косовни олиб, қайиришга
уринардим. Орадан ярим йил ўтмай, дугоналарим
қўлимнинг тошдек қаттиқлигини пайқаб қолишди



Кейинчалик ўғил болалар ҳам менга чўчиброқ муомала қиладиган бўлишди.

Бир куни аммам раҳматли ўчоқ бошида икки букилиб ётган косовни кўриб ажабланганича қараб турдилар, сўнгра уни бир чўп билан илиб олиб ариқ бошига отиб юбордилар.

Оиладаги аёлнинг бундай ҳаракати менинг рағбатимни янада оширди. Мен энди гўзалликни ҳам, нафосатни ҳам куч-қувватда деб ўйлар, машқларни завқ-шавқ билан давом эттирардим.

Ҳозир хоналардан қайси бирида(дир) ўтирган кишини хиёбонда туриб кузатган пайтимдаёқ бир ҳамлада ... этиш мумкинлигини хаёлимдан ўтказган ва балки уйга яқинлашган пайтимда ҳам шу уй таъсирида ...ганларимни, аммо ичкарига киришим билан: «Бегона одам менинг уйимга нима мақсадда кирди?» «Шу ... у нима қилаяпти?» қабилидаги ўйлар эҳтиёткорлик зарурлигини уқтира бошладики, мен шу ҳиссиётга бўйсуниб, кузатиш ва ўлим нималигини англаб етмаган сирни очишга жазм этдим.

5

Назаримда, чорак соатлар ўтди. Эшиклар ҳамон ёпиқ. Бир умр очилмайдигандай. Секин ортга чекиниб, чордоққа олиб чиқадиган зинани кўздан кечирдим. Қочиб қолишга тўғри келса, йўлни яхши билиш керак. Орадан ўтган уч йилда ҳар бало юз берган бўлиши мумкин. Чордоқ очиқ, тепадан черепицалар ... кўриниб турарди. Зинадан кўтарилиб, том те-

пасини бирров қараб тушсам бўларди, аммо «пост»имни ташлаб кетолмасдим. Мен зинадан кўтарилишим билан эшиклардан бири очилиб қолса-чи?

Соатимни унутиб қолдирганимга қаттиқ пушаймон бўлдим. Энди тоқатим тоқ бўла бошлаган, ҳар бир лаҳза йиллдек узоқ туюларди. Қуёш ғарбга томон оғиб, кеч кира бошлаганди. Кечаси шу ерда қолишни хаёлга келтирарканман, этим жунжикиб кетди.

Беркинган жойимдан аста чиқиб, чап томондаги эшиклардан бирини тортиб кўрмоқчи бўлдим. Лекин ички бир ҳиссиёт мен очиб қарамоқчи бўлган ўша хонада ҳеч ким йўқлигини шивирлаб турарди. Балки шунинг учун ҳам дастлаб ўша эшикни очиб кўрмоқчи бўлгандирман. Хавф билан юзма-юз келишни орқага суриш, ишни хавфсиз жойдан бошлаш ҳам инсон зотига хос хусусият, аслида.

Балки у ҳам бинонинг қайсидир хонасида ўзидан бўлак тирик жонзот борлигини ички бир ҳиссиёт ила пайқаган ва нафасини ичига ютиб, эшик ортига биқинганича тадбир тузаётгандир.

«Жим!» нимадир шитирлагандай бўлди. «Жим!» ички бир овоз билан ўз-ўзимга буйруқ қилдим. Товушнинг қайси тарафдан эшитилганини англаб ололмаган бўлсам-да, бутун эътиборим аммамнинг хонасига қаратилган. Ҳаммаси олтинчи сезгининг иши. Ўғри ана шу хонада. Уйимга кириб олган киши энди хаёлимда ўғри бўлиб шаклланган ва бу шаклланиш қизиқишимга сув пуркаб, бироз совитгандай.

Мен унинг айғоқчи бўлишини хоҳлардим. Ўғри оддийгина нафс бандаси. Айғоқчи бу — айғоқчи.



Қанчалар сир-асрор яширин бу сўзда. Айғоқчи давлат аҳамиятига молик...

Эшик шарпасиз очилди!

Ўша одам, ё парвардигор! У ичкаридан бутунлай ўзгача қиёфада чиқиб келарди. Қўлидаги «дипломат»ини ҳисобга олмаганда эгни-боши тамоман ўзгарган: яп-янги кулранг костюмда, бошяланг, ҳаворанг бўйинбоғи ихчам боғланган. Юзида мамнунлик ва ғурурга ўхшаш ифода. Нега? Нимадан мамнун бу одам? Қайси хизмати учун ғурурланади? Ёки менга шундай туюлмоқдами?

Унинг юз ифодаси ўзгарди. Даҳлизни кесиб ўтиб эшик олдига бораркан, аввалгидек, кўзларида олазарак бир ифода, хавф-хатардан сақланишга бўлган эҳтиёткорлик. Калит солиб, эшикни қия очди. Ташқарига диққат билан қаради, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, ташқарига чиқиб, эшикни қулфлади.

## 6

Вужудим дами чиқиб кетган ҳаво пуфагидек бўшашиб, дераза рапига ўтириб қолдим. Пешонамдан тер томчиларди. Тезроқ аммамнинг хонасини кўриш ва жиноят изларини аниқлаш иштиёқида ўрнимдан турдим. Энди бемалол ҳаракат қилишим мумкин. Аммо эшикка яқинлашарканман, ичкарида одам бўлса-чи? Балки ёлғиз эмасдир, деган ўй миямга урилди. Кутиб туришдан ҳеч қандай наф йўқ. Эшикни очдим. Шундагина «у одам калитларни қаердан олди?» деган ўй миямга келди. Унинг сепкилдор юзи кўз ўнгимдан

ўтди. Фақат кўзлари мен ўйлагандек мошранг эмас, қўнғиртоб эди. Кўз ости салқиган, рангпар. Бурни диққатимни тортмади. Танқайган ҳам, узун ҳам эмас. Росмана бурун: лабларининг юпқалиги, бурун атрофидаги чизиқларни тўғри топган эканман. Ҳар ҳолда, тасаввуримга анча яқин. Умуман, унинг юзидаги нимадир менга ёқди. Нималигини аниқ айтолмайман. Шуниси аниқки, у илмнинг одами. Қадди-қомати, гавда тузилиши, бўйни ва бошини тутиши узоқ ўтириб хатга тикиладиган кишиларни эслатади.

Эшикни очиб ичкарига қадам қўйишим билан мени ҳайратга солган нарса – аёллар атрининг хушбўй ҳиди бўлди. «Тет-а-тет», ўзимча шундай тахмин қилдим. Атир-упага бефарқман, аммо уларнинг ҳидини фарқлай оламан.

Дорилфунунда ўқиб юрганимизда ўқитувчиларимиздан бири худди шу атирдан сепиб юрарди. Бир марта танаффус пайтида сумкачасини очиб кўрдик. Кейин дарс пайтида ўқитувчимиздан «Тет-а-тет»нинг мазмунини сўрадик.

– Тет-а-тет? – бироз сукут қилди ўқитувчимиз, – бу бошни бошга қўйиш дегани.

Биз кулдик.

– Бу французча сўз, – изоҳ берди ўқитувчимиз. – Яқинлик, дўстлик, юзма-юз ўтириш, жуда иноқ дўст бўлишни ҳам билдиради.

– Эркаклар биланми? – сўради ўғил болалардан бири.

– Албатта.



– Аёлларнинг бир-бири билан яқин бўлиши учун атир шарт эмас.

– Ғийбат бўлса етарли.

– Ёки ширинлик.

– Ўзига жалб қилиш учун, ҳатто ўсимликлар ҳам ҳид таратади, – деди ўқитувчимиз, ўғил болалар томонидан авж олдирилган бачкана суҳбатга якун ясаб. – Бу нафақат инсонга, балки жониворларга ҳам хос хусусият.

Атир ҳиди аралаш курсдошларимнинг ана ўша ғала-ғовури ҳам қулоғимга чалингандай бўлди. Хонага шошқин назар ташладим. Тўрда каравот. Ерда қалин гилам, бурчакда – дераза билан каравот оралиғида – кичкинагина кийим жавони. Деразага қалин қора мато урилган. Электр чироқни ўчириб кўргандим, хона зулумот ичида қолди. Атир ҳиди яна кучайгандай бўлди. Гўё қоронғида шу ҳид эгасининг ўзи пайдо бўлиб қолгандай, шошиб чироқни ёқдим ва бирдан хулоса қилдим: демак, бу хонада аёл ҳам яшайди. Шундан сўнг юзлаб жавобсиз саволлар туғилди: Улар эр-хотинми? Аёл ким? Нега улар хуфиёна яшайдилар? Таъқибдан қочиб юрган ошиқ-маъшуқми?

## 7

Ишни каравотдан бошладим. Гулдор ёстиқ жилдни синчиклаб кўздан кечирдим. Одатда, бундай пайтлар изқуварлар соч толасини топиб олишар ва жиноятни очишда бу ашёвий далил бўларди. Мен ҳеч нарса

топмадим. Эгилиб ёстиқни ҳидлаб кўрдим. Аёллар сочининг хушбўй ҳиди. Жавон ичида бир дона аёллар халати (қишки) ва ҳалиги эркакнинг похол шляпаси. Жавоннинг пастки тортмасида бир шиша коньяк, иккита тушёнка ва нон, целлофан халтачада кўкат, рангдор қутичада шоколад ва қанд-қурс, икки дона «Сникерс».

Афтидан улар ёмон яшашмайдиган кўринади. Тадқиқотни давом эттирдим. Иккинчи тортма икки киши учун зарур бўладиган рўзғор буюмларига тўла. Чойнак-пиёла, коса-товоқлар, иккитадан қошиқ ва санчқи. Хона бурчакларини қарадим, ортиқча ҳеч нарса кўзга ташланмади. Тўшакка қўл уриш, уни очиб кўришга ҳазар қилдим. Лекин каравотнинг тагига ўрмалаб кириб, гилам устини пайпаслаб кўрдим, гилам остига қарадим ва бирдан деразa тагига қўйилган гулнинг туриши диққатимни тортди.

Сунъий гул. Улкан бир туп олеандр. Япроқлари толникидек қорамтир, узун, ингичка. Новдаларда шафтоликидек пуштиранг гуллар шодаси. Хонага кирганимдаёқ уни кўргандим, сунъийлигини ҳам пайқагандим, лекин ортиқ даражада эътибор бермагандим. Каравот остидан ноқулай ҳолатда, бошқа бир бурчакдан қараганда, шу гулда қандайдир сир яширингандай кўринди.

Гулга диққат билан разм солдим. Гултувакдаги тупроқ сунъий, қотирилган олеандрнинг бўйи бир қулочлар бор. Япроқлари тоза, ҳозиргина ўсиб чиққандай. Бошқа бирор ғайритабиий нарса кўринмагач,



гиламни кўтариб, тахта полнинг ҳамма томонига назар солдим.

Барчаси рисоладагидек. Аниқлаганим шуки, хонада икки киши хуфиёна яшайди. Бири аёл. Кечаси улар бирга қолишади. Ўтиришади, эркак ширинсуханлик билан коньяк очади. Дастурхон безалади. Дарвоқе, улар қаерда ўтириб овқатланишаркин? Хонада стол-стуллар йўқлиги энди эсимга тушди. Кўрпача ҳам йўқ. Нон увоқлари тушиб қолмаганмикан, деб гилам патларини пайпасладим. Бир неча дона қум ва ғўрашакли тупроқ доналари бармоқларимга илашди.

Мисс Марпл бўлса ҳам бу ердан бошқа ҳеч нарса аниқлаб ололмайди, деган хулоса билан қаддимни ростларканман, худди ортиқ эҳтиётсизлик қилаётганим, ҳализамон уйнинг «эгалари» келиб қолиши мумкинлиги ёдимга тушиб, шошилганимча ташқарига чиқиб, эшикни ёпдим. Ташқи эшикни ҳам қулфлаб, кўчага чиққанимда қош қорая бошлаганди.

## 8

Ушбу битикларни ўқиган киши мени ҳеч шубҳасиз, гарчи филологман деб айтган бўлсам ҳам, ИИБ ходими деб гумон қилиши мумкин. Йўқ. Мен оддий ўқитувчиман. Шаҳрисабздан ўн саккиз чақиримлар узоқликдаги Полмон қишлоғида, мактабда ўзбек тили ва адабиётдан дарс бераман.

Ёлғиз яшайман. Ёшим йигирма тўртда. Яна бир-икки йилдан кейин биздайларни қари қиз дейишади. Майли, ҳозир бу тўғрида гапиришнинг мавриди эмас.

Тун бўйи тузган режаларим эрталаб турганда тонгги тумандай тарқалиб кетди. Ҳатто мазкур воқеа тўғрисида ИИБга хабар қилишдан ҳам кечдим. Хабар қилсам иш осон кўчарди, албатта. Хуллас, тунги режаларимнинг ҳаммасига қўл силтаб кузатишимни давом эттиришга бел боғладим. Агар ички ишлар бўлимига хабар қилсам, ҳушу фикримни банд қилиб олган сирдан бебахра қоламан. «Аммахолл»да қизиқ бир ўйин бўлаётганини кўнглим сезиб турарди.

«Шатра» бекатида тушиб, хилват хиёбон томон бурилгандим, ортимдан кимдир жадаллаб келаётганини пайқадим. Асфальт йўлак «тик-ток» этиб, садо берар ва бу садо борган сари тезлашарди. Қадам олишидан аёл киши. Худди шу пайт гўё қушча сайрагандай ингичка, майин ва жарангдор овоз эшитилди:

– Зиби-иж-жж!

Мени фақат битта дугонам шундай чақирарди. Ҳақиқатан ҳам ортимга ўгирилиб Арфани кўрдим. Эгнида ёқаси кенг очилган, этаги узун, калта енг бинафшаранг шоҳи кўйлак, оёғида тилла занжирчали қора бошмоқ. Бўйнида жимжилоқ йўғонлигида тилла занжир. Тез-тез юриб келганидан юзи олма гулидек қизариб, тер тепчиб турибди. Кўзларида қувонч. Унинг юзи шу лаҳзада қизиллик кашф этиб тургани учунгина эмас, балки нафис, сутрангга мойил бўлгани сабабидан ҳам олма гулига ўхшар, яқинроғига борсанг олма гулининг ҳиди гуркираб уфурадигандай таассурот қолдиради.

Арфа қўлларини кенг ёзиб, қучоғимга ўзини отди. Сочлари ёйилиб, шовуллаб бўйним ва елкамни ўраб



олди. Кўзойнаги учиб кетиб, йўлак четидаги бўлиқ ўтлар ичига тушди.

– Дугоналигинг бекор экан, Зибиж, – гина қила кетди Арфа, – юз йилдан бери қорангни кўрсатмайсан. На ўзинг, на адресинг бор. Сени соғиниб кетдим.

Шундай деб мени яна бағрига босди. Сўнгра ўтлар орасидан унинг кўзойнагини қидирдик. Топдик. Бироз юриб, нарироқдаги скамейкага ўтирдик. Ён тарафга қарасам, бу ердан ҳам «Аммахолл»нинг бир чети кўриниб турарkan.

– Саргузаштлар, қотилликлар ҳақида ўқийвериб, дугонангни ҳам унутибсан-да, – гапни яна эски ўзанга бурди Арфа.

– Ўзинг-чи? Асли касалликни сендан юқтиргандим, эсингдами, менга Агата Кристининг китобини келтириб берган, мақтаган, албатта ўқи, дея тавсия қилгандинг. Мана энди...

– Ҳа, нега бунча аланглайсан?

– Шундай...

– Айтавер, бирортасини кутаяпсанми?

– Биттаси келиши керак, лекин...

– Нима «лекин»?

Шундай деб Арфа ҳам йигирма қадамлар нарида хўмрайиб турган бинога қаради.

– Бунча ваҳимали.

«Унинг ичида бўлаётган воқеаларни кўрсанг нима дердинг», демоқчи бўлдим-у, изқуварликда тилни тия билиш ҳам зарур хислат, деган ақида билан бутунлай бўлак нарсани сўрадим:

– Эрга тегдингми?
– Ўзинг-чи? Аввал сен ахборот бер.
– Йўқ.
– Нима йўқ?
– Текканим йўқ.
– Мен эса…
Икковимиз худди шартлашиб қўйгандай яна «Аммахолл»га қарадик.
– Бирор киши яшайдими шу уйда? – сўради Арфа.
– Яшайди ҳам, яшамайди ҳам.
– Бу қандай жумбоқ?
– Нима, сен «Аммахолл»га келмаганмидинг?
– «Аммахолл»?
– Ҳа, биз бу бинога шундай ном қўйгандик.
– Биз деганинг ким?
– Шаҳри, Меҳри, Назира, Сабоҳат…
– Мен-чи?
– У пайтда иккимизнинг орамиздан ҳали ит-мушук ўтиб юрарди. Сен билан тўртинчи курсдалигимизда дўстлашдик. У пайтда аммам қазо қилган, биз «Аммахолл»га келмай қўйгандик.
– Демак, уй сеникими?
– Меники эди.
– Энди-чи?
– Жим, қара!
– Ҳеч нарсани кўрмаяпман, қоронғи.
Бурчакда биқиниб турган киши эгилиб зинани кузатарди. Бу пайтда уйнинг қарама-қарши тарафидан чиқиб қолган иккинчи киши зинага кўтарилиб, эшикни очди-да, ичкарига кирди.



– Ё тавба, иккита бўлиб қолишди-ку булар, дедим қайратимни яширолмай.
– Сенда бир гап бор, Зибиж, – деди дугонам қиқирлаб куларкан, – бир ўзингта иккитаси.
Унинг биқинига қаттиқ туртдим.
– Ўғриларми? – шивирлади нафаси ичига тушиб кетган дугонам.
– Жим бўл, кейин айтиб бераман.
– Милицияга хабар қилиш керак, Зибиж, лекин мен ҳеч нарсани кўрмаяпман, балки сенинг ҳам кўзингга кўринаётгандир. Иллюзия. Қоронғи.
Ҳақиқатан ҳам қуёш аллақачон «Аммахолл» ортига ўтган, бино деворлари қорайиб кўринар, қоп-қоронғи деразалар оқшомги нур ва соялар қоришувига қовоқ уйиб қараб тургандай кўринарди.
– Эшикни очаяпти, – дедим дугонамнинг қулоғига огзимни қўйиб.
– Униси-чи?
– Ичкарида.
– Вой ўлгурлар.
– Ичкарида аёл ҳам бор.
– Нималар деяпсан, Зибиж? Қандай аёл? Сен қаердан билдинг?
– Атир исидан. У ҳам сенга ўхшаб «Тет-а-тет» сепаркан.
– Бас қил фантазиянгни, мен ҳеч қачон унақасидан сепмаганман, – деди Арфа жаҳл аралаш ва «ақлинг жойидами ўзи» дегандай менга ғалати қараш қилди.
– Унинг исми Шаҳпар.

– Қайси Шаҳпар, сен танийсанми уни?

– Танимайман, лекин эсингдами, Назиранинг олдига келиб турадиган тепакал? Исми Шаҳпар эди. Ҳар доим худди лойдан ўтаётгандек эҳтиёт бўлиб қадам босар, шарпаси сезилмасди. Бунинг юриш-туриши ҳам ўшанга ўхшайди. Бу ҳам тепакал.

– Қаердан биласан?

– Кеча икковимиз ҳам шу бинонинг ичида эдик.

Дугонамнинг кўзойнаклари ортидан шубҳаланиб турган кўзларида таажжуб ва афсус аломатларини пайқадим. Анчагача мендан нигоҳини узмади. Мен ҳам бунга йўл қўйиб бердим ва кўзимни эшикка қадаганча, индамай туравердим.

– Сен ундан қочиб юрибсанми?

– Нега қочарканман, уни ҳатто танимайман ҳам.

– Бирга эдик, дединг шекилли.

– Мен бошқа хонада эдим.

– Ахир у билан…

Мен яна дугонамнинг биқинига туртишга мажбур бўлдим. Чунки энди қоронғилик анча қуюқлашган бўлса ҳам иккинчи кишининг беркинган жойидан узилиб чиқиб, уйнинг олд томонига ўтгани ва зинага яқинлашаётганини пайқаб қолгандим. Эшик ичкаридан берк, барибир киролмайди, деган ўй билан қора шарпадан кўз узмай туравердим. Мендаги асабийликни илғаган Арфа ҳам нафасини ичига ютиб, қоронғиликка тикилиб қолган.

Биз бир-биримизга қапишганча «Аммахолл»ни кузатардик. Хаёлим адоқсиз саволлар билан банд: «Иккинчи эркак ким? Нега у биринчисини пойлайди? Аёл-чи? Аёл уйдами ёки энди келармикин? Қандай одамлар ўзи булар?»

– Қандай одамлар ўзи булар?

Худди кўнглимга келган гапни пайқагандай сўраб қолди Арфа.

– Шуни билганимда бир ҳафтадан бери кузатиб юрмаган бўлардим. Иккинчиси ҳам кириб кетди шекилли, демак, бунисида ҳам калит бор.

– Оҳ! – инграб юборди Арфа кўксини чангаллаб. – Оҳ! Юрагим беҳуд бўлаяпти. Кетайлик.

– Нима бўлди сенга, Арфа, юрагинг санчаяптими?

– Юрагим…

**9**

Эрталаб кофе ичдик. Қуюқ қаймоқли кофе. Ўрта ёшлардаги аёл дастурхонга ҳамма нарсани муҳайё қилди-ю, бир оғиз ҳам гапирмай, чиқиб кетди.

– Опам, – деди Арфа нигоҳимдаги савол аломатини пайқаб. – Ол қуймоқни асалга ботириб е ёки колбаса қовуртирайми? Балки қиттай-қиттай коньяк ичармиз?

– Қўйсанг-чи, каллаи саҳардан коньякка бало борми, мен умуман кам ичаман.

– Унда кечқурун…

– Опанглар?..

– Эътибор қилма, характерлари бир оз оғирроқ, гапирмайдилар, уйга бегона келганини хушламайдилар.

Кўнглимга ноxушлик чўкиб, гўё бунинг сабабини билмоқчи бўлгандай атрофга қарадим. Рўпарада биллур идишларга тўла жавон, бурчакда стол устида «Шарп» магнитофони ғингиллаб турибди. Дераза томонда япон телевизори, деворларда қалин гиламлар.

– Ёмон яшамайдиган кўринасан, – дедим кофе ҳўплай туриб. – Эринг топармон одамга ўхшайди.

– Ҳа, бировдан кам жойимиз йўқ, фақат… ҳа, майли, ўзинг бугун қишлоққа қайтасанми? Балки бир-икки кун қоларсан?

– Эринг нима дейди?

– Эрим чет элда. Балки ҳозир ҳам Янцзи дарёси бўйларида юргандир. Бир ҳафтадан ошди, Хитой билан қўшма корхона тузиш ниятида. Шамсиялар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона бўлармиш. Ақли ҳуши шунда. Ҳатто мени рашк қилмай ҳам қўйди. Шунисига хурсандман. Дадам бир сафар гап келганда: «Шу ёғи етмайдими?» дегандилар, аччиғи келиб, гап талашиб қолишди. Пулнинг кўпи эркакларни бузаркан, мана, икки йилдирки…

Арфа гапнинг давомини унутиб қўйгандай, жимиб қолди. Менга кўнгил очгиси келди-ю, нимадандир истиҳола қилди. Афтидан ўтган йиллар ўз таъсирини кўрсатган, биз хаёлимда, анча бегоналашиб қолгандаймиз. Балки мен билмаган бошқа сабаб ҳам бордир.

Хаёлимдан ўтган шундай ўйлар билан унга қарадим. Арфа чуқур хўрсинди. Маҳзунгина жилмайди. Унинг



табассумида бахт ва бахтсизлик омихталашиб кетгандай туюлди менга. Ўзимни ноқулай ҳис қилдим. Бу ердан тезроқ кетгим келарди.

## 10

Арфа мени дарвозагача кузатиб чиқди. Хайрлашарканмиз: «Қаерда тунаганингни билдингми ўзи», деди.

– Билмадим. Эътибор қилмабман. Сенинг уйингда албатта, лекин бу баланд деворлардан ҳеч нарса кўринмайди.

– Мана шу бетон девор ортида сенинг «Аммахолл»инг.

– Сира ўйламагандим.

– Менга уйланганларидан кейин шу ерга келиб яшай бошладик. Акам билан чиқишмай қолдилар, хўжайин. Бу ерда… кўриб турибсан, кўни-қўшни йўқ, ёлғизман. Тез-тез келиб турсанг бўларди.

– Қўқон ёқмадими, туғилиб ўсган юртинг.

– Бир йилдан зиёдроқ Қўқонда турдик. Кейин шу уйни қурдириб, кўчириб келдилар. Э, нимасини айтасан…

Арфа дарвоза ичкарисига қараб олиб, гапини ҳеч ким эшитмаётганига қаноат ҳосил қилгач, шивирлади:

– Рашки ёмон.

– Отелло дегин.

– Ҳа, бошимга Дездемонанинг куни тушган, Отеллодан беш баттар.

– Фарзанд кўрсанглар яхши бўлиб кетади. Бола билан овуниб қолиб, сенинг бор-йўқлигингни ҳам унута-

ди. Ўғил туғ. Бадавлат эркаклар ўғилни, камбағаллар қиз туғилишини хоҳлашади.

Шундай дедим-у, ноўрин гапириб қўйганимни англаб, шоша-пиша хайрлашдим. Неча йилдирки, уларнинг фарзандлари йўқ эди-да, ахир.

## 11

Заргарон кўчасининг ўнг қаватидаги сердарахт хиёбондан кетиб борарканман бир-бирига зид фикрлар хаёлимда чарх урарди. Арфани гўё янгидан кашф қилгандайман. Жуда ўзгариб кетганди у. Балки мен ҳам Арфага шундай туюлаётгандирман. Аммо шуни англадимки, бойликка бефарқ. Уйидаги бирор нарсага ҳавас билан қараётганини пайқамадим. Аммо нимадандир безовтадай кўринади. Гапириб туриб хаёл суриб қолади, кўзларида дам қувонч, дам ўкинч.

«Суқсур ота» савдо дўкони олдидан ўтиб, ўнг тарафга юрдим. Узоқдан «Аммахолл» кўринди. Менинг уйим. Бу ердан дугонамнинг кошонаси кўринмасди. Бир дам қараб турдим. «Уни сотиш керак», деган фикр миямга урилди-ю, гарчи уч йил аввал бу ишга бел боғлаб, натижа чиқаролмаган бўлсам-да, ҳамма ташвишларни елкамдан ошириб ташлагандай енгил тортдим. Шу кайфият мени шаҳар айланиб сайр қилишга ундади. Меҳмонхонадан жой олиб, икки-уч кун шаҳарда қолишга қарор қилдим. Балки бу кўнглимнинг бир четида сирнинг тагига етиш иштиёқи бикиниб ётганининг аломатидир. Акс ҳолда, қишлоққа жўнаб кетган бўлардим.



«Кеш» меҳмонхонасигача пиёда бордим. Кўчалар, дўконлар, бекатлар, инсон номи билан аталувчи корхоналар... Қаёққа қараманг, инсон номи. Наҳотки деворга ёзиб қўйилмаган кишининг исми қадр топмаса, унутилса... Қайсидир рўзномада «Навоийазот», «Навоийпарранда» каби номлар танқид қилингани ёдимга тушди.

Меҳмонхона атрофи ғиж-ғиж одам. Кўчма бозор гувраниб ётибди. Ари уясини эслатади. Бу ерда «ол ва сот» жазаваси. Минглаб одам ҳеч нарса ясамайди, ўқимайди, кашф этмайди, фақат пул санайди.

*«Юрагимнинг энг оғир жароҳати*
*Бекор ўтган бир дақиқадир».*

Пул санаётган одамларнинг бекор ўтаётган умрлари юқоридаги сўзларни ёдимга солди. Ўз умрим ҳам беҳуда ўтаётгандай. Хонани қулфлаб пастга тушдим-да, «ўрисбозор»ни оралаб кетдим. Бу ерда ҳамма нарса сотилади. Мени қизиқтирадигани – калитлар. Шаҳпар калитни қаердан олган экан, деган ўй билан даста-даста калитларни ўзимникига солиштириб кўраман. Бирортаси мос келмайди. Бундай йўл билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини англаб, энди қайтмоқчи бўлиб турганимда, кексароқ бир киши маслаҳат бериб қолди:

– Қизим, сиз Айрапет чолга учрашинг, у ҳар қандай калитни ясаб бера олади.

– Қаердан топаман у кишини?

– Мардиев-55.

– Раҳмат.

## 12

Айрапет чол ҳовлида нимадир юмуш билан куймаланиб юрарди. Бир қўлида эгов, иккинчисида эса примус.

– Мерҳамат, хош келдилар, – деди дарвозадан кирганимдан сўнг арманчага ҳам, қримчага ҳам ўхшаб кетадиган талаффуз билан.

Калитни кўрсатдим-да, сўрадим:

– Шу калитдан бирортага ясаб берганмисиз?

Чолнинг қовоғи уйилди. Гапни бошқачароқ бошлашим кераклигини тушундим-да, дарҳол изоҳ бердим:

– Калитим шу бир дона қолган, йўқотиб қўйсам...

– Ялган гапирма, – деди чол юзимга синчков назар ташлаб. – Калит ясаш менинг касбим. Уни ким заказ қилар, ким ишлатар, қаерга ишлатар бу Айрапетни қизиқтирмайди. Айрапет меҳнати учун пул ола.

Шундай сўзлар билан чол қўлимдан калитни олиб қаради.

– Жасашга тўғри келгана. Аммо кимгая, нимарсагая шуни Айрапет билмай.

– Менинг битта саволимга жавоб берсангиз, отахон, – дедим имкони борича юмшоқроқ қилиб, – сиз жуда зўр устасиз, агар Месроп Маштоцнинг ўзи бўлганда ҳам сизга тан берарди. Калитнинг ўзини кўрмай ёки қулфнинг қанақалигини билмай ҳам калит ясаса бўладими?

– Сен Месропни биласан! Месроп энг улуғ адам. Арман ёзуви! Мана, неча минг йилдирки, бир туки ўзгармаган. Месроп бир мартая ясаган уни! Айрапет



ҳам калитни бир мартая ясагай. Кўриб ясагай ва кўрмая ясагай. Атпечаткага қарапда ясагай.

– Раҳмат сизга отахон. Калит зарур бўлса келаман, – дея хайрлашиб дарвозадан чиқдим.

– Нусха келтиришган, – деди Айрапет чол орқамдан қараб, энди соф ўзбекча талаффузда. Афтидан у менинг бундай кескин тарзда чиқиб кетишимни кутмаганди. «Нусха келтиришган» шу гапни эшитишим ҳамон Ҳайдовул кампир лоп этиб эсимга тушди. Аммам раҳматли билан қўшни дугона ва сирдош эди бу кампир. Ариқнинг нариги бетида, кичкина кулбачада ёлғиз ўзи яшарди, аммамнинг олдиларига ўтиб, суҳбатлашиб турарди.

## 13

Заргарон кўчасини четлаб ўтиб, айланма йўл билан кампирнинг ҳовлисини топиб бордим. Толхивичдан ясалган эрганак дарвоза, ўт босган йўлак, тўнғизтароқ ва бурганлар ўсиб ётган ҳовли... Ҳайдовул момонинг ўзини кўрмасам, бу ҳовлида одамзод яшашига мутлақо ишонмасдим.

– Эбай-а, болама, мени жўқлаб келдингма?

– Танидингизми момо, – дедим қоғозга ўралган ҳолвани узата туриб.

– Момонг айлансин, Зибижҳава эмасмисан?

– Ўшаман.

– Менга апкелдингма?

– Сизга моможон.

Ҳайдовул момо чой қайнатиш тараддудига тушиб қолди. Уни ташвишга қўймаслик учун ишим зарурлигини айтиб, кетишга ижозат сўрадим. Кампир газсиз, электрсиз кун кўрар, хас-хашак, тезак ёқарди.

– Жўқ айланай, қўриовуз кетма.

Момонинг талаби қатъий эди. Ночор кўндим, супа четига ўтирдим. Қорни пачоқ, қоп-қора, оғзи буришган тунука чойдиш оловга қўйилди. Чойдиш нимаси биландир кампирнинг ўзига ҳам жуда ўхшарди: қоп-қора, оғзи буришган, пачоқ...

Чой устида аммам раҳматлини ёдга олдик. Аммам қазо қилганларида Самарқанддалигимни, «уч»лари куни етиб келганимни, аммам қандай ўлдилар, нималар дедилар булардан бехабарлигимни айтиб бердим.

– Аммам сизга ишонардилар, – дедим.

– Аманатга хиянат қилганим жўқ, – шундай деб момо лайлак уясидек улкан чалмасининг қатини ковлай кетди. – Монакай, тавдим.

Момонинг қуришган кафтидан калитни олиб, ўзимникига солиштирдим. Менинг калитимдан узунроқ, учи қиррадор, битта тиши ортиқча бурчакли. Ишлатилмаган. Тамғаси ҳам ўхшамайди. «ТМЗ» тамғаси урилган. Демак, кампирни лақиллатишган.

– Олдингизга бу яқин орада бир йигит келмаганмиди, момо?

– Жигитми? Жўқ.

– Аёл-чи?

– Келувди. Дўхтир.

– Қачон?



– Ўтган жил, жазда.

– Нега келганди?

– Кампиршо, битлабсиз дептуриб, башимдан чалмамди алип қараганди. Кун иссиқ бу арданани киймang, деганди.

– Кўзида ойнаги бормиди, – деб сўрадим хаёлимга келган шубҳадан ўзим ҳам хижолат чеккан ҳолда.

– Жўқ. Айнаги... жўғийди... – жавоб қилди момо бошини ёстиққа босиб.

Бадгумонлигимдан кўнглим ғашланди. Инсон ўзига яқин кишилардан бўлар-бўлмасга шубҳаланавериши ёмон хислат бўлиб туюлди. «Кечир мени, дугона» хаёлан Арфага шундай мурожаат қилиб, ўрнимдан турдим. Момо билан хайр-хўшлашиш шарт эмасди. У бошини ёстиққа қўйганча, ширингина мудрарди.

## 14

«Хўш. Энди нима қиласан, Зибиж?» дедим ўзимга ўзим.

Кампирни зиёрат қилганимдан мамнун бўлсам-да, калит ортидан қувиб, бутун кунни беҳуда ўтказганимдан норози эдим. Аслида бу ҳам катта иш эди-ю, аммо асосий мақсад сирни очиш бўлганлиги туфайли ўз саъй-ҳаракатимдан қониқмаётгандим. Шундан сўнг уч оқшом кузатиб, ҳеч қандай натижага эришолмадим. Шаҳпар изини қумга солгандай, тутқич бермади. Кундуз уйга беркиниб олиб қўриқчилик қилиш ҳам бефойда, ҳам азоб туюларди. Кейинги кун ҳамма хоналарни бирма-бир кўздан кечирдим. Ўзгариш йўқ, ҳам-

маси жой-жойида. Шердил амакимнинг орқаси пичоқ билан кесилган милиционерлик кийими ҳам ўз ўрнида осилиб турибди. Даҳлизнинг чап тарафидаги хоначалар (уларнинг бирида мен яшардим) полини майин чанг босган, чангда калтакесак панжаларининг изидан бўлак бирор белги йўқ.

Уй ичида узоқ туролмадим. Тош деворлар оғир залвор билан босиб келаётгандай. Аммам ва амакимнинг руҳлари ғамгин қиёфада хоналарда кезиб юргандай. Болалигимда қадрдон бўлган маскан энди бегонадай туюлади. Аввалги шўхликлар қани? Ҳатто аммамнинг ғамгин қиёфалари ҳам бизнинг шодликларимизга монелик қилолмасди. Деразага мунгли термилиб ўтирганча, қилиқларимизни кўриб, маҳзун жилмайиб қўярдилар, индамасдилар ва яна хаёлга чўмардилар.

Даҳлиз деворига эски тақвим осилиб турибди. «9 июнь 1996 йил» бу санада нималар бўлганини, охирги варақни ким йиртганини эслолмадим. Қишлоқни қўмсадим. Ҳозир қишлоқ боғларида жавпазак олмалар пиша бошлаган, гилосларга ранг кирган палла. Уйни сотиб, бу даҳмазадан қутулиш ҳақидаги фикр яна бош кўтарди.

Ташқарига чиқиб эркин нафас олдим. Сўнгра Амир Темур майдонини кесиб ўтиб, йўлнинг нариги бетидаги боққа кирдим. Оқсарой қалъа деворидан ҳам юксалиб, зангор осмон тоқига бош қўйиб тургандай. Эски дарвоза, шаҳар архиви идораси. Кимсасиз йўл юз одимлар нарироқда ўнгга қайрилади. Лимонарийлар ёнида, йўлнинг ўнг бетида рассомлар устахонаси



бўларди. Устахона ҳалиям бор ва ишлаб турган экан. Қўллари акварелга бўялган ёшгина ўсмир бола илтимосимни бир неча дақиқада бажариб, пулини олди. Ўша дамнинг ўзидаёқ ортимга қайтиб «Уй сотилади» деган лавҳани деворга илиб қўйдим. Шаҳпар бунга бефарқ қолмаса керак, деган ўй билан меҳмонхонага қайтдим. Роса чарчаган эканман, ухлаб қолибман. Эшик тақиллаётганини эшитиб уйғондим. «Ким бўлиши мумкин» деган ўй билан эшикни очдим-у, қўрқув ва таажжуб ичра орқага тисарилдим.

Остонада Шаҳпарнинг ўзи турарди.

Киришга ижозат сўради. Кўзларим уйқули бўлганлиги сабабли ноқулай аҳволда ўтиришга жой кўрсатдим. Шаҳпар мени катта қизиқиш билан кузатар, буни яширишга қанчалик тиришмасин кўзларидаги ифода ошкор этиб турарди. Шаҳпар ўтиришдан аввал ўзини таништирди:

– Исмим Болта.

Унинг исми Болта бўлишини сира кутмагандим. Шундай юлдузи иссиқ одамнинг номи – Болта. Ажабланганимни пайқаб, у жилмайди ва стулга ўтирди. Унинг табассуми жозибали эди. Лабларининг бичими, кулганда кенг ёйилиб оппоқ тишларининг кўриниши бирдан кишини ўзига тортарди.

– Зибижҳаво.

– Чиройли ном, – деди Болта ва нигоҳини мендан олиб қочиб, деворга ёпиштирилган манзарага қаради. Фурсатдан фойдаланиб, унинг юзини тадқиқ этишга киришдим ва шундай замонавий, чиройли кийин-

ган, зиёлинамо кишининг оти Болта бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисида ўйладим. У девордаги шаршара суратини томоша қилаётганда кўзларига деразадан тўртбурчак шаклидаги ёруғлик акс этиб турганлиги сабабли нигоҳида қандай маъно борлигини билолмадим. Бу ҳолат бир сония ҳам давом этмади. Болта энди менинг юзимга ўткир нигоҳини тикканда юзида хотиржамлик ифодасини кўрдим. Менинг исмимни эшитганда кулгиси келгани ва буни билдирмаслик учун суратга қарагани эса, менинг нигоҳимдан яширин қолмаганди, албатта.

Нигоҳларимиз тўқнашди. Унинг лабларида яна ўша жозибали табассум зуҳур этди. Бунга жавобан мен ҳам жилмайиб қўйдим.

– Уйни сотувга қўйган экансиз...

– Ҳа, сотмоқчи эдим.

– Қанча сўрайсиз?

– Битта «Нексия»нинг баҳоси, – дедим дабдурустдан миямга келган бу гапдан ўзим ҳам таажжубланиб.

– Мен розиман, – деди Болта.

Харидор нарх устида тортишади ва савдомиз битмайди, деган хаёлда эдим. Нима сабабдандир у эшикдан кириб келиши билан мақсадини англаган ва уйни сотиш фикридан қайтгандим. Аслида ҳам уйни сотиш эмас, унинг ичида юз бераётган хуфиёна ишлар қизиқтиради мени.

– Сиз уйни бориб кўрдингизми ўзи? – сўрадим вақтни чўзиш ва қаршимда ўтирган кишининг асл мақсадига доир бирор нарса билиб олиш ниятида.



– Қадимий бинолар мени қизиқтиради, – деди харидор тўғри жавоб беришдан қочиб, – томи черепицалар билан ёпилган бинолар бу шаҳарда жуда кам. Бунинг устига деворлари тошдан. Ўрнашган жойи ҳам... биз шу бино ёнида катта корхона қурмоқчимиз.

– Биз деганингиз кимлар?

– Сайдинов ва мен. У киши бошлиғим.

– Қўшма корхонами?

– Шамсия ишлаб чиқарадиган қўшма корхона. Шеф ҳозир Хитойда. Ҳамма иш битган, фақат шартнома имзолаш қолган холос. Шартнома имзоланиши билан ускуналарни жўнатишга киришадилар. Шу боисдан бирор ой ўша ерда бўладилар.

Болтанинг бор гапни яширмай айтаётганига қараб, икки нарсани тахминладим: ё мени ҳеч нарсага ақли етмайди деб ўйлайди ёки ичида гап ётмайдиган ҳовдир-шовдир одам.

Суҳбатимиз шу жойга келганда ёқимли бир куй эшитилиб қолди. Болта соатига қаради:

– Соат беш, – деди тараддудланиб ўрнидан қўзғаларкан. – Келишдикми? Фақат... бир оз кутишингизга тўғри келади.

Нима деб жавоб қилишимни билмай, бир оз сукутга ботдим. Нотўғри йўл тутаётганимни англагандим, Болтанинг сўнгги таклифи айни муддао бўлди. Миямга яхши бир фикр келди:

– Келишдик, – дедим босиқлик билан, – савдони бироз кейинроққа қолдирамиз, аслида мен ҳам шу фикрда эдим. Чунки бир дугонам сиздан олдинроқ

харидор бўлганди. Унинг ҳам эри чет элда экан… шу боис ҳалиги ёзувни олиб ташлаб, дугонамнинг эри сафардан қайтгунча кутмоқчи эдим.

– Сизни шошилтирмайман, – деди Болта эшик томон юраркан. – Ўйлаб кўринг, пулини ким олдин тўласа, уй ўшаники. «Интурист» меҳмонхонасидан жой олганман, агар бирор қарорга келсангиз…

Болта гапни тугатмай, чўнтагини ковлай бошлади, чарм кармонини олди ва «мана шу рақамга қўнғироқ қилинг» деб кичкина, тўртбурчак шаклидаги пушти-ранг қоғозни узатди-да, хонадан чиқиб кетди.

## 15

Орадан ярим соатлар ўтиб, йўқ, бирор соатлардан сўнг мен яна ўша ҳашаматли бино дарвозасидан кириб бордим.

– Уйни сотувга қўйибсанми? – ҳовлиқиб сўради Арфа. – Салом-аликни ҳам унутиб. – Нега менга бир оғиз айтмадинг?

– Ўзим ҳам билмай қолдим. Сен қаердан эшитдинг?

– Эълонингни ўқидим. Неча марта ўтаман у ердан.

– Болта олмоқчи.

Арфа нозик бармоқлари билан кўзойнагини тўғрилай бошлади.

– Ким экан у?

– Шамсия ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қурмоқчимиз, хўжайин шу мақсадда Хитойга кетган, дейди.



– Опа, чой келтиринг! – қичқирди Арфа ошхона томонга ўгирилиб, – Болта дедингми? Буни қара-я, дарров харидор ҳам топибсан. Аввалроқ айтганингда… Менга қолса сотмаганинг маъқул. Пул – қоғоз, уй – мулк.

Опа чой билан қанд-қурс солинган лаган кўтариб кирди.

– Нега меҳмонхонада тунаяпсан? – жиндаккина аччиқ аралаш сўради Арфа. – Бизники ёқмадими?

– Ёлғизликка ўрганганман. Неча йилдирки бир ўзим яшайман. Биласан-ку, дорилфунунда ҳам бўлганим шу эди. Ҳеч ким билан танишмадим, ҳеч ким билан юрмадим.

– Эрим йўқлигини айтгандим, биласан, шу ерда ётиб қолавер.

– Майли, агар малол келмаса.

Арфа чой қуйиб узатди.

– Малол келмаса деганим… опанг бироз…

– Нималар деяпсан, Зибиж. Балки опам…

– Йўқ, у киши жуда беозор аёлга ўхшайдилар, – дедим дарҳол дугонамнинг фикридан қайтиб қолишидан чўчиб.

– Опам… аслида у киши бизга бегона. Хизматга олганмиз. Қол, кечаси «Аммахолл»ни кузатамиз.

Кўнглимдаги рангсиз шубҳалар тарқаб кетди. Арфанинг овозида ишонч ва самимият жаранглаб турарди. «Нега мен бунчалик бадгумонман?» деган ўй билан дугонамнинг кўзларига тикилдим. Қалбимда меҳр жўшиб турарди.

– Кузатамизми? – дедим ёш қизчалардай ўйинқароқлик билан.

Арфа бош силкиб, фикримга қўшилганини тасдиқлади. Анчагача чойхўрлик қилиб, суҳбатлашиб ўтирдик.

## 16

Бу оқшом кузатув нуқтасини ўзгартириб, бинонинг жанубий ғарб бурчагига яқин ариқ бўйидаги майсалар устига ўтириб олдик. Бу ерда сув шоввалар ҳосил қилиб шовуллаб оқади, ялпизлар бўлиқ ўсган, хуллас, танлаган жойимиз анча қулай.

Ой сутдек ойдин. Бундай паллада бировга озор берginг келмайди, ҳатто душманингга ҳам раҳм қиласан. Арфани билмадим-у, менинг кўнглим шунга мойил. Қаердандир жийда гулининг билинар-билинмас ҳиди келади. Шаҳрисабз минтақасида, хусусан, шаҳар ичида жийда апрелнинг охирида гулга киради, бир ой гуркираб ҳид таратиб, майнинг охирларида мева туга бошлайди. Ҳозир эса июннинг ўртаси. Демак, узоқ тоғ қишлоқларидан шабада олиб келаётган атир бу.

Биз бир дам асосий вазифамизни унутиб, туннинг соҳир эртагига қулоқ тутамиз, тунни ҳидлаймиз, бутун вужудимиз билан туннинг мавжудлигини ва у ҳар бир аъзоимизга ҳузур бахш этиб турганини ҳис этамиз. Бундай паллада одамнинг қўшиқ айтиб юборгиси келади:

*Далала-ар нафаси-ин бирга о-либ кее-л...*

Босиқ, майин, жарангдор овоз билан куйлайди Арфа.





Қўшиламан мен. Анчагача хиргойи қиламиз, сўзлари унутила бошлаган қўшиқни у ер, бу еридан айтамиз.

– Қандай завқ билан куйлар эдиг-а, Зибиж бир пайтлар, – деб хўрсиниб қўйди Арфа. – Жуда ширин романс эди-да. Кенг далага чиқсанг, қизғалдоқлар, чучмомалар очилиб ётган кенг дала бўлса. Бор овозинг билан куйласанг, ичингдаги ғуборларинг чиқиб кетса. Нега биз шундай завқлардан маҳруммиз? Бачкана ҳиссиётлар оғушида яшаймиз, латта-путта йиғамиз. Нега индамайсан?

– Эшитаяпман, – дедим, бетон девор тагида ўзини сояга тортиб турган шарпадан кўз узмай. – Қара келди!

Арфа елкамдан бош кўтариб, бино томон ўгирилди:

– Қани? Қаерда?

– Бетон девор билан арикча ўртасидаги йўлакчага қара.

Қанчалик тикилмасин Арфа ҳеч нарса кўрмади.

– Кўзингга кўринаётгандир, – деди бепарволик билан. – Юр, кетайлик вақт ҳам алламаҳал бўлди, чамамда. Опам хавотирланадилар.

Қўлтиқлашиб қайтдик. Иккаламиз ҳам ўз уйларимиз оғушида, ўз-ўзимизча бахтиёр эдик.

– Ўша Болта деганинг қанақа одам ўзи? – сўради Арфа хаёлчан оҳангда.

– Симпатичний, – жавоб қилдим русчалаб. Кайфиятим шуни тақозо этарди. Дунёдаги бор тилларда гапиргим келарди.

– Юрагингни эҳтиёт қил.
– Мерси! Рашк қилаяпсанми?
– Танимасам қаердан рашк қилай.
– Таништирайми?
– Ўзингга буюрсин.
– Зер гут! Ман шумо ба нағз мебинам.
– Бунча чакагинг очилди бу кеча.
– Шеғши ля фам.

Йўл-йўлакай ана шундай енгил, беғараз ва аҳамиятсиз, аммо гоҳида аёллар учун энг аҳамиятли гаплардан ҳам муҳим мавзуларда чуғурлашиб, уйга етиб келдик.

Ёзнинг ойдин туни, дилбар кеча, жийда гули ҳиди-ни уфураётган майин шабада, дугонамнинг яқинлиги ва яна нималардир мени маст қилиб қўйгандики, «Аммахолл»ни ҳам, шарпаларни ҳам унутгандим.

## 17

Қайноқ чой ичиб ўтирарканмиз, ҳазрат Навоийнинг қуйидаги мисралари ёдимга тушди. Шивирлаб ўқидим:

*Ташналаб ўлма Навоий чун азал соқийсидин*
*«Ишрабу ё айюҳал атшон» келур ҳар дам нидо.*

Маъносини тушунтириб беришимни сўради Арфа.

– «Ишрабу ё айюҳал атшон» яъни, ташна бўлсанг, ич дегани.



– Албатта ҳаёт майи, яшаш кўзда тутилган, шундайми?

– Ҳа, яшашнинг ўзи энг ширин май.

Эрталаб дарвоза олдида хайрлашдик.

– Шаҳар айланасанми? – сўради Арфа.

– Бугун қишлоққа кетаман, гулларимни суғоришим керак.

– Қачон қайтасан?

– Сени соғинганда.

Опа ҳам дарвоза олдида турар, ўйчан кўзларини мендан узмасди.

– Хайр! Ҳозир меҳмонхонага бораман-у, лаш-лушларимни олиб, автобусга чиқаман.

– Хайр!

Эрталабки қуёш нурлари Арфанинг кўзойнагида ўйнар, ойнак тагидан унинг кўзлари икки дона фируза тошдек нурланиб кўринарди. Дугонамнинг қиёфаси шу аснода менга ҳар қачонгидан ҳам жозибали туюлди. Уни бағримга босиш, чаккаларидан туйиб-туйиб ўпиб олиш истагини аранг енгиб, йўлга тушдим. Опа қараб турмаганда, ҳеч шубҳасиз, шундай қилган бўлардим.

## 18

Меҳмонхона эшигидан чиқаверишда опага тўқнаш келдим. Буни кутмагандим.

– Озгина вақтингизни оламан, – деди опа кўзи билан хилватроқ жой қидиргандай теграсига аланглаб.

Тез юриб келганидан бўлса керак, ҳарсиллаб нафас олар, нимадандир хавфсирар ва ҳаяжонланарди.

– Юринг, – дедим унчалик рўйхуш бермай. Қайтиб ичкарига кирдик. Даҳлиз тўридаги диванга ўтирдик.

– Сиз Арфанинг қалин дугонасисиз, шундайми?

– Шундай, – дедим қуруққина қилиб.

– Мени эса исмимни ҳам билмайсиз.

Тоқатсизланаётганимни кўрсатиш учун соатга қараб олдим. Опанинг лорсиллаган семиз юзи ёқимли, беғараз кўринса-да, чағир кўзларидаги қувлик кишини чўчитарди, қошлари ҳам алланечук бароқ.

– Майли, исмимни билмай қўяқолинг, опа десангиз ҳам бўлаверади. Аммо мен ўзим ҳақимда гапириб бериш учун келганим йўқ. Сиз Арфани яхши биласизми?

– Балки, сизчалик билмасман.

– Кўриб турибман, сўзларим сизга ёқмаяпти, оддий ғийбат, деб баҳолаяпсиз, лекин масала жиддий. Эшитишингиз керак, агар Арфани яхши кўрсангиз. Бу сирни биринчи марта оғзимдан чиқараяпман.

– Қандай сир?

– Айтсам ишонмайсиз... Арфа... одам эмас.

– Уни шунчалик ёмон кўрсангиз нима қиласиз бир уйда яшаб.

– Гапимни охиригача эшитинг, илтимос.

Ноилож қайтиб ўрнимга ўтирдим.

– Арфа... қандай тушунтирсам экан, «одам эмас» деганим бошқа маънода. У... – Опа афтидан мос сўзни тополмай, бир нафас жим қолди ва деди:



– Жодугар!

– Жодугар?!

– Ҳа, жодугар, баъзан тунда йўқолиб қолади.

– Бундай жодугарликни мен ҳам эплайман.

– Йўқ. Уники бошқача. Шундай экан... бир эртак бўларди: бир йигит гўзал қизга уйланади. Қиз ҳар кеча тун ярмидан оғганда эрини ухлатиб, илонга айланади ва аста унинг қўйнидан сирғалиб, томнинг тешигидан ташқарига чиқиб кетади. Саҳар пайти яна ўша тешикдан кириб келиб, эрининг қўйнига ётади. Эшитганмисиз шу эртакни?

– Аммам айтиб бергандилар, биламан.

– Дугонангиз ҳам шундай қилади. Фақат уники сал бошқачароқ.

– Қандай уники?

– Хонага киради-ю, йўқ бўлиб қолади.

– Гапларингиз афсонага ўхшайди, опа.

– Опанг айлансин. Худо ҳаққи рост айтаман. Ўз кўзим билан кўрганман. Гапимни бўлмаганингда ҳозиргача ҳаммасини тушунтирган бўлардим.

– Бўлмайман, гапиринг.

– Биринчи марта ўтган йили ёзда, тахминан шу пайтларда, юз берди бу ҳодиса. Арфа эри билан айтишиб қолди, арзимаган гап устида. Аразлаб хонасига кирди-да, эшикни ичкаридан қулфлаб олди. Эри орқасидан бориб эшикни тақиллатди, чақирди, аммо Арфа жавоб бермади. Орадан икки кун ўтиб, бу ҳолат такрорланди ва бир ой давом этди.

Эри яхши одам. Соддадил, топармон, обрўйи баланд. Битта айби – рашкчи. Қўқондан бу томонларга кўчириб келган ҳам ўлгур ўша рашк. Миржалол шу қадар рашкчики, ҳатто телевизорда чиройли эркакларни кўрсатаверса, у кўз остидан хотинига қарайверади. Баъзан ўчириб қўяди, телевизорни. Айниқса, чўмилаётган эркаклар билан… ҳалиги Мексика киноларини кўришга кўзи йўқ. Азбаройи хотинига рашк қилганидан.

– Қийин экан бечорага.

– Икковигаям қийин. Хуллас, ҳафталар, ойлар ўтаверди, Арфа вақти-вақти билан хонага кириб, қамалиб олишини қўймади. Менинг қўлимдан, ишқилиб охири бахайр бўлсин, дея худога илтижо қилишдан бўлак нарса келмади. Оддий бир хизматкор одам бўлсам… Бир сафар Арфа яна хонасига кириб, эшикни қулфлаб олганди Миржалол ҳар доимгидай эшикни қоқди, чақирди: «Арфа оч, гаплашиб олайлик», деб кўп ялинди. Арфа очмади. Хонада тиқ этган товуш эшитилмасди. Тўғри, хоналарнинг эшиклари қалин, дуб ёғочдан ишланган, ёғоч устидан тунука қопланиб, унинг устидан яна тахта урилган. Шундай бўлса ҳам… майли гапни қисқа қилай, шунда Миржалол чўнтагидан калит олди-ю, шартта эшикни очди.

– Аввалроқ шундай қилса бўлмасмиди?

– Эрида калит йўқ эди. Менимча, ўша куни ясатиб келган. Икки кун аввал Арфа дугонасининг туғилган кунига кетганда Миржалол оқсоч бир чолни бошлаб



келди. Чол қулфга бир қаради-ю, бош силкиб қўйиб чиқиб кетди. «Қулфи бузилган экан» деди Миржалол мени тинчитиш учун, бошқа дурустроқ баҳона топишни лозим ҳам кўрмади. Тушунмайди, деб ўйлади. Аммо мен ҳам жа-а содда эмасман. Жичча бўлса-да, ақлим бор.

– Сиз ҳам водий тарафданмисиз? – сўрадим опанинг ҳаяжонланганда фарғонача лаҳжада гапиришини пайқаб.

– Фарғонаданман. Шаҳрисабзга тақдир тақозоси билан келиб қолганман. Бунинг тарихи узун. Қисқаси, ўша куни Арфа эшикни очавермагач, Миржалол чўнтагидан калитни олди-да, шартта очиб, ичкарига кирди. Мен ошхона олдидаги даҳлизда турардим.

– Арфа-а! – қичқирди Миржалол бутунлай ўзгарган бўғиқ овоз билан.

Орқасидан бориб қарасам Миржалолнинг ёлғиз ўзи хона ўртасида серрайиб турибди. Кўзлари ола-кула бўлиб кетган. Арфадан эса ном-нишон йўқ.

– Дераза-чи? Балки деразадан…

– Дераза берк, панжараланган. Шундай бўлса ҳам Миржалол дераза олдига бориб текшириб кўрди, пардани очиб қаради, темир панжарани юлқиб олмоқчидек жаҳл билан силкитди. Сўнгра кийим жавонию каравотларнинг тагигача қаради. Хотини бир игнаю сичқонларнинг тагигача қаради. Хотини бир игнаю синчиклаб қараса топиладигандай гиламларнинг остини кўтариб кўрди. Бурчакларга кўз югуртириб чиқди, шифтга тикилди.

Мен ҳам эшик олдида лол бўлиб турардим.

– Қани?! – деди мен томонга қараб Миржалол, аммо унинг ҳайратдан катта-катта очилган кўзлари мени кўрмасди.

– Қани?... – дея ғўлдиради атрофга кўз югуртириб қўлларини кенг ёзган кўйи.

Кейин хонадан чиқиб, даҳлизда бир оз каловланиб турди-да, қайтиб бориб хонани қулфлади.

Эрталаб соат саккизлар чамаси эшик очилиб, остонада Арфа пайдо бўлди. Аммо Миржалол ҳеч нима бўлмагандай хотинига жилмайиб қаради. Чойга таклиф қилди, яқин кунларда Хитойга кетишини айтиб, ўрнидан турди-да, ишига жўнади.

– Кейин-чи? Кейин нима бўлди?!

– Орадан яна бир ой ўтди, Миржалол бу орада хотинининг хонасини икки-уч бор очиб кўрди. Балки мен бозор-ўчарга чиққанимда ҳам очган бўлса бордир, бу ҳақда ҳеч нарса деёлмайман. Сўнгра ўзи билан ўзи бўлиб қолди, бечора. Бир-икки ой қаерлардадир командировкада юрди.

– Шу воқеа биринчи марта содир бўлишидан олдин Миржалол ҳеч қаёққа кетмаганмиди?

– Кетганди. Неча кунлиги эсимда йўқ, лекин кетганди. Мана, қарийб бир йилдирки шу аҳвол. Дугонангиз хонасига кириб эшикни қулфлаб олиши билан эр ҳам кийиниб ташқарига чиқиб кетади.

– Сиз-чи? Миржалол командировкада юрганда сиз уйдамидингиз?

– Уйда эдим, қаерга борaман. Ёлғиз аёл бўлсам.



– Арфанинг хулқида ўша кунлар бирор ўзгариш сезмаганмидингиз?

– Йўқ, ҳамишагидай. Фақат дастлабки ҳафта хонадан чиқмай, магнитофонни бақиртириб эшитарди. Аллақандай тарақа-турук музика.

– Кейин-чи?

– Кейин босилди. Магнитофон ҳам жонига тегдими, эшитмай қўйди.

– Хонада Арфанинг йўқлигини билгандан кейин Миржалол ўзини қандай тутди?

– Ҳамишагидай.

– Миржалол ўзи кўринишидан қандай киши?

– Семиз.

– Бўйи-чи?

– Мендай.

– Юз-кўзи дегандай, гапириши, соч-соқоли...

– Кулча юзли, бақбақаси осилганроқ, кўзи қора, серсоч, бўйни калта, пилдираб юради. Оёқлари ҳам калтароқдай. Шундай бўлса ҳам кўриниши савлатли.

Опа хўжайинини анчагина яхши тасвирлаб берди. Кўз олдимга «Аммахолл» атрофида писиб юрадиган шарпалардан бири гавдаланди. Айтилган чизгиларга кўра, унинг характерини белгилашга уриниб кўрдим. Миржалол мақсадга бир қадар интилувчан, мушоҳада қуввати сустроқ, ишни бироз пала-партиш қиладиган киши бўлиб туюлди.

– Энди мен борай, – деди опа хаёлга чўмиб қолганимни ўзича баҳолаб, – бозор қиламан деб чиқ-

қандим. Гап эшитиб ўтирмай. Сиздан илтимос, бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очманг. Бу гапларни опа менга нима мақсадда айтди, деб ҳам ҳайрон бўлманг. Шунча йил давомида унинг олдига келган биринчи дугонаси сиз. Муносабатларингиздан кўриб турибман, қадрдонсизлар. Бунинг устига беғараз, очиққўнгил кўриндингиз. Балки дугонангизга бирор фойдангиз тегармикан, деб айтдим. Ичимга сиғдиролмай юргандим. Кимгадир ёрилишим керак эди...

Опа бир оз сукут қилди. Кейин бутунлай ўзгарган қиёфада шундай деди:

– Дугонангиз ҳомиладорга ўхшайди. Унга ёрдам беринг. Хаёлимда бир фалокат юз берадигандай! Ўзи яхши аёл, фақат...

Гап тугамай қолди. Опа тескари ўгирилиб, енги билан кўз ёшларини артди-да, бошқа бир оғиз ҳам гапирмай, эшик томон юрди. Аммо менинг сўрайдиган гапим кўп эди ҳали. Олдинма-кейин ташқарига чиқдик. Опанинг ҳикояси бошимни қотирган, сира ишонгим келмасди. Хилват хиёбондан ёнма-ён юриб, анча жойгача жимгина бордик. Арфанинг хонасини қандай бўлмасин ўз кўзим билан кўришни хоҳлардим. Опа тасвирлаб берди, аммо тўла тасаввур ҳосил қилолмадим.

Хонанинг қаеридадир ташқарига олиб чиқадиган йўл бўлиши керак. Бундай десам наҳотки Миржалол буни билмайди. Ҳеч шубҳасиз, хотини уйга кириб кетиб гумдон бўлишини кўриб-англаб юрган одам уни ажина ёки жодугар деб ўтирмасдан, ҳамма жойни ағдар-тўнтар қилиб бўлса ҳам, қараб чиқиши керак.



– Арфанинг хонасини ўзим кўриб чиқишим керак, – дедим юқоридаги фикрлар таъсирида, – шунинг имкони борми?

– Менда калит йўқ.

– Арфадан калитни бир неча дақиқага бўлса ҳам ололмайсизми? Билдирмасдан албатта.

– Ундан не фойда? Олсам-у, қайтариб жойига қўйсам. Бир қараш учунми?

– Йўқ, мен сизга бир нарса бераман. Кейин қандай йўл тутиш кераклигини тушунтираман.

Опа рози бўлди. Ўқув ашёлари дўконидан бир қутича пластилин сотиб олдим, бир бўлагини қоғозга ўраб, опага тутқаздим, нима қилиши кераклигини батафсил тушунтирдим. Учрашув пайтини ва жойини келишиб олиб хайрлашдик.

## 19

Яна меҳмонхонадан жой олишга тўғри келди. Нарсаларимни хонада қолдириб, далага чиқдим. Дарвоқе, бу сафар «Интурист»дан жой олдим. Меҳмонхона «П» шаклида қурилган. Олди кенггина майдон. Мажнунтолларнинг соясида ўтириб ҳордиқ чиқариш, режалар тузиш, хаёл суриш мумкин. «Кеш»га нисбатан яхши. Мажнунтол остидаги скамейкага ўтирдим. Аммо бу ерга Амир Темур майдони яқин бўлгани учун одамларнинг ғала-ғовури эшитилиб турарди. Хаёлим бўлинаверди. Менга инсон зоти кўринмайдиган, товуш эшитилмайдиган гўша зарурлигини, акс ҳолда, фикрлолмаслигимни тушундим.

«Бир ўзим» деганим, албатта нисбий тушунча. Ҳовлида бир тупгина шафтоли бор. Японлар сакура гуллаганини байрам қилишади, мен шафтоли гуллаганини. Шафтоли ҳам назаримда сакурага ўхшайди. Оқишроқ гуллаган шафтоли оқ мева қилади, пуштиранг гуллаганининг меваси шу рангга мос бўлади. Менинг шафтолим пуштиранг гуллайди.

Ҳар бир гиёҳнинг, дов-дарахтнинг ҳаёти хавф-хатарга тўла. Инсон ҳам бундан мустасно эмас. Шунинг учунми, одамзод тўрт девор ичига биқиниб олади. Тешик-туйнукни беркитади. Уй теграсини девор билан ўрайди. Деразаларга темир панжаралар ўрнатади. Ўз вужудини эса, латта-путталарга чирмаб ташлайди. Хуллас, ҳимоя қобиқлари қават-қават. Шу билан ҳам хавф-хатардан батамом холи бўлолмайди. Қўрқиб, қалтираб яшайди. Айниқса ёлғиз аёл...

Хиёбондан ёш бир йигитнинг қийқириб кулгани эшитилди. Хаёлим бўлинди. Ўрнимдан туриб, хонага кирдим. Опа айтган гаплар хаёлимда чарх урарди. Каравотга чалқанча ётиб, нигоҳимни шифтга қадаганча таҳлил қилишга киришдим: «Дугонангиз ҳомиладор», «Ўтиниб сўрайман», «Сир сақлай оласизми», «Жодугар» каби хулосалар, ўтинчлар, сўроқлар узуқ-юлуқ ҳолда гўё хонани тўлдириб учиб юрар, туткич бермасди.

Ташқаридан карнай-сурнай овозлари хонага бостириб кира бошлади. Хонани қулфлаб, бу ердан узоқроқ кетиш мақсадида иккинчи бор ташқарига чиқдим. Меҳмонхона деразаларида калта иштон кийган



немис муҳожирлари кўринишди. Майдондаги шовқин-сурон мазмунини тушунмай қараб туришарди улар. Шаҳрисабз чоғроққина шаҳар бўлса-да, унинг шовқин-сурону қайноқ ҳаёти ўнта йирик шаҳарга татийди.

Оқ сарой ёнидан ўтиб, қалъа девори орқасидаги боғ томон юрдим. Бу томонлар анча хилватлигини аввал ҳам айтгандим. Анча йиллар илгари экилган «ўрис» дарахтлар кимсасиз йўл ва йўлакларга қуюқ соя солган. Ўзбекчилигимизнинг баъзи жиҳатларига қўшилмайман. Қиз бола бир йўлакдан икки марта ўтиб қайтса ёки ёлғиз ўтирган, дарахтга суяниб турган бўлса, ёмон кўнгилга бориб гап отувчилар ҳамма жойда топилади. Шундай бўлишидан чўчиб, ортга қайтмай тўғрига қараб кетавердим. Поляклар қабристони ёнидан чап тарафга қайрилиб, нишаб йўлдан ариқ бўйлаб юрдим. Опа билан шу ерда учрашмоқчи эдик, ҳали вақт бор. Соат бирга яқинлашаяпти. Опанинг келиши бир яримдан икки яримгача деб белгиланган. Бу пайтда Арфа тушлик қилгандан кейин бирор соат ухлаб оларкан. Бетон кўприкчадан ариқнинг нариги бетига ўтиб, ғарибгина бир ошхонада тамадди қилиб олдим. Вақт имиллаб ўтарди. Узоқдан тайпанглаб келаётган аёлга кўзим тушди. Юриши ўхшайди...

## 20

– Мана, – деди опа қўлида авайлаб ушлаб келаётган латтани очиб кўрсатиб.

– Бўпти кетаверинг.

– Тўхтанг, мен ҳам режамни айтай. Оқшом соат ўнларда дарвоза ёнига келинг. Сизни ичкарига кири-

таман. Бу пайтда дугонангиз хонасига кириб кеттан бўлади. Агар емакхонада ўтирган бўлса, беш-ўн дақиқа зинапоя остида кутиб турişингизга тўғри келади.

– Худди шундай қиламан.

Опа ортига қайтди. Мен Айрапет чолникига йўл олдим. Кун иссиқ, пластилиндаги изларнинг ўзгариб кетишидан хавфсираб, тез юрдим.

– Ярти сагат кутасан, – деди чол.

Калит айтилган муддатда тайёр бўлди. Ялтироқ жез очқични кафтимда қисганча, меҳмонхонага қайтдим. Чарчагандим, каравотга чўзилиб, уйқуга кетдим. Қалтис иш олдидан руҳга, танага, мияга дам бериш керак. Уйғонганимда хона қоп-қоронғи эди. Чироқни ёқдим, кечки соат 9.05. Ёмон эмас, бемалол улгуриш мумкин. Калитни чироқ ёруғига тутиб қарадим. Қурғур чолнинг иши ҳақиқатан ҳам пухта эди. Ҳар эҳтимолга қарши оёғимга таги резина юмшоқ латта бошмоғимни кийдим. Шаҳрисабзда буни «чешка» дейишади. Эгнимга ёз кечасининг рангига мосроқ кўйлак. Сумкачамни очиб қараб, ҳамма зарур нарсаларни яна бир карра кўздан кечирдим.

Зарур нарса, деганим икки учига оғиргина ғўлача маҳкамланган занжир, лупа, узунлиги ярим метр келадиган пишиқ чилвир бинт ва яна у-булар. Аслида буларга эҳтиёж йўқ, яна ким билсин... балки ўзимни ҳақиқий жиноятчини ушлашга чоғланган изқувар деб ҳис қилганимнинг ҳосиласидир бу.



## 21

Соат ўн беш дақиқа кам ўн. Шаҳарда тун салтанати ҳукмрон. Аммо ҳали машиналарнинг гувиллаши тинган эмас. Бетон девор панасига ўзимни тортиб турибман. Ой шом еган палла. Йўлнинг чап томони ташландиқ майдон. Шаҳарнинг тенг ярми чиқиндини шу жойга тўкади. Ундан нариси темир йўл. Миржалол билан Болта корхона қураман деган майдон – шу.

Дарвозани секин итариб кўрдим. Берк. Ҳаяжоним ортиб бормоқда, гўё жиноятга қўл ураётгандай тиззам қалтирайди. Арфа пайқаб қолса, нима дейди? Эри командировкадан қайтиб келган бўлса-чи? Опа мени лақиллатиб, қўлга тушириши ҳам мумкин-ку. Шу лаҳзанинг ўзида сўнгги айтилган гумонни рад этдим. Бундан опага нима фойда? Йиғлади, «ҳомиладор», «кўнглим бир фалокатни сезаяпти», деди. Ахир ҳамма одам ёвуз ниятли эмас-ку!

Дарвоза ортидан қадам товушлари эшитилди. Эҳтиёткорлик билан босилган қадамлар. Дарвоза қиягина очилди. Опанинг чорпаҳил гавдаси остонада пайдо бўлди.

– Шу ердамисиз?

Жавоб бериш ўрнига кафтимни унинг дарвоза тутқичини тутиб турган қўлига қўйдим.

– Киринг!

Дарвоза беркилди.

– Хотиржам бўлинг, ҳаммаси жойида, Арфа хонасига кириб кетди. Сиз даҳлизда кутиб турасиз, яна беш-ўн дақиқадан сўнг мен эшикни қоқиб, сизнинг

келганингизни хабар қиламан. «Зарур ишлари бора-кан» дейман. Очса очар эшикни. Очмаса калитни ишга соламиз. Айтгандай эшикни очса нима дейсиз?

Мен йўлда кела-келгунча айтадиган гапимни тайёрлаб қўйгандим. «Бир оғиз айтмабсан, дегандинг, харидор келса уйни савдолашаверайми ёки эринг келгунча кутамизми, шуни сўрамоқчи эдим», дейман. Буни опага айтиб тасдиқдан ўтказдим ва сўрадим:

– Қалтис иш қилмаяпмизми, опа?

– Савоб иш.

Бу гап менга далда бўлди. Опанинг ортидан уйга кирдим. Даҳлиз деворларида шиша қопламали чироқлар ёниб турибди.

– Ўтиринг.

Креслога чўкдим. Рўпарамда Крамскойнинг «Номаълум аёл» сурати. Балки «Нотаниш аёл» деб таржима қилиш тўғрироқ бўлар. Гўзал тасвир. Қор. Қора фойтун. Юзлари совуқда қизарган қора либосдаги аёл. Барқут кўзларида жозиба. Рус ойимтилласи. Юзининг ранги бунчалар тоза бўлмаса! Оқсуяк аёл. Арфа ҳам шунга ўхшайди, фақат унинг юзи бир оз нозикроқ, узунчоқроқ.

Ён тарафда «Юдифь». Нозик бармоқли оёқчаси билан эркакнинг пешонасидан босиб турибди, қўлида қилич. Уни шунчалик беозор ушлаб турибдики... пастда ётган эркакнинг кесилган боши кўкимтир тусда.

Энг муҳими, аёлнинг сони. Ҳарир кўйлак унинг қоматини яширолмаган. Тананинг ҳолати жуда тўғри чизилган...



Эшик тақиллади. Чўчиб тушдим. Хаёлим қочиб, бу ерда нима учун ўтирганимни эсладим. Опа эркалаган оҳангда чақирарди:

– Арфахон! О, Арфахон!

– ... ...

– Дугонангиз! Дугонангиз зарур иш билан келиб қолдилар, очинг!

Эшик иккинчи, учинчи марта тақиллади. Опанинг овози такрор-такрор янгради. Эшик очилмади. Бу пайтда соат ўндан ўн етти дақиқа ўтганди. Опа олдимга келиб тўхтади, хўрсинди, қошлари изтироб ичра чимирилиб турарди. Ҳар доим алвондек қизариб турадиган юзининг ранги қочгандай туюлади. Ҳаяжон билан шивирлади у:

– Боринг!

Ўрнимдан аранг турдим.

– Дадил бўлинг.

Сумкачамни маҳкам тутганча, дугонамнинг хонаси томон юрдим. Калит қўлимда. Қулф тешиги атрофидаги бронза халқа бўртиб, тагликдан кўтарилиб турибди. Калитни икки бармоғим орасида қисиб ушлаганча, опага қарадим. Опа зўр бериб «Ло ҳавло»ни ўқирди.

– Очинг! – деди дуо ўқишдан тиниб.

Шилқ этган товуш эшитилди.

– Яна бир марта буранг.

Юрагим ҳаяжон ичра гурс-гурс тепарди. «Эшикни очсам-у, даҳшатли ҳолатга дуч келсам», деган ўй сира миямга тинчлик бермасди. Опа қўлини елкамга қўйиб, оҳиста олдинга сургандай бўлди.

Эшик очилди. Оғир, қалин, салмоқдор эди эшик. Кўзларимга ишонмай қолдим. Хона бўм-бўш! Каравот тепасида чучмома шаклида ишланган тунчироқ кўм-кўк шуъла таратиб турибди. Дераза пардаси маҳкам ёпилган. Тўшак устидаги ёпқич сидириб ташланган-у, аммо кўрпа очилмаган. Каравот ёнида ғилдиракли журнал столи. Унинг устида телевизорнинг бошқарув пульти. Пойгакда кийим жавони.

Хона лоп этиб ёришди. Шу ҳам мени чўчитиб юборди. Опа чироқни ёққанди. Опа билан иккивимиз юмшоқ Эрон гилами устида тўпиғимизгача ботиб турардик. Қалин ва жуда кўркам эди, бу гилам. Биз гоҳида моддий бойликлар маънавий бойлик олдида бекадрлигини уқдирамиз, аммо шу лаҳзада юрак ҳовучлаб турган бўлишимга қарамай, «бой бўлиш ҳам ёмон эмас», деган фикр миямдан сирғалиб ўтганини қаранг.

Хонани кўздан кечирдим. Жавон билан дераза оралиғида телевизор, тўрдаги стол устида аудиомарказ. Дугонам ўзига барча қулайликларни яратиб олгани кўриниб турарди.

– Ло ҳавло ва ло қуввато… – шивирлай бошлади ранги ўчиб кетган опа.

## 22

Тадқиқотни жавондан бошладим. Аввал ўнг тарафдаги энли эшикни очиб қарадим: кўйлаклар, костюмлар, кофталар. Чап тарафдаги тортмалар ичида



аёлларнинг лаш-лушлари. Энг пастки қаватда ёзги туфлилар. Кийилмаган, янги. Жавон у қадар катта бўлмаса ҳам қизил ёғочдан ясалгани туфайли оғир ва мустаҳкам эди. Унинг ичида Арфа йўқ эди, албатта. Каравот остини қарадим. Опа билан уни силжитиб, гиламни кўтариб тахта полнинг ҳар бир чизиғини кўздан кечирдим. Шубҳаланишга асос берадиган биронта белги йўқ. Энг охирида дераза пардасини очиб кўрдим. Бу шунчаки таскин учун қилинган ҳаракат эди.

Арфа ҳеч қаерда йўқ.

Унинг жодугарлигига ишонишга тайёр эдим, ўша лаҳзада. Опанинг нигоҳида қўрқув ифодаси. Кийим жавонини яна бир карра кўздан кечирдим. Жавон тахта полга остки қисми билан чиппа ёпишиб турибди. Орқа қисми деворга тақалган.

Хонани тарк этдик.

Эшикни қулфлаб, калитни опага тутқаздим. Энди бу ерда қиладиган ишим қолмаганди. Демак, Арфа жодугар. Балки шу лаҳзада жимжилоқдек бир махлуққа айланиб, бир ковакка кириб, бизнинг хатти-ҳаракатимиздан кулиб ўтиргандир. Аммо мен жодугарликка ишонмасдим. Ўша дамда ноилож қолиб, опанинг хулосасига қўшилишга мажбур бўлдим.

Жимгина бош эгиб хайрлашдик.

– Эҳтиёт бўлинг, – дедим опа дарвозани беркитиб олаётганида.

Қоронғи тун бағрига ўзимни урдим. Чунки Арфанинг уйи қоронғи тундан ҳам қўрқинчли эди.

## 23

Қоронғи йўлакни кесиб ўтиб, катта йўлга чиқиб олдим. Бу кўча бирмунча ободроқ, марказга яқинлашган сари чироқлар онда-сонда бўлса-да, лишиллаб, йўл четларига хира ёруғлик ташлаб туради. «Кўчки» деб номланган бу кўча Заргаронга бориб туташади. Ўнг тарафга бурилиб, икки юз қадамлар юрсангиз «Аммахолл» кўринади. Хаёлим Арфа билан банд бўлганлиги, юз бераётган ҳодисани таҳлил қилишга қурбим етмаётганлиги сабабли бошқа нарса тўғрисида ўйламасдим. «Аммахолл»даги ўйинлар ҳам рангсизлангандн. Энди у ерга яширинча кириб чиқаётган кишиларнинг иши шунчаки арзимас саргузашт бўлиб туюлмоқда эди. Шундай бўлса-да, болалигим кечган ўша тош масканга қадам-бақадам яқинлашиб бормоқда эдим. Мана, йигирма қадамча берида, дарахт панасида турибман. Хаёлим паришон, Арфа тўғрисидаги фикрларни ҳеч жойга сиғдиролмайман. Хотинида юз бераётган ўзгаришларни пайқаган ҳолда Миржалол нега чет элга кетиб қолди экан? Ундай десам, Шаҳпарнинг орқасидан кузатиб юрган ҳалиги шарпа ким? Ана шундай ўйлар билан дарахт танасига суянганча, билмадим қанча вақт туриб қолдим, тоғ ортидан парпираб ой кўтарилди. Аммо бундан «Аммахолл»нинг тош деворлари ёришган бўлса-да, унинг тунд қиёфаси ёришмади. Бу манзарага узоқроқ қараб туриш малол келар ва беимкон туюларди. Соатимни ой ёруғига тутиб аниқлаш мақсадида дарахт остидан йўлак четига томон икки-уч қадам қўйдиму ички бир ҳиссиётнинг буйруғига бўйсуниб,



«Аммахолл»га қарадим. Худди шу лаҳзада даҳлиз эшиги очилиб, зина устида бақалоқ бир шарпа пайдо бўлди. Ҳар сафаргидек шошиларди у. Девор бўйлаб бурчакка ўтди-да, кўздан пана бўлди.

Миржалол!

Опа тасвирлаб берган одам-ку. Ой ёруғида унинг қиёфасидаги умумий белгиларни илғаб олиш қийин эмасди. Ўрта бўйли, боши катта, серсоч, оёқлари калтароқ, тўладан келган. Болта билан Миржалол! Демак, бу ерда аёл йўқ. Контрабанда, наркобизнес бор. Ҳар эҳтимолга қарши вақтни аниқладим: йигирма беша кам ўн икки.

Меҳмонхона навбатчиси эшикни очаркан, норози қиёфада тўнғиллаб берди. Мен нима ташвишлар билан юрганимни у қаердан билсин.

## 24

Якшанба кўчма бозорда тумонат одам. Бозор оралаш ҳам, худди кашта тикишдек ҳаётнинг безовта ўйларидан озгина бўлса-да, чалғишга ёрдам беради. Расталарни томоша қилиб боракарканман, кўзни камаштирадиган матолар, минг турдаги майда-чуйдалар, ҳар хил қиёфаларга қисқа-қисқа назар солиб борардим. Сал олдинроқда кетаётган бўйчан бир аёлга кўзим тушди. Танидим, Арфа. Етиб бориб қўлидан ушладим. Ўгирилиб қаради. Кайфияти йўқ. Ранги ўчган. Унинг имоси билан четроққа чиқдик:

– Бечора опам!.. – деди дўкон ортига ўтишимиз билан Арфа ўпкаси тўлиб.

– Нима бўлди? Тинчликми?

– Касалхонада, – деди йиғи аралаш.

– Қўрқитиб юбординг, шундай демайсанми.

– Аҳволи ёмон-да, қўлсиз, оёқсиз, тилсиз...

– Нима бўлди? Қачон шундай бўлди?

– Кеча.

– Ўтган куни туппа-тузук эдилар-ку.

– Қаерда кўргандинг?

– М... мен-ми? Бозорда.

– Кеча тунда. Инсульт.

– Бирор воқеа бўлганмиди?

Арфа елка қисди. Унинг кўзларига тикилиб қарадим.

– Дўхтирлар нима деяпти?

– Қаттиқ қўрқувдан шундай бўлиши мумкин эмиш. Тунда ҳожатга чиқаман десам, кичкина даҳлизчада, ошхона билан менинг хонам оралиғида йиқилиб ётган эканлар. Қўрқиб кетиб, «Тез ёрдам»ни чақирдим. Бўлган гап шу.

Кўнглимдан турли гумонлар ўтди, наҳотки Арфа... Йўғ-е, бўлиши мумкин эмас, балки Миржалол...

– Эринг келганмиди? – сўрадим кўнглимдан кечган шубҳа таъсирида.

– Ҳали қайтмайди. Энди ўн икки кун бўлди. Эрим нима қила олади қайтгани билан. Ўз ишидан бошқасини ўйламайди. Бизнес эркакларни худбин, шафқатсиз қилиб юборди.

– Аёлларни ҳам.

– Аёл барибир аёл-да, ҳиссиётнинг қули.



– Менимча, эринг шаҳарда, Арфа.

– Қўйсанг-чи. Шаҳарда деганинг нимаси? Шаҳарда бўлса, уйга келмасмиди! Мени бир кун кўрмаса...

– Ишонмайсанми? Мен уни кўрдим.

– Танийсанми эримни?

– Тахмин қиламан.

– Бошқани кўргансан. Ҳозир кўп эркаклар қорин қўйиб калтабақай бўлиб қолишган. Шаҳардаги эркакларнинг ярми менинг эримга ўхшайди. Кесиб ташланган ғўлачадай. Қиёфасиз.

– Сенга узун, қотма, зиёлисифат эркаклар ёқади-а?– сўрадим мавриди бўлмаса ҳам ишга алоқадор бирор маълумот олиш мақсадида. «Болтага ўхшаган» дейишга журъатим етмади.

Арфа индамади. Нигоҳини ердан узмаган кўйи сумкасини ковлашга тушди.

– Ма, шуни сенга олгандим, – деди алланечук маҳзун қиёфада. Кўзларида ёш ҳалқаланиб турарди. Бармоқлари учида илиниб турган тилла занжирга қарадим ва сўрадим:

– Нима учун?

– Совға.

– Эрга тегаётганим йўқ-ку.

– Тегасан-да бир кун.

– Тегсам берарсан, ҳозир олмайман.

– Текканингда балки мен бўлмасман.

– Ундай дема.

Арфа бошини шахт билан кўтарди. Кўзларида... Эҳ, ўша лаҳзада унинг кўзларини кўрсангиз эди! Ғазабми,

нафратми, илтижоми, нималигини айтолмайман, балки иложсизликдир. Йўқ, мубҳам, инсон зоти ҳали ном қўймаган бир туйғу оловдек ёниб турарди. Бошини шахт кўтарди-ю, кескин ҳаракат билан қўлидаги олтин занжирни ғужғон уриб ётган оломон томон итқитди. Сумкасини қарсиллатиб ёпди. Одамларни суриб-сургилаб шиддат билан мендан узоқлашди.

Бир туп тужжор аёллар дам менга, дам йўл четидаги каштан новдасига илиниб қолиб, ялт-юлт товланаётган олтин занжирга қарашарди. Бир йигит бўй чўзиб занжирни олди-да, менга узатди:

– Олинг, опа, керак бўлади. Тилла-ку, – деди.

Арфадан бир умрга ажралдим, деб ўйладим. Унинг ортидан бориш фойдасиз эди. Тилла занжирни қўлда осилтирганча одамлар орасидан сирғалиб чиқиб, хиёбонга ўтиб олдим.

## 25

Тунда хонамда ўтириб, бўлиб ўтган воқеаларни бир бошдан қоғозга туширдим. Қаҳрамонларимга алоҳида ўрин бериб, қуйидаги тартибда жойлаштирдим:

1. Арфа – жодугар. Бегунох. Дездемона.
2. Миржалол – мажҳул шахс. Отелло.
3. Опа – жабрдийда.
4. Болта – сирли одам. Балки Ягодир.
5. Аёл – «Тет-а-тет».

Аниқлаш керак:

1. Болта?
2. Миржалол?



3. Аёл?

Сафдан чиққанлар:

1. Арфа.
2. Опа.

Кузатув объекти – «Аммахолл».

## 26

Тонг саҳарда туриб «Аммахолл»га бордим-да, «Уй сотилади» деб ёзилган эълонни олиб ташладим. Сўнгра бозордан бир қоғозхалта бозорлик харид қилиб, шифохонага йўл олдим. Опа шифтга тикилганча, тилсиз ётарди. Фойдаси йўқлигини билсам-да, ҳол-аҳвол сўрадим. Далда берган бўлдим. Гапирмайдиган одам билан мулоқот қилишдан кўра, оғирроқ нарса йўқ экан. Опанинг кўзларигина ниманидир айтишга ҳаракат қилиб ғилтилларди. Ҳеч нарса тушунмадим. Бир оз ўтириб, чиқиб кетдим.

«Аммахолл»даги сирли ўйинларга бўлган қизиқишим изтиробга айланиб бормоқда. Бу изтироб қизиқиш устига масъулият ҳиссини ҳам юклади ва мен қатъият билан ишга киришишга аҳд қилдим. Балки қурбонликка берилган опанинг ҳолатидан қаттиқ таъсирланганимнинг ҳосиласидир бу. Ён дафтаримдаги «сафдан чиққанлар» бўлимини ўчириб ташладим. Арфа марказий фигура. Опанинг бу кўйга тушишида ундан бошқа ким айбдор. Нега аввалроқ буни ўйлаб кўрмадим. Бўлиб ўтган бор жараён бир бошдан хаёлимга тизилиб кела бошлади:

Опа мендан калитни олиб қолгач, ўша кеча Арфанинг хонасини яна очишга журъат қилолмаган. Жодугар билан тўқнаш келишдан қўрққан. Эртаси ҳам чидаган, аммо индини куни хонани очиб кирган. Бу пайтда Арфа хонада бўлмаган. Опа сирнинг тагига етиш учун кутган. Ёки бўлмаса эрталабга яқин хонага кирган, балки ярим тунда киргандир. Хуллас, ўша лаҳзада қаердандир Арфа пайдо бўлган. Қаршисида жодугарни кўрган опа қаттиқ қўрққан ва беҳуш йиқилган. Арфа уни даҳлизга судраб чиқариб, «Тез ёрдам»ни чақирган.

Менинг хулосам шу.

## 27

Эҳ, «Аммахолл», менинг жафокаш масканим! Ҳамма сирни энди сен ошкор этасан. Қандай чароғон эдинг, бир пайтлар. Менинг бепарволигим оқибатида бадқовоқ ва қўрқинчли жойга айландинг. Балки чироқларини ёқиб ўтирмаганим учун аммам билан амакимнинг арвоҳлари чирқираётгандир. Уларнинг арвоҳлари ҳаққи энди ҳаммасини фош этаман.

Ана шу ниятларни дилга жо қилиб, «Аммахолл»га кириб, беркиниб олдим-да, зарур бўлса туни билан кутишга ва шу кеча масалани бир ёқли қилишга жазм этдим.

Ўртадаги қўш деразали хона. Бу деразаларнинг даҳлизга томон очилишини айтгандим. Кузатиш учун шу жой қулай. Яшириниш, зарур бўлса қочиш учун ҳам.



Қоронғи тушди. Икки соатдирки хона бурчагидаги креслода ўтирибман. Шу кеча назаримда нимадир юз беради. Хонада қоронғилик тобора қуюқлашмоқда. Соат ўнларга яқинлашди, чамамда. Ногоҳ даҳлиз эшиги очилди. Кимдир кирди. Дераза кесакисига қапишиб турибман. Қўлимда занжирли ғўлача. Қоронғида ҳеч нарса кўринмайди. Оҳиста пайпаслаб босилган қадам товушларига қараганда, кирган киши аммамнинг ётоқхонаси томон ўтди. Хона эшигининг очилиб-ёпилгани эшитилди. Сукунатда қулфнинг шиқирлаб қулфланганини ҳам илғадим.

Хонага кирган Болта эди, тахминимча. Худди шу пайт даҳлиз эшиги иккинчи бор очилди. Яна пайпаслаб босилган қадамлар. Фарқи шуки, бу қадамлар аввалгисига нисбатан оғирроқ, залворлироқ ва бир қадар уқувсизроқ.

Буниси Миржалол, тахминладим ўзимча. Ҳа, бошқа киши бўлиши эҳтимолдан узоқ. Ахир мен бир неча марта кўрдим уни. Опа тасвирини чизиб берган одамнинг худди ўзи. Энди улар наша савдосига киришадилар. Кокаиндир, героиндир, марихуанадир, хуллас, «оқ ажал» савдоси.

Орадан бир неча дақиқа ўтди. Қадам товушлари тинган. Нимадир шиғирлагандай бўлди. Қумқоғозни темирга ишқалагандай. Нафасимни ичимга ютиб кутдим. Нимадир оғир ғичирлади. Лоп этиб даҳлизга узун, тўртбурчак шаклида ёруғлик тушди-ю, бирдан сўнди. Қулф тилининг «шилқ» этиб айлангани эшитилди. Балки менга шундай туюлгандир. Бағлан бутун вужуд қулоққа айланганда сезгилар алдайди ҳам.

## 28

Бурчакда биқиниб турарканман, бир нарса мени таажжублантирарди: нега бу бойвачча одамлар айнан аммамнинг хонасига жойлашиб олишди экан? Уйда ундан бошқа яна тўртта хона бор, ошхона, иккита даҳлиз, ванна ва хожатхона бор. Бу қадимий тош деворлар катта бир хазинани бағрида босиб ётибдими ё? Аммам уйни қурдирган Симхо исмли яҳудий бойи тўғрисида гапириб бергандилар…

Шошилинч босилган қадам товушлари хаёлимни бўлди. Хонани тасарруфига олганлардан бири – кейин киргани бўлса керак – қоронғи даҳлизда туртиниб-суртиниб бўлса-да, югурганча ташқарига отилди. Афтидан жуда шошиларди у. Беркинган бурчагимни тарк этиб, орқасидан чиқдим. Чорпаҳил бир одам йўлакдан пилдираганча югуриб борарди. Ариқдан сакрашга ҳозирланди. Тиззаларини букиб, қўлларини орқага чўзди. Худди шу пайт «Шарора» ресторани ҳовлисидан чиқаётган машина фараларининг кучли ёруғи унинг кўзига тушди. Сувнинг шалоплагани эшитилди. «Туф-э, лаънати!» ғўлдиради шарпа. Энди мен уни биринчи марта аниқ кўрган ва опа шаклу шамойилини чизиб берган одамни таниб қолгандим. Аммо мақсадини англолмадим. Нега у бунчалик шошаяпти? Нима сабабдан унинг ташрифи бу қадар қисқа бўлди?

Қайтиб уйга кирдим. Қоронғида пайпаслаб, девор бўйлаб силжиганча аммамнинг хонаси олдига бордим-у, ногоҳ хаёлимга даҳшатли фикр келди: «Болтани ўлдириб кетган бўлса-я!»



Вужудимга титроқ кирди. Қўрқув ичра туткичга қўл чўздим, аммо уни тортиб очолмадим. Тиззаларим букилиб, мадорим кетиб бораётганини хис қилдим. Хона ўртасида қонга беланиб ётган, боши мажақланган, кўзлари косасидан чиқиб кетган даҳшатли мурда кўзимга кўриниб, хушимни йўқотаёздим.

## 30

Юзимга тун салқини урилди. Хиёбондан кетиб борардим. Қотиллик юз берган жойда йиқилиб қолмаганимга шукур қиламан. Ўзимда қандай куч топдим? Қандай қилиб уйдан чиқиб кетдим, буни аниқ айтолмайман.

Кеч уйғондим. Кун пешиндан оғганди. Ғафлат босиб жуда қаттиқ ухлабман. Сира бундай бўлмасди. Ўрнимдан туриб ойнага қараганимда рангим қув ўчган, лабларимга учуқ тошганди. Муздек сувда ювиниб, бир оз ўзимга келдим. Қайноқ кофе ичиб, анча хотиржам тортдим. Кеча тунда қаттиқ қўрққаним энди ўзимга эришроқ туюлди. Мулоҳаза қилдим: ҳеч ким дод солмади, инграмади, ўқ отилмади.Ниманингдир оғир ғичирлаганини ҳисобга олмаганда, бошқа товуш эшитилмади. Балки бу қоронғи хонада узоқ вақт ўтириш, шарпаларга бутун вужуд билан қулоқ тутиш, зулумот қаърига қаттиқ тикилиб қараш, миянинг зўриқиб ишлашидан толиққан асаблар исёни бўлса керак. Балки ана шу жараёнлар туфайли қотиллик юз берди, деб қўрқиб кетгандирман.

Далага чиқиб очиқ ҳавода анчагача сайр қилдим. Тоза ҳаво таъсирида очиққаним билинди. Тамадди

қилиб олиш ниятида яқин орадаги емакхона томон юрдиму қўлимда сумкачам йўқлиги эсимга тушди. Бор бойлигим ўшанинг ичида. Арфанинг тилла занжири, меҳнат таътили учун олган маошим, калитлар ва бошқа майда-чуйдалар. Демак, уй очиқ, бормасликнинг иложи йўқ.

Ички ишлар бўлимига хабар қилиб, ҳар эҳтимолга қарши милиция ходими билан бирга борсаммикин, деган ўй ҳам кўнглимдан ўтди. Аммо бунинг учун орқага қайтиш, «Почта» бекатидан автобусга ўтириб, «Нефтразведка» мавзесигача бориш зарур эди. Йўлдан қайтмадим.

## 31

Эшик ланг очиқ. Узоқдан кўрибоқ юрагим «шиғ» этиб кетди. Хавф-хатарни ҳам унутиб, кеча ўзим бициниб ўтирган хонага кирдим. Сумкачам кресло устида ётарди. Пул ҳам, тилло занжир ҳам жойида. Калитни аммамнинг хонаси олдидан, остона тагидан топдим. Бу воқеалар мени бир қадар чалғитгани учунми, сира иккиланмай эшикни очиб, ичкарига кирдим. Хонада осойишталик. Каравот ботартиб йиғиштирилган, гулдор чойшаб, ёстиқ ўз жойида. Гилам устида мурда ҳам, қон изи ҳам йўқ. Тувакдаги сунъий гул – олеандр ҳам «яшнаб» турибди.

Каравот четига омонатгина ўтирдим. Деразадан қора матоҳни юлқиб олиб, эшик деразани очиб юбориб, хонани шамоллатгим, супургим, тозалагим, ҳамма нарсани қоқиб силкигим, чангларни артиб, чиннидек



тоза қилиб қўйгим келди. Биз, аёлларда шундай истак баъзан ҳаётий заруратга айланади. Токи шундай қилмагунча кўнглимиз жойига тушмайди. Шундай қиламан, деб қатъият билан ўрнимдан турдим. Бир зарб билан қора матоҳни деразадан юлқиб олдим. Хона қуёш нурларидан ёришиб кетди. Челакни олиб, сувга югурдим. Сув жимирлаб оқар, ариқ тубида бир тўда майда сополсимон тошчалар ҳамон уюлиб ётарди. Тошлар, асосан, бир жойда тўплангани диққатимни тортди. Худди биров бошқа жойдан олиб келиб тўккандай. Сув тагида майин қорамтир қум, бунақа ғўрашакли оқиш-сарғиш, қўнғир тошчалар бошқа ҳеч қаерда кўринмайди. Уларнинг бир қисмини сув оқизиб кетиб, ўзан бўйлаб икки-уч қадам масофага яйратган, узоқ муддат давомида текислаб ётқизиқ ҳосил қилган. Шундай бўлса-да, бу тошчаларнинг бегоналиги сезилиб турарди. Кеч кирмай хоналарни супуриб-сидириш истаги устун келди.

Деворлардаги чангларни артиш, деразани қоплаб олган ўргимчак инларини олиб ташлаш керак. Ишни нимадан бошласам экан, деб яна каравот четига ўтирдим. Худди шу пайт жуда узоқдан нозик, ингичка ва нафис куй эшитилиб қолди. Қулоқ тутдим. Шириngина, енгилгина европача мусиқа. Йўлнинг нариги бетидаги «Шарора» ресторанидан келаётган бўлса керак, деб ўйладим ва супургини топиб келиш учун даҳлизга чиқдим. Қайтиб хонага кирганимда гилам устида узала тушган сояни кўриб қўрқиб кетдим. Соя бирдан йиғиштириниб дераза рапига қўнди. Милиция

формасидаги ёшгина йигит кафти билан дераза токчасига таяниб, ичкарига мўралади:

– Зибижҳаво Қодировна сиз бўласизми?

– Ҳа, менман, – жавоб қилдим шошилиб.

– Мумкинми, бир минутга...

– Киринг.

– Йўқ. Мен билан ички ишлар бўлимига юрсангиз.

– Нима учун? Сиз ким бўласиз ўзи?

– Узр. Таништирмабман. Иш кўп. Тун бўйи оёқдаман. Мана, ҳужжатим. ИИБ жиноят-қидирув бўлимидан капитан Масъуд Султонов.

– Тинчликми, ўзи?

– Ташвишланманг, битта масалага озгина аниқлик киритиш зарур бўлиб қолди.

## 32

– Ўтиринг, – таклиф қилди милиция подполковниги Луқмон Раҳматов. – Аҳволлар нечук?

– Бир нави. Раҳмат эътиборингиз учун.

– Заргарон кўчасидаги 47-уй сизга тегишлими?

– Аммамники эди, менга мерос.

– Меросга муносабатингиз яхши эмас. Уй ташландиқ ҳолда, ўзингиз биласиз, ҳозир ёвуз ниятли кишилар кўпайган. Эгасиз уйлар эса, улар учун айни муддао.

– Бугун тартибга келтираётгандим, капитан... бориб...

– Унинг ортидаги бино-чи?

– Бошқа кишиники.



– Биламан. Сизнинг ўша бинодаги кишилар билан қандай алоқангиз бор?

– Нимайди? Дугонам бўлади хотини?

– Кимнинг хотини?

– Миржалолнинг.

– Охирги марта Арфани қачон, қаерда кўргансиз?

– Уч кун аввал. Уйида. Айтгандай, охирги марта бозорда кўрган эканман. Кўчма бозорда.

– Арфа қандай ҳолатда эди ўша куни?

– Ўртоқ бошлиқ... – деб дудуқланиб қолдим. Бундай пайтда милиция ходимларининг исмини айтиш керакми ёки унвонини айтиб муомала қилиш керакми, буни билмасдим. Умримда биринчи марта милиция идорасига киришим эди. Тўғриси, кўнглимга аллақандай ҳовур тушгач, ички бир нидо: «Тилингдан тутилиб қолма», деб эҳтиёткорликка ва муҳофазага ундарди.

– Ҳозирча Луқмон ака, деб мурожаат қилаверсангиз ҳам бўлади. Расмиятчилик қилиб ўтирмаймиз. Арфа ўшанда қандай ҳолатда эди?

– Асабийлашганди.

– Нега? Сабаб?

– Совғасини олмагандим.

– Одатда, совғани хурсандчилик билан олишади.

– Жуда қимматбаҳо эди.

Подполковникнинг лабларида билинар-билинмас табассум зуҳур этди.

– Кейин нима бўлди?

– Арфа асабийлашиб, кетиб қолди.

– Совғани рад этишингизнинг асосий сабаби унинг қимматбаҳолигидами ёки бошқа бирор сабаб ҳам борми?

– Аввал унга нима бўлганлигини айтсангиз.

– Айтаман, Арфа дом-дараксиз йўқолган.

Беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим. Нохуш бир нарсани сезгандай кайфиятим тушиб, ўзимни ёмон ҳис қила бошладим ва бўғимларим бўшашиб кетиб, ўрнимга ўтириб қолдим. Кейинги кунлар ичида бўлиб ўтган воқеалар кўз ўнгимда гавдалана бошлади.

– Бугунча дам олинг, – деди Луқмон Раҳматов хушмуомалалик билан, – шаҳардан чиқиб кетманг. Акс ҳолда, сизни шу ерда ушлаб туришга мажбур бўламиз.

Бошлиқ ҳибсда демаган бўлса ҳам бу даҳшатли калом миямга бамисоли яшиндек урилди. Ўрнимдан турарканман, «тирикми ўзи» деб сўрадим. Тилим аранг калимага келиб.

– Сизни чақиришдан ҳам мақсад шунга аниқлик киритиш, – жавоб қилди подполковник Луқмон Раҳматов.

## 32

Капитан Масъуд мени кузатиб қўяркан, бу оқшом қаерда тунашимни сўради. Меҳмонхонага боришимни эшитиб маъқуллади ва эрта соат тўққизу нольнолда ИИБга келишим зарурлигини уқтирди. «Мана сенга саргузашт, мана сенга детектив!» дедим йўлга чиққач. Овозсиз айтилган бу ҳайқириқлар алам



ва изтиробга қоришганди. Милиция ходимларини шубҳалантирмаслик учун «Аммахолл»га ҳам, Арфаникига ҳам бормай, тўғри меҳмонхонага йўл олдим. Эртага нима деб жавоб беришимни ўйлаб кўришим керак. Арфа қаерга йўқолган бўлиши мумкин? Нега уни милиция қидираяпти? Балки опанинг беморлиги туфайлидир? Опа соғмикан ўзи?

Хаёлимда чарх ураётган саволлар тун бўйи уйқу бермади. Воқеаларнинг бундай бошқа ўзанга кириб кетишини сира кутмагандим. «Эҳ, Зибиж! – дедим ўзимга ўзим, – тинчгина юрсанг ўлармидинг!»

Тўсатдан яшин чақнагандай ярқ этиб, фикрим ёришди. Арфа жодугар-ку! Қаерга йўқоларди у? Истаса бир ой ҳам оддий одамларга, жумладан, милицияга ҳам кўринмаслик қўлидан келади. Бу топилдиқ аллалади мени. Эртага бўладиган сўроқларнинг барчасига жавоб топгандим. Тинчгина уйқуга кетдим.

## 33

Айтилган муддатдан бироз эртароқ бориб, ўша подполковникнинг эшиги ёнида тўхтадим. Соат роса тўққиз бўлгач, ичкарига киришга рухсат сўрадим. Ёшгина лейтенант йигит мени бошқа хонага бошлаб борди. Хонанинг бир четида капитан Масъуд қоғоз титкилаб ўтирар, иккинчи четида котиба қиз машинкада ёзарди. Яхши кайфият ва очиқ юз билан рўпарамдаги йигитни кўздан кечирдим. Кўнглим тўқ. Арфа ҳақидаги асосий гапни айтаман.

– Исмингиз дунёда фақат битта бўлса керак, – деди капитан Масъуд дабдурустдан. – Зибижҳаво. Ҳеч

бунақасини эшитмагандим. Кўнглингизга олманг, жуда чиройли исм, менга ёқди.

– Замонавий эмас-да фақат. Баъзан шу боис хижолат чекаман. Онам раҳматли диндор аёл эдилар.

– Бирор диний қаҳрамоннинг исми бўлса керак-да?

– Ҳа, бу ҳақда афсона бор.

– Майли, бу тўғрида кейинроқ гаплашамиз, ўша афсонани айтиб берасиз. Энди ишга киришайлик. Сиз Шамсия холани танирмидингиз?

– Эшитмаганман бунақа кишини.

– Тўғрисини айтаверинг, у киши ҳозир шифохонада фалаж бўлиб ётибди.

– Э, опанимми? Танийман. Исмлари Шамсия эканда, билмагандим. – Кўзларимга қаттиқ тикилди капитан. – Гапим рост.

– Шамсия опанинг бундай ҳолатга тушишига сабаб нима деб ўйлайсиз?

– Қўрқув.

– Нимадан қўрққан?

– Жодугардан.

Капитан Масъуднинг мўйлаби қимирлаб кетди. Кулгисини яшириш учунми, бармоқ учи билан энди сабза ура бошлаган мўйлаби орасидаги холни тирнай бошлади.

– Мен жиддий сўраяпман.

– Жиддий. Жодугардан қўрққани аниқ.

– Ким экан ўша жодугар?

– Арфа.



– Арфа жодугар денг... – деди капитан бироз аччиқ билан. – Қадрдон дугонангиз тўғрисида шундай фикрга бориш...

– Менга ноқулай албатта, лекин аслида шундай бўлса нима қилай. Ёлғон айтиб сизни алдашим, «Арфа жодугар эмас» дейишим керакми? Бечора дугонам. Уни ўйлаб тунлар ухлолмай чиқаман. У хонасига кириб кетиб, йўқолиб қоладиган одат чиқарган.

Шу гапдан сўнг капитан Масъуд иккаламиз ҳам ёш бола эмаслигимизни, инсон тақдирига енгил-елпи қараш катта хатоларга олиб боришини тушунтираркан, бўлиб ўтган воқеани батафсил гапириб бериш лозимлигини англадим. Шундан сўнг суҳбатимиз қуйидагича давом этди:

– Демак, Арфа жодугарлик қилиб, хонанинг бирор бурчагида кўзга кўринмай ўтирибди, деган фикрдасизда?

– Бошқа нарсага ақлим етмаганидан шундай фикрга келдим. Ўз кўзим билан кўрмаганимда бошқа гап эди. Аслида жин-ажиналарга ишонмайман. Сиз ўзингиз Арфанинг уйига борганмисиз? Унинг хонасини кўздан кечирганмисиз?

– Кечадан бери қидирамиз. Шундай экан, шубҳасиз, қидирувни унинг уйидан, хонасидан бошлаганмиз.

– Хонаси берк бўлиши керак эди.

– Берк эди, очдик. Сиз ясатган калит билан. Калит бўлмаганда ҳам қулфни очишнинг йўллари кўп.

Суҳбатимиз шу жойга келганда эшик очилиб, лейтенант формасидаги сариқ соч, узун бўйли бир йигит киришга рухсат сўради.

– Миржалол ҳозиргина жон берди, – деди лейтенант. – Медицина хулосасига кўра, бош мия қаттиқ лат еган, ичи эзилган, кўп қон йўқотган.

Лейтенант гапдан тўхтаб, менга қараб қўйди.

– Гапираверинг, бу киши ҳам шу иш юзасидан чақирилган, – деди капитан.

– Миржалол Самибоевнинг автомобиль ҳалокатига учраш сабаблари аниқланди. Жуда шошилинч тарзда Мираки шаҳарчасига борган. У ердан Собит Абдиевни топган. Чамаси соат ўн бир яримларда. Унга: «Юр, энди синглингни ҳолини кўр, гапимга ишонмай мени калтаклагандинг. Ўтир машинага бирга борамиз, синглинг ўйнаши билан бир тўшакда ётибди», деб зуғум қилган, аммо Собитнинг важоҳатини кўриб, машинасига ўтирган-у, ёв қувгандай шиддат билан ҳайдаб кетган.

– Миржалол ҳушига келмай жон бердими?

– Келди, ўртоқ капитан. Мен палатада эдим. Кўзини бир очди-ю, тамшана бошлади, гапирмоқчи бўларди, афтидан. Сўнгра бирдан тилга кирди: «О-ле... О-леее», деди икки марта. Сўнгра аниқ қилиб: «Гул! Гул! Тезроқ! Оле-андр! Тезр-оқ!» дедию хириллаб жимиб қолди. Бу пайтда ёнида бўлган қариндошларидан бири гул олиб келиш учун ташқарига отилди. Миржалол бошқа бир оғиз ҳам гапирмади. Қариндоши хонага бир даста гул кўтариб кирганда унинг жони узилганди. Ўлим олдидан гул сўраш, яна олеандр... Шубҳасиз муҳим бир сирни айтмоқчи бўлди. Гул билан боғлиқ...



– Гул! Гул! – қичқириб юбордим ўзимни тутолмай. Ногоҳ чўчиб уйқудан уйғониб кетгандай. Овозимдаги оҳанг ғайритабиий туюлдими, иккала йигит ҳам бараварига менга қарашди.

– Олеандр! Олеандр! – дедим нафасим тиқилиб. – Тезроқ! Олеандр! Мен биламан!

– Сизга нима бўлди? – дея елкамдан суяди капитан Масъуд. – Сув келтиринг!

## 34

– Олеандр! Тезроқ!.. – қичқирдим эшик томон талпиниб. – Тезроқ!!!

Олдин-кетин югурганча ҳовлига чиқдик. Лейтенант рулга ўтирди.

– Аммахоллга!

– Қаерга? – сўради лейтенант тушунмай.

Капитан ҳам менга савол назари билан ўгирилиб қаради.

– Заргарон-47 – дедим дарҳол бу ерда ўзимдан бўлак ҳеч ким «Аммахолл»ни билмаслиги ёдимга тушиб.

Машина шиддат билан олдинга интилди. Олеандр ўсиб турган гул тувак барча сирларнинг калити эканлигини ички ҳиссиёт билан англагандим. Аммо айнан бу фожиалар билан олеандр ўртасида қандай боғланиш борлигини аниқ тасаввур этолмас, зўр бериб шу ҳақда ўйлардим. Гултувак билан дераза оралиғида турган темир-арматура бўлаги... европача мусиқа...

Аввал қаерда эшитгандим уни? Қаерда?.. Миям шиддат билан ишларди, ўша лаҳзада.

– Қаранг, ўртоқ капитан, ўлим қанчалар сирли куч. Инсон табиати ҳам қизиқ. Уч кундан бери ҳушсиз ётган киши «Олеандр», «гул» деган икки оғиз сўзни айтиш учун ҳушига келди. Тезроқ гул келтиришни талаб қилдими? Нега гул? Нима учун айнан олеандр гули?..

Капитан ўз хаёллари билан банд эдими ёки лейтенант ҳозиргина айтган гапларни мушоҳада этардими, индамай, ўйчан қиёфада, олдинга тикилган кўйи кетиб борарди. Бир пайт мендан сўраб қолди:

– Сизга нима бўлди? Нега инграяпсиз?

– Мусиқа... Европача мусиқа. Ахир мен уни меҳмонхонада эшитгандим. Электрон соат мусиқаси. Болтанинг соати! Кейин ўша аммамнинг хонасида ҳам эшитдим. Аммо у ерда Болта йўқ эди. Уҳ, нега бирдан хаёлимга келмади?!

Машина нақ зина тагида тўхтади. Югурганча ичкарига кирдик.

– Мана, олеандр!

Йигитлар фикримни англамай дам менга, дам гулга қарашади. Тушунтиришга ҳам сабрим чидамай, бор кучим билан тувакка ёпишдим. «Очинг», «Йиқитинг» дея қичқира бошладим. Гултувак ўрнидан қимирламасди. Капитан бир тепиб дераза рапига тираб қўйилган арматурани учириб юборди ва гултувакни тортганди, олеандр ерга эгилиб унинг тагидан қорайиб турган чуқурлик кўринди ва даҳшатли манзара намоён бўлди.

Пол остидаги чуқурликда тўзғиб, ёйилиб қоп-қора бир нарса ётарди ва у ердан рутубат анқирди.



– Арфа, дугонажон! – деганча чинқириб, ўзимни чуқурга отдим. Йигитлар ҳушёрлик қилиб ушлаб қолишмаганда билмадим нима бўларди.

– Уни қутқаринглар! – қичқирдим жон ҳолатда. Шусиз ҳам йигитлар зудлик билан ишга киришиб кетишган, қоринлари билан ерга ётганча бири Арфанинг кўйлагидан, иккинчиси қўлтиғидан олиб юқорига томон бор кучлари билан тортишарди. Гултувак қалин қопқоққа михланган, қопқоқнинг бир чети тахта полга часпак билан бирлаштирилганди.

Арфани чиқариб олиб, гилам устига ётқизишди. Ҳаёт асари кўринмасди, унинг юзида. Бурнининг учи, лаблари кўкара бошлаган, бармоқлари қон, тирноқлари синган, шилинган қўлларида қон изи. Арфанинг этагини тортиб, очилиб қолган баданини ёпдим-у, ўзимни унинг устига отиб, ҳўнграб йиғлай бошладим. Арфа қилт этмасди. Кўзлари... унинг кўзлари... шу ҳолатда ҳам ғоят сулув эди у.

– Пастда яна биттаси бор! – деди лейтенант пол тагига эгилиб қараб, – эркак киши.

– Тушинг, лейтенант! – буйруқ қилди капитан Масъуд.

– Хўп бўлади! – жавоб қилди лейтенант ва қўллари билан ерга таянганча, чуқурликка туша бошлади.

Ер ости йўлаги зах ва тор эди. Лейтенант Болтанинг икки қўлтиғидан олиб, оз-оздан ортига тисарилганча қийинчилик билан чуқур оғзигача судраб келди. Капитан Масъуд оқ чойшабни каравотдан сидириб олиб, пастга узатди.

Мен Арфа билан овора эдим. Уни юлқилаб, юзларини ишқалаб, қўлларини кўтариб-тушириб сунъий нафас олдиришга уринардим.

– Оғзидан ҳаво беринг! – буюрди капитан икки қўллаб зўриққанча чойшабни тортаркан.

Лейтенант энди пастда туриб, Болтанинг оёқларини қучоқлаб кўтарганча, юқорига томон сурарди. Ниҳоят Болтани ҳам гиламга ётқизишди. Унинг юзи бутунлай кўкариб кетганди. Мен оҳ уриб, бошимни яна Арфанинг кўксига қўйдим. Шунда унинг бўйин томири қилт этиб кетгандай бўлди. Ним очиқ лабларида билинар-билинмас тириклик эпкини бордай. Бир сония нафасимни ичга ютиб, қулоқ солдим.

– Тирик!

Бор ғайратимни ишга солиб, унинг қўлларини ҳаракатлантирар, кўкрагидан босар ва дам ўтмай лабларига оғзимни қўйиб, нафас юборардим. Арфа хўрсингандай бўлди, пишқириб юборди ва оғир-оғир нафас ола бошлади. Юзида билинар-билинмас қизиллик пайдо бўлди. Нафис тери остидан қизиллик бутун юзига ёйила бошлади. Ингради. Киприклари пирпираб кетди.

Ўлим Арфани қайтариб берди, аммо йигитлар қанчалик уринишмасин ўлим Болтани тириклар ихтиёрига топширишдан қатъиян бош тортди. Болта ўлганди. Арфанинг катта-катта очилган кўзларида ҳайрат ва таажжуб акси.

– Арфа, дугонажон, тириксан! Яшайсан!

Унинг лаблари ҳаракатга келди. Қалингина ва, айни пайтда, ёш гўдакларникидай юмшоқ эди, унинг лаблари:



– Зиби-ижж... олмади-инг...

– Олдим, Арфа, совғангни олдим!

Олдинма-кетин икки машина зина олдига келиб тўхтади. Йигитлар керакли жойларга телефон қилиб, барча зарур тадбирларни белгилашганди. Медицина экспертизаси ҳаво етишмаслиги оқибатида Болтанинг жони ярим соатлар аввал узилган, деб хулоса берди. Бир дам оғир сукунат чўкди ва шу лаҳзада мен номини билмайдиган майингина европача куй янгради. Соат ўн икки бўлганди. Қаттиқ ҳаяжонланган Арфа жойида илондай тўлғана бошлади. Уларнинг иккаласини ҳам алоҳида-алоҳида машиналарда олиб кетишди. Жасадни олиб чиқишаётганда олдини тўсишга қанчалик ҳаракат қилмай, Арфа ҳаммасини англади. Қучоғимдан чиқишга уринди. Кучи етмади ва бўйнимдан маҳкам қучоқлаб, боласидан ажралган она бўридай ув тортиб юборди. «Бевафо» деди бироздан кейин алам билан. Нариги дунёга Болтанинг ёлғиз ўзи кетганига, севгилисини олиб кетмаганига ишора эди бу.

Бошқа йиғламади, биздан ҳеч нарса сўрамади ҳам, нима десак раъйимизга сўзсиз кўнди. Гўё вужуднинг энг ширин бир гўшасида авайлаб сақлаб келинаётган муқаддас бир нарса чил-чил синган ва яширин гўша бўм-бўш бўлиб, ҳувуллаб қолганди.

## 35

Кунлар бир маромда ўтар, терговлар, текширувлар, сўроқлар давом этарди. Шамсия опа ҳам қазо қилди. Арфа эса, ҳам эридан, ҳам севгилисидан ажралганди.

Яшаш ғоят оғир санъат. Аммо қанчалик қийин бўлмасин ҳаёт майдан бир қултум бўлса ҳам тотиш иштиёқи инсонни яшашга ундайди. Ана шу иштиёқ йўлида одам боласи Тантал ва Сезиф азобини писанд этмай яшайди.

Арфа ҳам аста-секин аввалги аслига қайтиб, яна тирикчилик ташвишларини бошлаб юборган. Вақтлар ўтиб балки кўнгил яраси ҳам битиб кетар, балки муҳаббат ҳам янгиланар, аммо виждони олдида мендек қийналмас.

Капитан Масъуднинг сўроқларига жавоб берарканман, шу тўғрида ўйлайман. Агар ақлимни ишга солиб, детектив романлар таъсирида ўзимни гўё мисс Марпл сезиб ҳаракат қилмаганимда ва зудлик билан ички ишлар бўлимига хабар берганимда балки Болта ҳам, Шамсия опа ва Миржалол ҳам тирик қолган бўлишармиди…

– Олеандр туваги остида ер ости йўлаги борлиги ва бу узунлиги тўрт метр қирқ беш сантиметрли йўлак аммангизнинг хонаси билан Арфанинг хонасини туташтириб туриши сизга маълуммиди? – сўради капитан. – Йўлак аввалдан бормиди демоқчиман.

– Мен шу уйда улғайганман, – дедим унинг кўзларига тик қараб, – гул ҳам, йўлак ҳам йўқ эди. Ҳаммаси кейин қилинган. Ариқ ўзанидаги қумлар, тошлар…

– Эътибор қилганмисиз ўша ғўрашакли тошларга? Болта узун тунлар еростидан лаҳм қазиб, тупроғини ариққа чиқариб тўккан демоқчимисиз? Фикрингиз тўғри. Ариқдаги сополсимон бирикмали тошчалар бир



жойдан келтириб тўкилганлиги аниқ кўриниб турибди. Сув тупроқни ювиб кетган-у, тошлар чўкиб қолган. Чунки ариқда сув оқими кучсиз, сокин оқади. Ҳеч қандай экспертизасиз ҳам бу нарса маълум.

Жуда пухта ўйланган иш. Бизнинг овлоқ шаҳримизда бу энг маъқул йўл. Чунки бу ерда деярли ҳамма бир-бирини танийди. Айниқса, Миржалол, Арфа каби бадавлат кишилар отнинг қашқасидек маълум. Шундай экан, Болта учрашувнинг бошқа йўлини қилолмасди. Менимча, йўлни қазишда Арфа ҳам кўмаклашган. У Болтага хонасининг аниқ координатларини берган. Товуш эшитилмаслиги, зах ҳиди чиқмаслиги учун ер ости йўлининг ҳар иккала қопқоғи остига ҳам қалин кигиз уриб михланган. Шундай қилинмаганда ҳам балки яна бир неча соат… Болта ҳам тирик қолиши мумкин эди демоқчиман. Ҳар ҳолда ер ости йўлагининг ҳавоси икки кишига уч кунга етмасди. Демак, олеандр туваги остидан игнанинг кўзича бўлса ҳам ҳаво кириб турадиган жой бўлган. Шуни билиб, Болта ўзи пастга тушиб, Арфани қопқоқнинг нақ тагида ушлаб турган.

– Бечора Болта, – дедим унинг фидойилигига астойдил ачиниб.

Арфанинг гувоҳлик беришича, улар ер ости йўлагидан етти ой мобайнида фойдаланишган. Аммангизнинг хонасида етти ой мобайнида ёлғиз қолиб, ҳеч қандай хавф-хатарни ўйламай, висол лаззатидан баҳраманд бўлишган. Шуларни гапириб бераётганда Арфанинг нигоҳида тақдирдан розилик, ҳатто қувончга ўхшаш бир ифодани пайқадим.

– Ҳа, соғлиғи яхши, хабар олиб турибман. Дўхтирлар фарзанд кўришини айтишибди.

– Арфанинг айтишига қараганда, Болта ёшлигидан уни севаркан. Арфа Миржалолга турмушга чиққандан кейин ҳам улар бир-икки учрашиб туришган. Ниманингдир ҳидини пайқаган Миржалол хотинини қаттиқ рашк қила бошлаган ва унинг ота-онаси билан кўп марта «сен-мен»га бориб қолган. Яккаю ягона синглисини маъбудадай кўриб, севиб ардоқлаб юрган Собит бунга чидолмай, вақти-вақти билан Миржалолнинг таъзирини бериб турган. «Аввал кўзинг билан кўр, ушлаб ол, ундан кейин ноғора чалсанг ярашади», деб рашкчи куёвини қайириб ташлайверган. Шундан сўнг Миржалол Шаҳрисабзда, ўша сизнинг «Аммахолл»ингизнинг орқа тарафида, «дом» ва ҳовлилардан ҳолироқ жойда уй қурдирган-у, хотинини олиб, шартта кўчиб келган.

– Ундай бўлса Арфанинг ортидан Шаҳрисабзга келган Болтани нега ишга олган?

– Билмаган, Болтани танимаган. Ақлли, қобилиятли, ишчан Болта Мижалолнинг ёрдамчиси бўлиб, ишга жойлашиб олган.

– Буни мен ҳам пайқагандим. Меҳмонхонада уйни савдолашиб, ўн-ўн беш дақиқа гаплашгандик. Менда катта таассурот қолдирганди. Умуман, унда кишини ром қилувчи телепатияга ўхшаш нимадир бор эди.

Капитан Масъуд менга синовчан назар ташлади.

– Кўнглимда борини айтиб ўрганганман... – дедим бироз хижолат тортиб. Капитан ўз хулосасида давом этди:



Болта шу ерда ҳам мантиқий тўғри хулоса асосида иш тутган. Миржалолнинг ишончига кириб, бирга ишласа, биринчидан, яхши маош олади, иккинчидан, вақт-бевақт Арфа билан учрашиш, ҳеч бўлмаганда, уни кўриб туриш имконига эга бўлади. Учинчидан, Миржалол ундан шубҳаланмайди. Арфа эҳтиётсизлик қилмаганда уларнинг учрашувлари балки узоқроқ давом этиши ҳам мумкин эди. Аммо хотинининг ўзини тутишидан шубҳаланган Миржалол бир неча бор «командировкага кетдим» деб аслида ҳеч қаерга бормаган. Шаҳарда қолиб, Арфани пойлаган. Аёлнинг хонасига кириб кетиб йўқолиб қолишини пайқагандан кейин Айрапет чолга калит ясатган. Хотинининг хонасини тадқиқ қилиб, кийим жавони остидаги туйнукни топган-у, ҳаммасига тушунган. Ер ости йўлагида унинг ҳам излари борлигини аниқладик. Афсуски, ошиқ-маъшуқлар висол лаззатидан маст бўлиб буни пайқашмаган. Миржалол йўлакдан бориб нақ улар суҳбат қурадиган хона поли тагида ўтирган. Аммо фақат бир марта шундай қилган. Мен изларга қараб шундай хулосага келдим.

У кузатувни пухта қилган. Рақибининг кимлигини аниқлаган. Бунинг учун бир неча бор девор бурчагида туриб пойлаган, Болтанинг қай вақт келиб кетиши, хонада қанча муддат бўлиши, ер ости йўлагидан Арфани олиб келгунга қадар қанча вақт сарфланишигача ҳаммасини ҳисоб-китоб қилган. Сизнинг кузатувларингиз ҳам худди шу даврга, яъни Миржалол Болтанинг ортидан пойлаб турган даврга тўғри келган.

– Бечора Болта... – дедим астойдил афсусланиб.

– Ошиқлик Болтанинг ҳушёрлигини сусайтирган. Арфадан бўлак ҳеч нарсани ўйламай қўйган. Энди ақл билан эмас, юрак даъвати билан иш тута бошлаган.

– Автомобиль ҳалокати бўлмаганда...

– Ҳа, воқеалар бошқа йўналишдан кетган бўларди. Медицина хулосасига кўра ўша оқшом Миржалол ҳаяжонда бўлган. Бундай ҳолатда машинани бошқариш, бунинг устига жуда катта тезликда ҳайдаш мумкин эмаслигини тасдиқлади экспертиза. Собитнинг олдига бориб қайтишда ер ости йўлагида ётган тутқунларга ҳаво етишмай қолиши ва улар ҳалок бўлишини ҳам ўйлаган бўлиши эҳтимоли бор. Шунинг учун ҳам ўлими олдидан уларни қутқаришга бизни ундади. Ўла туриб сўнгги имкониятларини тўплаб, ўша сўзларни айтган. «Олеандр», «Гул», «Тезроқ» ўлим шу уч сўзни айтишга имкон берган. Балки бу ўлим деган сирли кучнинг инсон боласига энг сўнгги лаҳзада кўрсатган шафқатидир.

– Ўлим шафқат қилса ҳам баъзида инсонлар бирбирларига шафқат қилмайдилар.

– Лекин Миржалол уларни ўлдиришни мутлақо хаёлига келтирмаган. Ер ости йўлагининг ҳар иккала томонини беркитаман-у, Миракига бориб Собитни олиб келаман, кўрсатаман, ҳақлигимни исботлайман, деб ўйлаган.

– Ишни аввал қайси томондан бошлаган?

– Буни аниқладик. Арфанинг хонасидаги жавон атрофида сув томчиларидан ҳосил бўлган доғларни



кўриб, «Аммахолл» ёнидаги ариқ қирғоқларини кўздан кечирдик. Миржалол ариқдан ўтаман, деб шошилинчда сувга тушиб кетган шекилли, ариқ бўйидаги ўтлар пайҳон қилинган, йўлакка лой сачраган, оёқ излари ҳам бор. Демак, Миржалол аввал олеандр билан дераза рапи орасига арматурани мустаҳкам қилиб тираб қўйган-у, зудлик билан ортига қайтиб келиб, Арфанинг хонасидаги кийим жавонини бир қарича силжитган. Шунинг ўзи қопқоқни маҳкам босиб қолишга кифоя қилган. Жавон ҳам худди шундай ишлар учун мўлжаллангандай оёқсиз, тагидаги қалин тахта полга ёпишиб турибди, михланмаган. Пастдан туриб ҳеч қандай қийинчиликсиз очиш мумкин. Ер ости йўлагининг қопқоғи ҳам жавоннинг ўлчамига мос. Хонанинг поли қалин «бешлик» тахтадан ясалган бўлишига қарамай, Болта уни пастдан туриб қўлда ясалган махсус ғилдирак тишли арра билан кесишга муваффақ бўлган.

Ер ости тутқунлари ўлим талвасасида ўзларини ҳар томонга уришган, қичқириб ёрдам сўрашган, қопқоқларни очишга уриниб, кўп куч сарфлашган. Эътибор қилган бўлсангиз, Болтанинг бир оёғида бошмоғи йўқ эди. Уни йўлакда тупроққа беланиб ётган ҳолатда топдик, афтидан Болта тахта полни бошмоғи билан уриб тақиллатган. Хуллас, бетиним қилинган ҳаракат ва талваса туфайли нафас олиш тезлашган, натижада тинч ҳолатдагига нисбатан ҳаво кўп сарфланган.

Машинани жуда катта тезликда ҳайдаб келаётган Миржалол Улоч қишлоғидан унча узоқ бўлмаган ча

калакзорда икки кун беҳуш ётган. Сойликка етганда машинани бошқаролмай қолган ва қалин бутазорга кириб кетиб, ҳалокатга учраган. Уни кеча топиб келдик ва дарҳол ишга киришдик. Бу пайтга келиб ер ости тутқунлари ҳам рамақижон бўлиб қолишган ва ер остида беҳуш ҳолатда ётишган.

– Ҳаммаси рашкнинг иши, – дедим чуқур афсус билан.

– Лекин биз рашкни қамай олмаймиз, жавобгарликка торта олмаймиз ва ҳамма гуноҳни унга тўнкаб, «дело»ни ҳам ёпа олмаймиз.

Юрагим орқамга тортиб кетди. Капитан Масъуд ўткир нигоҳ билан кўзларимга тикилиб турарди.

– Наҳотки мени...

– Ҳа, сизни!

Кўз ўнгим қоронғилашиб, ўзимни ёмон ҳис қила бошладим.

– Сизни табриклайман!

Сўзлар мазмунини элас-элас илғаб бош кўтариб, қаршимда турган милиция формасидаги йигитга қарадим.

– Хонадаги ўша олеандр сизнинг хаёлингизга келмаганда, озроқ кечиксак Арфадан ҳам ажралиб қолган бўлардик. Лекин бизнинг изчил ҳаракатимиз бўлмаганда ҳам Арфа тирик қолмаган бўларди. Миржалол бутунлай нотўғри йўл тутган, албатта. Аммо энди у орамизда йўқ ва қонун олдида жавоб беролмайди.

Капитан Масъуд шу гапларни айтиб бўлиб, ўрнидан турди. Хушнуд жилмайди. Хайрлашув олдидан бақувват қўллари билан бармоқларимни маҳкам қисаркан, ҳазилу чин аралаш шундай деди:

– Изқуварлик фаолиятингизга омад тилайман ва огоҳлантираман: ҳеч қачон бундай қалтис иш тутманг. Детектив роман бошқа, ҳаёт бошқа.

Хонадан яхши кайфият ва енгил қадамлар билан ташқарига чиқиб, тўғри Арфанинг олдига йўл олдим. Ҳаво бирам яхши. Майин шабада жавпазак олмаларнинг ҳидини таратади. Ёз қуёши ҳам капитан Масъуднинг табассумидай ёрқин ва ёқимли.

## МУНДАРИЖА

Бигиз ........................................................................................3
«Аммахолл»даги қотиллик..........................................................58

---

*Адабий-бадиий нашр*

НЕЪМАТ АРСЛОН

**БИГИЗ**

*Детектив қиссалар*

Муҳаррир *Ф.Ҳидоятов*
Рассом *Д.Ҳамидова*
Бадиий муҳаррир *Ҳ.Қутлуқов*
Техник муҳаррир *Л.Хижова*
Мусаҳҳиҳ *М.Якубджанова*
Кичик муҳаррир: *Д.Холматова*
Компьютерда тайёрловчи *Ф.Ботирова*

Нашриёт лицензияси AI № 158, 14.08.2009.
Босишга 2015 йил 19 майда рухсат этилди.
Бичими 70x108 1/32. Офсет қоғози.
«Virtec Peterburg» гарнитурасида.
Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 6,3. Нашр табоғи 5,98.
Нусхаси 3000. Буюртма № 15-181.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz